

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Андижон давлат университети

**Магистрлар ва иқтидорли
талабалар илмий мақолалар
тўплами**



2018



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Андижон давлат университети

**Магистрлар ва иқтидорли
талабалар илмий мақолалар
тўплами**

Андижон - 2018

Тахрир хайъати раиси:

А.С.Юлдашев - биология фанлари доктори, профессор

Тахрир хайъати:

Б.М.Расулов – тарих фанлари доктори
А.Запаров – техника фанлари номзоди, доцент
Н.Тўхтабоев – техника фанлари номзоди, доцент
М.К.Махкамов – техника фанлари номзоди, доцент
Ў.Қ.Убайдуллаев – тарих фанлари номзоди, доцент
Р.Р.Шамсутдинов – тарих фанлари номзоди, доцент
Ч.Шокирова – педагогика фанлари номзоди, доцент
Б.Рахмонов – филология фанлари номзоди, доцент
Б.М.Насиров – педагогика фанлари номзоди, доцент
А.Маматкулов – филология фанлари номзоди, доцент
А.Имирсинова – биология фанлари номзоди, доцент

Мухаррир:

М.Қосимова – филология фанлари номзоди

Техник мухаррир:

Ҳ.Абдуллаева

Дизайнер:

А.Маттиев

Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси 129

Телефон: 223-88-33, **Факс:** (374) 223-88-30

NESBIT TENGSIZLIGINING TURLI ISBOTLARI

G'.M.Mo'minov - professor,

B.B.Tolibjonov - fizika – matematika fakulteti 1-bosqich talabasi

Andijon davlat universiteti

Uchburchaklarga oid turli tengsizliklarni isbotlash usullari ko'plab adabiyotlarda keltirilgan. Bu tengsizliklar orasida Nesbit tengsizligi muhim ahamiyatga ega. Biz ushbu maqolada bu tengsizlikning turli xil isbotlarini keltiramiz.

Teorema (Nesbit). Ixtiyoriy $a > 0, b > 0, c > 0$ sonlari uchun

$$\frac{a}{b+c} + \frac{b}{c+a} + \frac{c}{a+b} \geq \frac{3}{2} \quad (1)$$

tengsizlik o'rinli. Tenglik ishorasi $a=b=c$ bo'lganda bajariladi.

Isboti. 1-usul (urinmalar usuli). (1) tengsizlikda $a+b+c=1$ deb olamiz va bu holda isbotlanishi lozim bo'lgan tengsizlik

$$\frac{a}{1-a} + \frac{b}{1-b} + \frac{c}{1-c} \geq \frac{3}{2}$$

tengsizlikka o'tadi. Bu tengsizlikda tenglik ishorasi $a=b=c=\frac{1}{3}$ nuqtada bajarilishini ko'rish qiyin emas.

Endi $f(x) = \frac{x}{1-x}$ funksiyani qaraymiz va bu funksiya grafigiga abtsisasi $x_0 = \frac{1}{3}$ bo'lgan nuqtadan urinma to'g'ri chiziq o'tkazamiz.

$$f'(x) = \frac{1}{(1-x)^2} \text{ va } f(x_0) = \frac{1}{2}, f'(x_0) = \frac{9}{4}$$

bo'lgani uchun urinma tenglamasi:

$$y - f(x_0) = f'(x_0)(x - x_0)$$

formulasiga asosan

$$y = \frac{9x-1}{4}$$

to'g'ri chiziqdan iborat.

$$f(x) - y = \frac{x}{1-x} - \frac{9x-1}{4} = \frac{(3x-1)^2}{4(1-x)} \geq 0, x \in (0,1)$$

Shuning uchun

$$f(a)+f(b)+f(c)=\frac{a}{1-a}+\frac{b}{1-b}+\frac{c}{1-c}\geq\frac{9(a+b+c)-3}{4}=\frac{9\cdot 1-3}{4}=\frac{3}{2}$$

Tengsizlik isbotlandi.

2-usul. (1) tengsizlikda $a+b=x, b+c=y, c+a=z$ belgilashlar kiritib bu tengsizlikni

$$\frac{x+y-z}{2z}+\frac{x-y+z}{2y}+\frac{y+z-x}{2x}\geq\frac{3}{2},$$

yoki

$$\left(\frac{x}{y}+\frac{y}{x}\right)+\left(\frac{y}{z}+\frac{z}{y}\right)+\left(\frac{z}{x}+\frac{x}{z}\right)\geq 6$$

korinishida ifodalaymiz. Ammo o'rtta arifmetik va o'rtta geometrik miqdorlar orasidagi tengsizlikka ko'ra

$$\frac{x}{y}+\frac{y}{x}\geq 2, \frac{y}{z}+\frac{z}{y}\geq 2, \frac{z}{x}+\frac{x}{z}\geq 2$$

bo'lgani uchun oxirgi tengsizlik o'rinli. Tenglik ishorasi $x=y=z$, ya'ni $a=b=c$ bo'lganda bajariladi.

3-usul. (1) tengsizlikning har ikkala qismiga 3 ni qo'shib tengsizlik ko'rinishini o'zgartiramiz:

$$\frac{a}{b+c}+1+\frac{b}{c+a}+1+\frac{c}{a+b}+1\geq\frac{3}{2}+3,$$

yoki

$$(a+b+c)\left(\frac{1}{b+c}+\frac{1}{c+a}+\frac{1}{a+b}\right)\geq\frac{9}{2}$$

Hosil qilingan tengsizlikni 2 ga ko'paytirib, tengsizlikni

$$[(b+c)+(c+a)+(a+b)]\cdot\left(\frac{1}{b+c}+\frac{1}{c+a}+\frac{1}{a+b}\right)\geq 9$$

ko'rinishda yozishimiz mumkin. Ammo o'rtta arifmetik va o'rtta geometrik miqdorlar orasidagi tengsizlikka ko'ra oxirgi tengsizlikning to'g'riligi

$$(b+c)+(c+a)+(a+b)\geq 3\sqrt[3]{(b+c)(c+a)(a+b)}$$

va

$$\frac{1}{b+c}+\frac{1}{c+a}+\frac{1}{a+b}\geq\frac{3}{\sqrt[3]{(b+c)(c+a)(a+b)}}$$

tengsizliklardan kelib chiqadi.

Tenglik ishorasi $a=b=c$ bo'lganda bajariladi.

4-usul. Anqlik uchun $0\leq a\leq b\leq c$ bo'lsin. U holda $b+c\geq c+a\geq a+b$ va bundan

$$\frac{1}{b+c} \leq \frac{1}{c+a} \leq \frac{1}{a+b}$$

Bu tengsizlikka asosan

$$\frac{b}{b+c} + \frac{c}{c+a} + \frac{a}{a+b} \leq \frac{a}{b+c} + \frac{b}{c+a} + \frac{c}{a+b},$$

$$\frac{c}{b+c} + \frac{a}{c+a} + \frac{b}{a+b} \leq \frac{a}{b+c} + \frac{b}{c+a} + \frac{c}{a+b}$$

tengsizliklarni yozamiz. Bu tengsizliklarni hadlab qo'shib

$$3 \leq 2 \left(\frac{a}{b+c} + \frac{b}{c+a} + \frac{c}{a+b} \right),$$

yoki (1) Nesbit tengsizligini hosil qilamiz.

5-usul. [1] maqolada keltirilgan quyidagi teoremadan foydalanamiz.

Teorema. M – sonlar to'plamida aniqlangan $f_i(x) (x \in R)$ va $F(x) = \sum_{i=1}^n f_i(x), x \in M$

funksiyalar berilgan bo'lsin. U holda har bir M – sonlar to'plamida

aniqlangan $f_i(x)$ funksiya uchun $F(x)$ funksiya o'zining eng katta va eng kichik qiymatiga yagona nuqtada erishadi, ya'ni

$$\min_{x \in M} F(x) \geq \sum_{i=1}^n \min_{x \in M} f_i(x), \quad \max_{x \in M} F(x) \geq \sum_{i=1}^n \max_{x \in M} f_i(x).$$

Tenglik ishorasi $F(x)$ va $f_i(x)$ funksiyalarning ekstremum nuqtalari ustma ust tushganda bajariladi.

Agar $a > 0$ bo'lsa, u holda $f(x) = ax^2 + 2bx = a \left(x + \frac{b}{a} \right)^2 - \frac{b^2}{a}$ bo'lgani uchun

$\min_{x \in R} f(x) = f \left(-\frac{b}{a} \right) = -\frac{b^2}{a}$ va shu kabi $F(x) = \left(\sum_{i=1}^n a_i \right) x^2 + 2 \left(\sum_{i=1}^n b_i \right) x$ funksiya uchun

$$\min_{x \in R} F(x) = F \left(-\frac{\sum_{i=1}^n b_i}{\sum_{i=1}^n a_i} \right) = -\frac{\left(\sum_{i=1}^n b_i \right)^2}{\sum_{i=1}^n a_i} = -\frac{(b_1 + b_2 + \dots + b_n)^2}{a_1 + a_2 + \dots + a_n}$$

bo'ladi. Ушаков Р.П.[1] teoremasiga ko'ra

$$-\frac{(b_1 + b_2 + \dots + b_n)^2}{a_1 + a_2 + \dots + a_n} \geq -\frac{b_1^2}{a_1} - \frac{b_2^2}{a_2} - \dots - \frac{b_n^2}{a_n},$$

yoki

$$\frac{b_1^2}{a_1} + \frac{b_2^2}{a_2} + \dots + \frac{b_n^2}{a_n} \geq \frac{(b_1 + b_2 + \dots + b_n)^2}{a_1 + a_2 + \dots + a_n}$$

Oxirgi tengsizlikdan foydalanib Nesbit tengsizligini isbotlaymiz

$$\begin{aligned} \frac{a}{b+c} + \frac{b}{c+a} + \frac{c}{a+b} &= \frac{a^2}{a(b+c)} + \frac{b^2}{b(c+a)} + \frac{c^2}{c(a+b)} \geq \frac{(a+b+c)^2}{2(ab+bc+ca)} \\ &= \frac{a^2+b^2+c^2+2(ab+bc+ca)}{2(ab+bc+ca)} \geq \frac{3(ab+bc+ca)}{2(ab+bc+ca)} = \frac{3}{2} \end{aligned}$$

Nesbit tengsiligini quyidagicha umumlashtirish mumkin:

Agar $a_1, a_2, a_3, \dots, a_n$ nomanfiy sonlari uchun quyidagi tengsizlik o'rinli:

$$\frac{a_1}{a_2+a_3+\dots+a_n} + \frac{a_2}{a_1+a_3+\dots+a_n} + \dots + \frac{a_n}{a_1+a_2+\dots+a_{n-1}} \geq \frac{n}{n-1} \quad (n \geq 3) \quad (2)$$

(2) tengsizlikning isbotini urinmalar usuli yoki [1] maqolada ko'rsatilgan teoremadan foydalanib amalga oshirish mumkin.

АДАБИЙОТ

1. Ушаков Р.П. О едином подходе к доказательство классических неравенств.// Математика сегодня. 1995. Вып.10. С. 61-65.

15-АЦЕТОКСИАЗОМЕТИН АТИЗИН ДИТЕРПЕНОИД АЛКАЛОИДИНИНГ ЮРАК МУСКУЛИ ҚИСҚАРИШ ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИР МЕХАНИЗМИНИ ЎРГАНИШ

А.Э.Зайнабиддинов – б.ф.д.

А.А.Муталипов – биология йўналиши 4-босқич талабаси

Андижон давлат университети

Бугунги кунда ўсимликлардан ажратиб олинган дитерпен қатори алкалоидларнинг антиаритмик хусусиятларини ўрганиш борасида бир қатор илмий изланишлар олиб борилган [1.254]. Бироқ антиаритмик дори воситаларига талаб юқорилиги ва дитерпен алкалоидларнинг кардиотроп таъсир самарадорлиги талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги, яъни антиаритмик хусусияти ортиши билан бирга уларнинг манфий инотроп таъсирининг ҳам ортиб бориши ушбу йўналишдаги тадқиқотларни давом эттиришни тақозо қилади. Шунинг учун манфий инотроп таъсири кам бўлган

антиаритмик хусусияти юқори дитерпен алкалоидларни ўрганиш ва излаб топиш муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади [2.12].

ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида ўсимликларнинг *Aconitum zeravshanicum* туридан структурасига боғлиқ ҳолда таъсир кўрсатадиган бир катор дитерпен алкалоидлар ажратилган. Уларнинг айримлари, хусусан, 15-ацетоксиазометин атизиннинг антиаритмик фаоллиги ортиши кўрсатиб берилган [3.73].


Мазкур тадқиқотнинг мақсади 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг каламуш юраги папилляр мускул қисқариш фаоллигига инотроп таъсир механизмини ўрганиш ҳисобланади.

Материал ва методлар. Тажрибалар оқ, зотсиз каламушлар (200-250 гр.) юраги ўнг қоринчасидан ажратиб олинган ва перфузияланган ҳамда махсус тажриба идишига жойлаштирилган папилляр мускул препаратларида (диаметри 0,5-0,8 мм, узунлиги 1-3 мм) олиб борилди. Перфузиялаш учун куйидаги таркибдаги Кребс эритмасидан фойдаланилди (мМ): NaCl-118; KCl-4,7; CaCl₂-2,5; MgSO₄-1,2; KН₂PO₄-1,1; глюкоза-5,5; NaHCO₃-25, рН-7,4. Эритмалар 35°С ҳароратда карбоген (O₂ - 95%, CO₂ - 5%) билан оксигенланган. Папилляр мускул препарати тажриба камерасига маҳкамланди ва иккинчи учи билан F30 изометрик датчиги (Hugo Sachs, Германия) илгагига боғланди. Мускул препарати ЭСЛ-2 стимулятори ва Pt-электродлар ёрдамида 0,1-5 Гц частотада, 10 мс давомийликдаги, поғона даражасидан 20% ортувчи, тўғри бурчак остида йўналтирилган импульс билан кўзғатилди. Мускуллар қисқаришини изометрик режимда кучайтиргич (ТАМ-А) ва TZ 4620 самописеци (Чехия) ёрдамида қайд қилинди.

Олинган натижалар жамланди ва OriginPro 6.1 (OriginLab Corporation; США) компьютер дастури ёрдамида қайта ишланди. Бунда қисқариш жавобларининг амплитудаси максимал жавобга нисбатан фоизларда ифодаланди ва 4-6 та турли тажрибаларнинг ўртача қийматлари ҳисобланди (n=4-6). P<0,05 ва P<0,01 қийматлари статистик аҳамиятли фарқларни кўрсатади.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Тажрибаларда 15-ацетоксиазометин атизиннинг папилляр мускулига таъсири икки томонлама характерга эга эканлиги аниқланди, 15-ацетоксиазометин атизин паст концентрацияларида (<8 мкМ) ва қўзғатишнинг паст частоталарида (0,1-1 Гц) папилляр мускул қисқариш кучини ошириши, юқори концентрация ва юқори қўзғатиш частоталарида, аксинча, камайтириши аниқланди.


Папилляр мускул қисқариш фаоллигига 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг 5 мкМ концентрациясининг таъсирини кузатганимизда папилляр мускул қисқариш кучининг назорат даражасидан $21,8 \pm 3,2\%$ га ошиши кузатилди (1-расмга қаранг). Юрак мускули қисқариш кучининг бундай ошиши ёки мусбат инотроп таъсири (МИТ) қатор катехоламинлар (адреналин, норадреналин) таъсири учун хос бўлиб, у кардиомиоцитларда $[Ca^{2+}]_i$ нинг ошиши билан боғлиқ. Катехоламинларнинг бундай таъсири в-адренорецепторларнинг стимуляцияси туфайли таъминланиб, улар аденилатциклазани фаоллаштиради ва ЦАМФ фаоллашишини кучайтирган ҳолда CaI^+ ионларининг сафарбар этилишига ва $[Ca^{2+}]_i$ нинг ошишига замин яратади ва бунинг натижасида юрак мускули қисқаришларининг кучайиши рўй беради [4.278]. Бу маълумотлар худди шунга ўхшаш механизм 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг МИТ асосида ётиши мумкин деб тахмин қилишга асос бўлади.



1-расм. 15-ацетоксиазометин атизин алкалоиди инотроп таъсирининг унинг концентрацияларига боғлиқлиги. А. 5 ва 30 мкМ 15-ацетоксиазометин атизин инотроп таъсирининг оригинал тасвири. Б. 15-ацетоксиазометин атизиннинг папилляр мускул қисқаришларига таъсирини унинг концентрациясига боғлиқлиги. Ордината ўқида - мускул қисқариш кучи, 100% деб қабул қилинган максимал нисбатан фоизда ифодаланган. Барча ҳолларда $P < 0,05$, ($n=6$).

Тажрибаларимизда алкалоиднинг МИТ в-адренорецепторларнинг специфик блокатори бўлган пропраналол иштирокида ҳам сақланиб қолиши кузатилди, бу 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг МИТ в-адренорецепторлар ва аденилатциклаза тизимининг фаоллашувига боғлиқ эмаслигидан гувоҳлик беради. Шу билан бирга, 15-ацетоксиазометин атизиннинг таъсири потенциалга боғлиқ Ca^{2+} -каналларининг блокатори – нифедипин иштирокида ўтказилган тажрибаларимизда ҳам кузатилиб, бу унинг МИТ мазкур каналлар орқали Ca^{2+} ионларининг кириб келиши билан боғлиқ эмаслигидан далолат беради. Шунингдек, 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг МИТ кўзғатишнинг паст частоталарида (0,1-1 Гц), юрак мускулининг қисқариши, асосан, саркоплазматик ретикулум (СР) дан ажралиб чиқувчи Ca^{2+} ионлари ҳисобига таъминланувчи шароитларда кузатилди [5.248] ва тахмин қилиш мумкинки, унинг амалга ошишида СР даражасидаги худди шунга ўхшаш механизм иштирок этади. Бу тахминни текшириб кўриш учун 15-ацетоксиазометин атизиннинг худди юқорида кўрсатилганидек, папилляр мускулнинг пост-рест потенциясига таъсири ўрганилди ва у Ca^{2+} ионларини СР га йиғилиши ва ажралиб чиқиш жараёнларини акс эттиради. Бундай муҳитда 15-ацетоксиазометин атизин (5 мкМ) мавжуд шароитда В1 биринчи қисқаришнинг амплитудаси 30 сониялик тинчлик давридан кейин назоратдан $76,6 \pm 8,1\%$ га ошиши кузатилди (2-расм, А га қаранг). Шу билан бирга, мазкур шароитларда стационар қисқаришлар амплитудасининг бирмунча кўтарилиши ҳам кузатилиб, у В1 га нисбатан бироз пастроқ бўлиб, нисбий потенция қийматини ($2,20 \pm 0,18$) (В1/В0) назорат даражасига нисбатан $1,89 \pm 0,10\%$ га сезиларли даражада ошишидан далолат беради (2-расм, Б га


каранг). Потенциация нисбати қийматини ошиши Ca^{2+} ионларининг СР йиғилиш жараёнининг кўрсаткичи бўлиб [6, б.250], 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг потенцирловчи таъсири Ca^{2+} нинг СР да йиғилишининг ва қўшимча ошишининг кучайишига боғлиқ бўлиб, у папилляр мускул қисқаришининг кучайишини таъминлайди. Ўтказилган тажрибаларимиздан кўриниб турибдики, СР да Ca^{2+} ионлари микдорининг регуляциясида $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизим муҳим рол ўйнаб, улар кардиомиоцитларга Ca^{2+} ионлари кириб келишини таъминлайди ва уларнинг СР да йиғилишини кучайтириб, юрак мускулининг қисқарувчанлик фаоллиги ошишига имкон беради [7.716].



2-расм. 15-ацетоксиазометин атизин (5 мкМ) ни каламуш юраги папилляр мускулининг пост-рест потенциясига таъсири. А. 15-ацетоксиазометин атизиннинг (5 мкМ) папилляр мускул пост-рест потенциясига таъсирини тасвирловчи ёзув. Б. 15-ацетоксиазометин атизиннинг потенция нисбатига (B1/B0) таъсири. Ордината ўқида – B1/B0 нисбати. Барча ҳолларда $P < 0,05$, ($n=5$).

Шунингдек, Ca^{2+} ионларининг кардиомиоцитлардан чиқиб кетишини таъминловчи $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизимнинг асосий функциясида ташқари, ҳар бир қисқариш актидан кейин ҳаракат потенциали платосининг тушиб кетиш вақтида уларнинг кириб келишида ҳам иштирок этади. Бундан ташқари юрак гликозидлари келтириб чиқарадиган мусбат инотроп таъсир ҳам $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизим орқали кириб келадиган Ca^{2+} ионлари орқали таъминланади ва бунинг натижасида кардиомиоцитларда Na^+

ионларининг хужайра ичи даражаси пасаяди [8.350-351]. Бу маълумотларни $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизимга 15-ацетоксиазометин атизиннинг потенцирловчи таъсирини таъмилашдаги эҳтимолий ролини ҳисобга олган ҳолда унинг специфик блокатори – KB-R7943 иштирокида унинг таъсир эффектлари ўрганилди. Бунда KB-R7943 нинг максимал таъсир концентрацияси иштирокида (30 мкМ), $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизим тўлик блоклаб қўйилган шароитда муҳитга 5 мкМ 15-ацетоксиазометин атизиннинг киритилиши алкалоиднинг потенцирловчи таъсирининг ривожланишига олиб келмади (3-расм, А га қаранг). Шу билан бирга мазкур тажрибаларда аниқландики, KB-R7943нинг паст концентрацияларида $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизимнинг функцияси қисман сақланиб қолганда 15-ацетоксиазометин атизин потенцирловчи таъсирни келтириб чиқаради (3-расм, Б га қаранг).



3-расм. $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ - алмашинувчи тизимнинг специфик блокатори KB-R7943нинг 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг потенцирловчи эффектига таъсири. 15-ацетоксиазометин атизиннинг 30 мкМ (А) ва 20,6 мкМ (Б) KB-R7943 иштирокида папилляр мускул қисқаришига таъсири. Ордината ўқида - мускул қисқариш кучи, 100% деб қабул қилинган максималга нисбатан фоизларда ифодаланган. Барча ҳолларда $P < 0,05$, ($n=6$).

Шундай қилиб, олинган тажриба натижалари шундан гувоҳлик берадики, 15-ацетоксиазометин атизин потенцирловчи таъсирини амалга оширишда, $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизим томонидан етказиб берилувчи Ca^{2+}

ионлари иштирок этиб, улар кейинчалик СР кириб, папилляр мускул қисқаришининг кучайишига замин яратади.

Ушбу ўтказилган тажрибалар асосида олинган маълумотлар юрак қон-томир тизими касалликларини олдини олиш ва даволашда самарали таъсирга эга бўлган дори воситаларини яратишда фундаментал асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

АДАБИЁТ

1. Джахангиров Ф.Н., Султанходжаев М.Н., Ташходжаев Б., Салимов Б.Т. Дитерпеноидные алкалоиды как новый класс антиаритмических средств. Взаимосвязь структура-активность // Химия природн. соедин. 1997. №2. С. 254.
2. Zaynabiddinov A.E., Salimov B.T., Usmanov P.B. 15-atsetoksiazometin atizin o'simlik alkaloidining kalamush yuragi papillary muskuli qisqarish faolligiga musbat inotrop ta'siri // O'zbekiston biologiyasi jurnali. Toshkent, 2015. №2. Б. 10-13 (03.00.00, №5)
3. Қодирова М.Ш., Турсунходжаева Ф.М., Салимов Б.Т., Джахангиров Ф.Н., Режепов Ж. Атизин ва гетизин қатори алкалоидларининг антиаритмик таъсири ва кимёвий тузилиш – фаоллик муносабатлари // Farmatsevtika jurnali. 2010, 4-сон. Б. 72-75.
4. Bers D.M. Calcium fluxes involved in control of cardiac myocyte contraction // Circ. Res. 2000. Vol. 87. P. 275-281.
5. Maier L.S., Pieske B., Allen D.G. Influence of stimulation frequency on $[Na^+]_i$ and contractile function in Lungendorff-perfused rat heart // Am. J. Physiol. 1997. V. 273. P. H1246-H1254.
6. Maier L.S., Bers D.M., Pieske B. Differences in Ca^{2+} -handling and sarcoplasmic reticulum Ca^{2+} -content in isolated rat and rabbit myocardium // J. Mol. Cell. Cardiol. 2000. V. 32. P. 249-258.
7. Bers D.M., Christensen D.M. Functional interconversion of rest decay and ryanodine effects in rabbit and rat ventricle depends on Na^+/Ca^{2+} exchange // J. Mol. Cell. Cardiol. 1990. V. 22. P. 715-723.

8. Nesher M., Shpolansky U., Viola N., Dvela M., Buzaglo N., Cohen Ben-Ami H., Rosen H., and Lichtstein D.. Ouabain attenuates cardiotoxicity induced by other cardiac steroids // J. Pharmacol. 2010. V. 160. P. 346-354.

**ЮРАК МУСКУЛИ ҚИСҚАРИШ ФАОЛЛИГИГА
15-АЦЕТОКСИАЗОМЕТИН АТИЗИН ДИТЕРПЕНОИД
АЛКАЛОИДИНИНГ МАНФИЙ ИНОТРОП ТАЪСИРИНИ
ТАВСИФЛАШ**

**А.Э.Зайнабиддинов – б.ф.д.,
А.А.Муталипов – биология йўналиши 4-босқич талабаси**

Андижон давлат университети

Ҳозирги кунда турли типдаги юрак аритмияларини даволашда, асосан, синтетик бўлган катта миқдордаги доривор воситалардан фойдаланилади. Бу антиаритмик воситаларнинг терапевтик эффекти, асосан, юрак хужайраларидаги Na^+ , Ca^{2+} ва K^+ ионлар оқимини бошқарувчи рецепторлар, транспортёрлар ва ион каналларнинг фаоллигини модуляциялаш орқали таъминланади [1.173-174]. Деярли барча антиаритмик воситалар, у ёки бу даражада, манфий инотроп эффектни намоён қилади ва миокарднинг қисқариш фаоллигини анча босиб туради. Айниқса, биринчи синф антиаритмик воситаларда манфий инотроп эффект яққол намоён бўлиб, антиаритмик ва манфий инотроп фаоллик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик улар учун хосдир [2.351]. Антиаритмик воситаларнинг манфий инотроп эффекти асосида турли хил механизмлар бўлиб, кардиомицитларда хужайра ичидаги Ca^{2+} ионлар миқдорини камайтиришга асосланади. Шу билан бирга, антиаритмик воситаларнинг манфий инотроп эффекти хавfli ножўя таъсирга эга. Бу эса юракнинг баъзи патологияларида аритмияларни даволаш учун улардан фойдаланишни кескин чегаралайди. Хусусан, юрак етишмовчилиги билан оғриган ёки юракнинг чап қоринчаси функцияси пасайганда улардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Сабаби, улар касалликни

оғирлаштириши ва кўпинча, ўлимга олиб келувчи юрак хайдаш функциясининг жиддий бузилишларини келтириб чиқариши мумкин [3.1128].


Шундай қилиб, кўриниб турибдики, ҳозирги кунда фойдаланиладиган деярли барча антиаритмик воситалар у ёки бу даражада проаритмик ёки манфий инотроп эффектга эга. Хатто, антиаритмик воситаларнинг кўпчилигида бундай ножўя таъсирлар бўлганлиги сабабли юракнинг баъзи бир патологик ҳолатларида аритмияларни даволашда улардан фойдаланишни чегаралайди ёки умуман фойдаланилмайди. Шу сабабли, манфий инотроп фаоллиги ва проаритмик эффекти бўлмаган, юқори самарали антиаритмик воситаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва яратиш замонавий фармакология ва кардиологиянинг долзарб ва муҳим масалаларидан бири бўлиб қолади.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади 15-ацетоксиазометин атизин дитерпеноид алкалоидининг каламуш юраги папилляр мускул қисқариш фаоллигига манфий инотроп таъсир механизмини ўрганиш ҳисобланади.

Материал ва методлар. Тажрибалар оқ, зотсиз каламушлар (200-250 гр.) юраги ўнг қоринчасидан ажратиб олинган ва перфузияланган ҳамда махсус тажриба идишига жойлаштирилган папилляр мускул препаратларида (диаметри 0,5-0,8 мм, узунлиги 1-3 мм) олиб борилди. Перфузиялаш учун куйидаги таркибдаги Кребс эритмасидан фойдаланилди (мМ): NaCl-118; KCl-4,7; CaCl₂-2,5; MgSO₄-1,2; KН₂PO₄-1,1; глюкоза-5,5; NaHCO₃-25, рН-7,4. Эритмалар 35°С ҳароратда карбоген (O₂ - 95%, CO₂ - 5%) билан оксигенланган. Папилляр мускул препарати тажриба камерасига маҳкамланди ва иккинчи учи билан F30 изометрик датчиги (Hugo Sachs, Германия) илгагига боғланди. Мускул препарати ЭСЛ-2 стимулятори ва Pt-электродлар ёрдамида 0,1-5 Гц частотада, 10 мс давомийликдаги, поғона даражасидан 20% ортувчи, тўғри бурчак остида йўналтирилган импульс билан қўзғатилди. Мускуллар қисқаришини изометрик режимда кучайтиргич (ТАМ-А) ва TZ 4620 самописеци (Чехия) ёрдамида қайд қилинди.

Олинган натижалар жамланди ва OriginPro 6.1 (OriginLab Corporation; США) компьютер дастури ёрдамида қайта ишланди. Бунда қисқариш жавобларининг амплитудаси максимал жавобга нисбатан фоизларда ифодаланди ва 4-6 та турли тажрибаларнинг ўртача қийматлари ҳисобланди ($n=4-6$). $P<0,05$ ва $P<0,01$ қийматлари статистик аҳамиятли фарқларни кўрсатади.


Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Ўтказилган тажрибаларимизда 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг 5 мкМ концентрацияда ва паст қўзғатиш частоталари (< 1 Гц) да папилляр мускул қисқариш фаоллигига нисбатан мусбат инотроп таъсир кўрсатиб, қисқариш кучини назоратга нисбатан $21,8\pm 3,2\%$ га ошириши аниқланган бўлса [4.12], қўзғатиш частотасининг оширилиши ушбу алкалоиднинг папилляр мускул қисқариш фаоллигига нисбатан манфий инотроп таъсирини оширди. Жумладан, 15-ацетоксиазометин атизин алкалоиди 5 мкМ концентрацияда 4 Гц қўзғатиш частотасида папилляр мускул қисқариш кучини назоратга нисбатан $92,3\pm 2,4\%$ га камайтирди (1-расмга қаранг).



1-расм. 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг папилляр мускул қисқариш фаоллигининг қўзғатиш частотасига боғлиқ таъсири.

Изоҳ: Ордината ўқида – назоратда мускул қисқариш кучи 100% деб қабул қилинган, абсцисса ўқида – қўзғатиш частотаси ифодаланган. Барча ҳолатларда $P < 0,05$ ($n = 8$).


Тажрибаларда олинган натижаларнинг таҳлили асосида 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг паст қўзғатиш частоталари (< 1 Гц) да папилляр мускул қисқариш фаоллигига нисбатан мусбат инотроп таъсири бевосита ушбу алкалоид саркоплазматик ретикулум (СР) га таъсир қилиб, СРдан Ca^{2+} -чиқиш жараёнини тезлаштириши ва бунинг натижасида цитозолда Ca^{2+} ионлари миқдорини ортиши ҳисобига қисқариш кучини ортиши юзага келиши билан изоҳланади. Юқори қўзғатиш частоталари (> 1 Гц) да 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг папилляр мускул қисқариш фаоллигига нисбатан манфий инотроп таъсири кардиомиоцит сарколеммасида жойлашган Ca^{2+} -каналли ва $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашувчи тизим функциясини сусайтириши ҳисобига СРдан Ca^{2+} -чиқиш жараёнининг камайиши орқали амалга ошади. Бунинг натижасида цитозолда Ca^{2+} ион миқдорини камайиши кузатилиб, манфий инотроп таъсири юзага келади. Ушбу фикрларга ойдинлик киритиш учун тажрибаларда 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг кардиомиоцит сарколеммасида жойлашган потенциалга боғлиқ Ca^{2+} -каналли функциясига таъсирини унинг специфик блокатори - нифедипин ёрдамида текшириб кўрдик. Ўтказилган тажрибаларда нифедипин дозага боғлиқ ҳолатда папилляр мускул қисқариш фаоллигига манфий инотроп таъсир кўрсатиши кузатилиб, унинг ярим максимал таъсир концентрацияси $\text{ED}_{50} = 5,0 \pm 2,1$ мкМни ташкил қилди. Тажрибада нифедипин 0,5 Гц қўзғатиш частотасида 5 мкМ концентрацияси папилляр мускул қисқариш кучини назоратга нисбатан $50,0 \pm 3,9$ % га камайтирди. Ушбу шароитда 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг 30 мкМ концентрациясининг таъсирини кузатганимизда, папилляр мускул қисқариш кучини нифедипин мавжуд шароитга нисбатан қўшимча $37,6 \pm 6,3$ % га камайтирди (2-расмга қаранг).



2-расм. 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг каламуш юраги папилляр мускули қисқариш кучига мухитда нифедипин мавжуд шароитда таъсири. *Изоҳ: Ордината ўқида – папилляр мускул қисқариши кучи, назоратга нисбатан фоизда ифодаланган, 100% деб қабул қилинган. Препаратни кўзгатиш частотаси 0,5 Гц. Барча ҳолатларда $P < 0,05, (n=4)$.*

Ушбу ўтказилган тадқиқот натижалари мухитда Ca^{2+} -каналлари блокатори нифедипин мавжуд шароитда 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг манфий инотроп таъсири кучлийдиги, бу унинг манфий инотроп таъсири ушбу каналларнинг блокадаси билан кам алоқадорлигини кўрсатади.

15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг каламуш юраги папилляр мускули қисқариш фаоллигига манфий инотроп таъсири кардиомиоцит Na^{+} -каналли фаоллигига таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу тахминни Na^{+} -каналли блокатори – лидокаин ёрдамида текшириб кўрдик. Тажрибаларда лидокаин папилляр мускул қисқариш фаоллигига дозага боғлиқ ҳолатда манфий инотроп таъсир кўрсатиб, 0,5 Гц кўзгатиш частотасида унинг ярим максимал таъсир концентрацияси (ED_{50}) = 15 мкМ ни ташкил қилди. Тажрибада лидокаиннинг 15 мкМ концентрацияси таъсирида папилляр мускул қисқариш кучи $50,0 \pm 4,3\%$ га камайди. Ушбу шароитда 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг 30 мкМ концентрациясини таъсир эттирганимизда қисқариш кучини лидокаин мавжуд шароитга нисбатан қўшимча $20,4 \pm 5,9\%$ га камайтириши кузатилди (3-расмга қаранг).



3-расм. 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг каламуш юраги папилляр мускули қисқариш кучига муҳитда лидокаин мавжуд шароитда таъсири. *Изоҳ: Ордината ўқида – папилляр мускул қисқариш кучи, назоратга нисбатан фоизда ифодаланган, 100% деб қабул қилинган. Препаратни қўзғатиш частотаси 0,5 Гц. Барча ҳолатларда $P < 0,05, (n=5)$.*

Ушбу ўтказилган тажриба натижаларининг таҳлили асосида, Na^+ -каналларни қисман блоклаш шароитида алкалоиднинг таъсири анча пасаяди, ушбу ҳолатни алкалоид билан ўзаро таъсирланадиган очик каналлар сонининг камайиши билан тушунтириш мумкин. Шу билан бирга, Na^+ -каналларининг блокланиш шароитида 15-ацетоксиазометин атизин алкалоидининг манфий инотроп таъсирининг камайиши бу унинг манфий инотроп таъсири кўпроқ Na^+ -каналларини блоклашга қаратилганлигидан далолат беради.

Ҳулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, 15-ацетоксиазометин атизин алкалоиди таъсирида Na^+ -каналларининг блокланиши Ca^{2+} -ионларини кардиомиоцитларга $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизим орқали киришини камайтиради, улар юрак мускулларининг инотропиясига камроқ таъсир килади, шунинг учун унинг манфий инотроп таъсири нифедипин мавжуд шароитда ўтказилган тажрибага қараганда нисбатан пастроқдир. Ушбу алкалоиднинг инотроп таъсир механизмларини ва ўзига хос хусусиятларини қиёсий таққослаш орқали унинг инотроп фаоллиги ўртасидаги боғлиқлигини

аниқлашга ҳамда 15-ацетоксиазометин атизиндаги манфий инотроп эффектни келтириб чиқариш сабабларини аниқлаш ҳақидаги маълумотларни олишимиз мумкин. Шубҳасиз, ушбу олинган маълумотлар нафақат муҳим фундаментал аҳамиятга эга бўлади, манфий инотроп эффекти бўлмаган, самарали антиаритмик воситаларнинг янги авлодини ишлаб чиқилиши ва яратилишида назарий асос сифатида ҳизмат қилиши мумкин.

АДАБИЁТ

1. Jackman W.M., Szabo B., Friday K.J. at al. Ventricular arrhythmias related to early after depolarizations and triggered firing: relationship to QT interval prolongation and potential therapeutic role for calcium channel blocking agents // Cardiovasc. Electrophysiol. 1990. V.1. P.170-195.
2. Nawada T. et al. Evaluation of negative inotropic and antiarrhythmic effects of class 1 antiarrhythmic drugs. Int. J. Clin. Pharmacol. 1994. 32 P. 347-355.
3. Hoffmeister H.M., Hepp A., Seipel L., Negative, Eur. Heart J., 1987. 8. P. 1126-1132
4. Zaynabiddinov A.E., Salimov B.T., Usmanov P.B.. 15-atsetoksiazometin atizin o'simlik alkaloidining kalamush yuragi papillary muskuli qisqarish faolligiga musbat inotrop ta'siri // O'zbekiston biologiyasi jurnali. Toshkent. 2015. №2. Б. 10-13. (03.00.00, №5).

АЙРИМ БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАРНИНГ КАРДИОМИЦИТ Ca^{2+} ТАШИШ ТИЗИМЛАРИГА ТАЪСИРИ

А.Э.Зайнабиддинов – б.ф.н.
М.Х.Набиева – биология йўналиши 4-босқич талабаси

Андижон давлат университети


Бугунги кунда Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг статистик маълумотиغا кўра юрак қон-томир тизими касаллиги энг кўп

тарқалган хасталик бўлиб, бу касаллик билан оғриган беморлар сони йилдан-йилга ортиб бориши кузатилмоқда. Юрак қон-томир тизими касалликлари орасида юрак ритмининг бузилиши, яъни аритмиялар биринчи ўринда туради. Юрак аритмияси кенг тарқалган ва фавқулод даражада хавфли ҳисобланган юрак қон - томир тизими касаллиги бўлиб, юрак патологиялари ва «тўсатдан оламдан ўтиш» хавфи омиллари орасида етакчи ўринни эгаллайди [1.178]. Юрак аритмиялари патогенези асосини миокардда Na^+ , K^+ , Ca^{2+} ионларининг тақсимланиши ва транспортини назорат қилувчи ион каналлари функциясидаги турли хилдаги бузилишлар ташкил қилади ва ушбу кўринишда миокардда кўзгалувчанлик, ҳаракат потенциалининг давомийлиги, унинг узатилиш тезлиги каби нозик электрофизиологик параметрлар бузилиши амалга ошади [2.46]. Шу сабабли, тиббиёт амалиётида қўлланиладиган кўпгина антиаритмик воситалар кардиомиоцитларда Na^+ , K^+ , Ca^{2+} каналлари фаоллигини модуляциялаш орқали ушбу параметрларни коррекция қилишга йўналтирилади [3.35]. Афсуски, ҳозирги вақтда фойдаланилувчи антиаритмик моддалар клиник амалиёт талабларига тўлиқ жавоб бермайди, шунингдек, антиаритмик таъсири билан бир қаторда уларнинг кўпчилигида аритмоген таъсири кузатилади ва манфий инотроп эффект қайд қилинади [4.693]. Жумладан, I синфга мансуб антиаритмик моддалар ҳисобланган Na^+ - каналлари блокаторлари миокарднинг қисқариш фаоллигини сезиларли даражада сусайтириши кузатилади, бу ҳолат ўз навбатида юракнинг қон ҳайдаш функциясига салбий таъсир кўрсатади [5.701-702]. Шунинг учун, ушбу антиаритмик моддалардан фойдаланиш ҳозирги вақтда кескин даражада чекланган, бундан ташқари юракнинг ишемик касалликлари, юрак етишмовчилиги ва чап қоринча гипертрофияси касалликлари ҳолатларида бу дори препаратларидан фойдаланиш қатъий равишда таъқиқланади. Шу сабабли, замонавий фармакология соҳасидаги долзарб масалалардан бири – проаритмик эффектсиз ва манфий инотроп таъсирига эга бўлмаган, антиаритмик воситаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва яратишдан

иборат. Бу масаланинг ҳал қилиниши нафақат назарий аҳамиятга, балки амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиши қайд қилиниб, келгусида юрак аритмиялари ва унга боғлиқ бўлган юрак қон - томир тизимида юзага келувчи касаллик асоратларини даволаш ва олдини олишда янги, самарали ишланмалар ривожлантирилишига олиб келиши мумкин.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади дельфатин алкалоидининг каламуш юраги папилляр мускули қисқариш фаоллигига инотроп таъсир механизмини ўрганиш асосида манфий инотроп таъсирга эга бўлмаган янги антиаритмик воситаларни яратиш учун назарий асосини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Материал ва методлар. Тажрибаларда оқ, зотсиз каламуш (200-250 гр.) юраги папилляр мускули объект сифатида қўлланилди. Ушбу ишни бажаришда исфарак (*Delphinium biternatum*) ўсимлигидан ажратиб олинган дельфатин алкалоидининг каламуш юраги папилляр мускулининг изометрик шароитда қисқариш фаоллигига таъсири ўрганилди. Дельфатин алкалоиди (1б, бв, 14б, 16в-тетраметокси-7в, 8в-дигидрокси 4в-метоксиметилен-N-этилаконитана перхлорат) формуласи (1-расмга қаранг). Ушбу дельфатин алкалоиди ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти ходими, к.ф.д.. Б.Т. Салимов томонидан тақдим этилган.




1-расм. Дельфатин алкалоидининг структура формуласи.

Ишни бажариш давомида қуйидаги фармакологик препаратлар ва реактивлардан фойдаланилди: нифедипин, рианодин, кофеин, тапсигаргин, NaHCO_3 , CaCl_2 , MgSO_4 , глюкоза (Sigma, США), норадреналин (SERVA, Германия), NiCl_2 (ALDRICH, Германия). Қолган реактивлар: NaCl , KCl ,

NaH₂PO₄ Россияда ишлаб чиқарилган. Барча реактивлар кимёвий тозалик квалификациясига эга ҳисобланади.

Тажрибада қуйидаги таркибдаги Кребс физиологик эритмасидан фойдаланилди (мМ): NaCl, 119; KCl, 4,8; CaCl₂, 1,3; MgSO₄, 1,2; KH₂PO₄, 1,2; NaHCO₃, 24,9; глюкоза, 10,0. Физиологик эритма рН қиймати 7,4 ни ташкил қилди. Физиологик эритма O₂ (95%) ва CO₂ (5%) газлар билан аэрация қилинди, ҳарорат (35 ± 1°C) MLV U1 ультратермостати ёрдамида таъминланди. Физиологик эритма циркуляцияси LKB BROMMA (Польша) перистальтик насоси (2-4 мл/мин тезликдаги оқимда) ёрдамида амалга оширилди. Папилляр мускул қисқариш фаоллиги изометрик шароитда механотрон F30 (Германия), кучайтиргич TAM-A March ва LINE Recorder самописеци (Чехославакия) ёрдамида регистрация қилинди. Тўқимада барқарор электрогенез юзага келиши мақсадида препарат 0,1 Гц частота ва 10 мс давомийликдаги стимуляцияда 1,5 соат инкубацияга қўйилди. Қўзғатувчи импульс ЭСУ-2 стимулятори орқали Pt-электрод ёрдамида тўғри бурчак шаклида, давомийлиги 10 мс, 1,0 Гц частотада ва мускулни қўзғатиш поғона даражасидан 20-30 % юқори бўлган ток кучи ёрдамида амалга оширилди.


Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Тажрибаларимизда исфарақ, *Delphinium biternatum* ўсимлик туридан ажратиб олинган дельфатин алкалоидининг каламуш папилляр мускули қисқариш фаоллигига таъсирини ўрганганимизда, ушбу алкалоид мускул қисқариш кучига специфик таъсир кўрсатиши кузатилди. Бунда дельфатин алкалоиди каламуш папилляр мускули қисқариш кучига концентрацияга боғлиқ ҳолатда таъсир кўрсатиб, минимал таъсири 3Ч10⁻⁶ М концентрациядан бошланиб, максимал таъсир эффекти 3Ч10⁻⁵М концентрацияда юзага чиқиши аниқланди (2-расмга қаранг).



1-рам. Дельфатин алкалоидининг каламуш папилляр мускули қисқариш кучига концентрацияга боғлиқ таъсири. Бу ерда, ордината ўқида – папилляр мускул қисқариш кучининг максимал қийматга нисбати ифодаланган, абсцисса ўқида – дельфатин алкалоидининг концентрацияси ифодаланган, мускулни қўзғатиш стимуляция частотаси 2,0 Гц. Барча ҳолатларда $P < 0,05$; ($n=6$).

Шунингдек, тажрибаларимизда стимуляция частотаси қиймати 1,0 Гц ва ундан юқори частоталарга оширилганда, дельфатин алкалоидининг каламуш папилляр мускули қисқариш кучига нисбатан мусбат инотроп таъсири кузатилмайди. Бу каби ҳолат дельфатин алкалоиди концентрацияси оширилганда ҳам кузатилди. Делфатин стимуляция частотаси 0,1 Гц ҳолатда, $2 \cdot 10^{-5}$ М концентрацияда каламуш папилляр мускули қисқариш кучига нисбатан фақат манфий инотроп таъсир кўрсатиб, қисқариш кучи амплитудасини назоратга нисбатан $76,4 \pm 2,1$ % га сусайтириши аниқланди.

Дельфатин алкалоиди $2 \cdot 10^{-5}$ М концентрацияда, 5,0 Гц стимуляция частотасида каламуш папилляр мускули қисқариш кучи амплитудасини назоратга нисбатан $82,3 \pm 1,8$ % га сусайтириши қайд этилди (2-расмга қarang).



2-расм. Дельфатин алкалоидининг каламуш папилляр мускули қисқариш кучига стимуляция частотасига боғлиқ таъсири. Бу ерда, ордината ўқида – папилляр мускул қисқариш кучининг максимал қийматга нисбати ифодаланган, абсцисса ўқида – стимуляция частотаси ифодаланган. Барча ҳолатларда $P < 0,05$; ($n=6$).


Адабиёт маълумотларидан маълумки, кардиомиоцитда қисқариш жараёни бевосита стимуляция частотаси қийматига боғлиқ. Бунда стимуляция частотаси ўзгартирилганда, кардиомиоцитда қисқариш жараёни учун керак бўладиган Ca^{2+} ионлари турли тизимлар фаолияти орқали таъминланади ва ўз навбатида Ca^{2+} -ташилиш жараёни тартиби сезиларли ўзгаради. Жумладан, кардиомиоцитларда 0,1 Гц стимуляция частотасида қисқариш жараёнида асосий ўринни CP Ca^{2+} -каналлари эгаллайди. Стимуляция частотаси 1,0 Гц ва ундан юқори қийматларда эса кардиомиоцитда қисқариш жараёнида сарколеммада жойлашган Ca^{2+} -ташиш тизимлари, жумладан, потенциалга боғлиқ ҳолатда фаоллашувчи Ca^{2+} -канал ва Na^{+}/Ca^{2+} -ион алмашинув тизими фаолияти асосий ўринга чиқади [6.739; 7.42].

Адабиёт маълумотлари асосида олинган тажриба натижаларини таҳлил қилиш, дельфатин алкалоидининг каламуш папилляр мускули қисқариш кучига таъсири иккита механизм асосида боришини тахмин қилиш имконини беради. Биринчи механизм бўйича дельфатин алькалоиди кардиомиоцит сарколеммасида жойлашган потенциалга боғлиқ ҳолатда фаоллашувчи Ca^{2+} -


канал ва $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -ион алмашинув тизими фаолиятини сусайтириши мумкин. Ушбу механизм асосида дельфатин алкалоидининг 1,0 Гц дан юқори стимуляция частоталарида каламуш папилляр мускули қисқариш кучи амплитудасига нисбатан фақат сусайтирувчи таъсир кўрсатишини изохлаш мумкин.

Иккинчи механизм бўйича эса дельфатин кардиомиоцит СР мембранасида жойлашган Ca^{2+} -каналига таъсир кўрсатиши тахмин қилинди. Дельфатин алкалоидининг 0,1 Гц стимуляция частотасида каламуш папилляр мускули қисқариш кучига нисбатан дастлаб мусбат инотроп таъсирга эга бўлишини ушбу механизм асосида тушунтириш мумкин. Шунингдек, бу тахминни СР Ca^{2+} -каналининг специфик активатори – ҳисобланган кофеин ёрдамида ҳам исботлаш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида биз дельфатин алкалоидининг (5×10^{-6} М) 0,1 Гц стимуляция частотасида кардиомиоцит сарколеммаси Ca^{2+} -каналига таъсирини тажрибаларда Ca^{2+} -канални блокатори нифедипин қўлланилган шароитда ўргандик. Бунда нифедипин 0,1 Гц стимуляция частотасида каламуш юраги папилляр мускули қисқариш кучи амплитудасига концентрациясига боғлиқ холатда таъсир кўрсатиб, 5 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан $51,7 \pm 2,5\%$ га сусайтириши аниқланди (3-расмга қаранг). Муҳитда нифедипин (5 мкМ) мавжуд шароитда дельфатин (5×10^{-6} М) дастлаб папилляр мускул қисқариш кучини назоратга нисбатан $28,6\% \pm 2,4\%$ га ошириб, 3-5 минутдан кейин дельфатиннинг мусбат инотроп таъсири манфий томонга ўзгаради ва нифедипиннинг инотроп таъсирига нисбатан $7,2 \pm 1\%$ га сусайтиради (4-расмга қаранг).



3-расм. Нифедипиннинг каламуш юраги папилляр мускули қисқариш кучи амплитудасига концентрацияга боғлиқ таъсири. Бу ерда, ордината ўқида – максималга нисбатан фойзда ифодаланган мускулнинг қисқариш кучи ифодаланган. Абсцисса ўқида – мухитдаги ктатсигаргин концентрацияси (мкМ) ифодаланган. Стимуляция частотаси 0,1 Гц. Барча ҳолатларда $P < 0,05$, ($n=8$).



4-расм. Дельфатин алкалоидининг мухитда нифедипиннинг мавжуд шароитда каламуш юраги папилляр мускули қисқариш кучи амплитудасига таъсири. Стимуляция частотаси 0,1 Гц.

Ушбу тажриба натижалари дельфатин алкалоиди 0,1 Гц стимуляция частотасида каламуш юраги папилляр мускули қисқариш кучига нисбатан мусбат инотроп таъсири кардиомиоцит сарколеммаси Ca^{2+} -каналли фаоллигига боғлиқ бўлмасдан, CP Ca^{2+} -каналли даражасида амалга ошишини тахмин қилиш мумкин. Ушбу олинган маълумотлар нафақат муҳим фундаментал аҳамиятга эга бўлади, манфий инотроп эффекти бўлмаган, самарали антиаритмик воситаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиши ва яратилишида назарий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

АДАБИЁТ

1. Бокерия О.Л., Ахобеков А.А. Ионные каналы и их роль в развитии нарушений ритма сердца // Анналы аритмологии. 2014. Т. 11(3). С.177-184.
2. Дощицин В.Л. Внезапная аритмическая смерть и угрожающие аритмии // Российский кардиологический журнал. 1999. №1. С. 46-51.
3. Clancy C.E., Kass R.S. Inherited and acquired vulnerability to ventricular arrhythmias: cardiac Na⁺ and K⁺ channels. *Physiol Rev* 2005. 85. С. 33–47.
4. Hiraoka M., Sawanobori T., Kawano S. et al. Functions of cardiac ion channels under normal and pathological conditions//*Jpn. Heart J.* 1996. V. 37. P.693.
5. Levi A.J., Dalton G.R., Hancox J.C. et al. Role of intracellular sodium overload in the genesis of cardiac arrhythmias // *J. Cardiovasc. Electrophysiol.* 1997. V. 8. P.700-721.
6. Frampton J.E., Harrison S.M., Boyett M.R., Orchard C.H. Ca²⁺ and Na⁺ in rat ventricular myocytes showing different force frequency relationships // *Am J Physiol.* 1991. V. 261. P.C739
7. Pieske B., Maier LS., Bers D.M, Hasenfuss G. Ca²⁺ handling and sarcoplasmic reticulum Ca²⁺ content in isolated failing and nonfailing human myocardium // *Circ Res.* 1999. V.85. P.38-46.

MASOFAVIY TA'LIMDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

R.Zulunov – dotsent,

N.Alimqulov - Ta'limda axborot texnologiyalari yo'nalishi magistranti

Andijon davlat universiteti

O'zbekiston mustaqillikka erishgach, hayotimizning barcha jabhalarida bo'lganidek, ta'lim tizimida ham juda katta islohotlar amalga oshirildi, ayniqsa, ta'lim-tarbiya jarayoniga zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalarini

olib kirish, ta'limni kompyuterlashtirish muammolarini hal qilish alohida ahamiyat kasb etadi. Hozirgi paytda ta'limga axborot kommunikatsion texnologiyalarini jadal tatbiq etish, ta'lim jarayonini kompyuterlashtirish, yetakchi pedagogik-uslubiy g'oyaga aylangan. Oliy ta'lim tizimida ijodkorlik va tashabbuskorlik qobiliyatiga ega bo'lgan, yuksak malakali, yangi texnika va texnologiyalarga tez moslanishga layoqatli, kelajakda kasbiy va hayotiy muammolarni mustaqil hal qila oladigan kadrlarni tayyorlashda ta'lim jarayonida fanlar bo'yicha zamonaviy o'qitish metodlarini yaratish va ular bilan fan manbalarini ta'minlash muhim ahamiyatga ega.

Hozirgi kunda tayyorlanayotgan mutaxassislarning axborot hamda kommunikatsiya tarmoqlari bo'yicha ma'lumotlari shu fanlarda o'qitilayotgan an'anaviy bo'limlar bilan chegaralanib qolmasligi zarur. Hozirgi zamon ziyoli kishisidan o'quv multimedia ilovalarini hayotga keng tatbiq etish bo'yicha zarur bilimlarga ega bo'lishi, birinchi galda esa multimedia vositalari va ularning imkoniyatlari haqida bilimlarga ega bo'lishi va ulardan hayotda amaliy foydalanish hamda hal qilinayotgan masalaning zarur yechimni o'la bilishni talab etiladi. Bugungi kunda o'quv multimedia ilovalariga bo'lgan qiziqish keskin ortib bormoqda. Kompyuter texnikasining oxirgi paytlarda rivojlanib borishi ularning o'quv multimedia ilovalarini amalda tatbig'iga keng istiqbol yaratdi.

Hozirgi kunda multimediya vositalaridan foydalangan masofaviy ta'limni tashkil qilish, o'rganuvchilarning mustaqil fikrlashlari va bilim olishlari sifatini yaxshilaydi.

Rivojlangan davlatlarda ta'lim tizimining rivojlanib borishi tahlilidan shuni ko'rish mumkinki, zamonaviy axborot va telekommunikatsion texnologiyalarning rivojlanib borishi bilan bir qatorda masofaviy o'qitish modeli ham shakllanib bormoqda.

Ta'lim muammolari bilan shug'ullanuvchi mutaxassislar masofaviy ta'limni XXI asrdagi ta'limning asosiy shakllaridan biri deb hisoblamoqdalar. Shuning uchun masofaviy ta'lim hozirgi paytda yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash

hamda insonlarning bilim olishga nisbatan ehtiyojlarini qondirishning samarali tizimiga aylanib bormoqda [1.37].

Masofaviy o'qitishning asosiy shakllaridan biri axborot texnologiyalaridan foydalanish bo'lib, u dasturlangan ta'lim g'oyasini rivojlantiradi, ta'lim texnologik variantarining hali o'rganilmagan yangi qirralarini ochadi. Axborot texnologiyalari – bu o'quvchiga axborotni tayyorlash va uzatish jarayoni bo'lib, uning vositasi kompyuter hisoblanadi [1.49].

Masofaviy ta'lim jarayonidagi ta'lim tizimini boshqaruvchi dasturiy mahsulot bo'lgan LMS (Learning Management System) tizimlaridan foydalangan holda tashkil etish mumkin [2.184].

Bunday e-learning sistemalarni, ko'pincha, boshqaruv ta'limoti (Learning Management Systems - LMS) yoki virtual yaratish qurollari (Virtual Learning Environments - VLE) deb ataladi. LMS - bu nafaqat onlayn-kurslarni tuzish va ishlash, balki, uning yordamida o'quv veb saytlari bilan ishlash uchun mo'ljallangan aslahalar omboridir.

LMS tizimi masofali o'quv jarayonida keng qamrovli imkoniyatlar va o'quv jarayonida qo'l keladigan ko'plab o'quv materiallarining keng ko'lamda yoritilishi, bilim saviyasini tekshirish va boshqaruvida ishlash imkonini yaratadi. Hozirgi vaqtda LMS tizimi jahonning yirik universitetlarida qo'llab kelinmoqda. LMS tizimida taxminan 2 mln nafar faoliyat olib boruvchilar qayd etilgan, 200-ta davlatda 70-tildagi 46 ming o'quv portallari va 300 nafar dasturchi-ishlab chiqaruvchilar faoliyat olib bormoqda [3.104].

LMS yordamida bir o'qituvchining yetarlicha sa'y-harakatlari bilan elektron o'quv kursini yaratish mumkin. LMS kurslarini yaratish uchun avvalambor ma'ruza matnlari, amaliy va laboratoriya ishlari, taqdimotlar, audio va video uchun materiallar tayyor bo'lsa, ularni LMS ga yuklashingiz mumkin. LMS da elektron ma'lumotlaringizni joylashtirish va o'z kursingizni yaratish juda oson. LMS tarkibda «Test» moduli mavjud bo'lib, u uning nisbatan murakkab qismlaridan biri hisoblanadi.

Ta'lim jarayonida teskari aloqa ta'lim muhitining juda muhim bo'lgan qismi bo'lsa, natijaviy baholar esa ta'limning zaruriy qismlaridan biri hisoblanadi. Test yaxshi loyihalangan bo'lib, o'quvchilar manbani kerakli darajada o'zlashtirib olishlari uchun o'qituvchiga zarur bo'lgan ma'lumotlarni taqdim qiladi. Agar teskari aloqa yetarlicha tezkor bo'lsa, u holda uning yordamida o'zlarining ishini baholash va keyingi faoliyatini belgilab olish imkonini berishi mumkinligi sababidan test jarayoni o'quvchilar uchun zarur bo'lgan qurolga aylanishi mumkin [3.107].

Tizimni ishlab chiqaruvchilar LMS tarkibida «Test» moduliga katta hajmdagi parametrlarni qo'shganlar. Bu narsa birinchi tarafdan testni sozlashni bir necha marta murakkablashtirsa, ikkinchi tarafdan esa testni nihoyatda egiluvchan qilish imkonini beradi. Qo'shilgan test savollari testlarni umumiy savollar fondida "fanday" bo'lmasini tartiblanadi va testlar o'zgarishi mumkin. Testlash jarayoni interfeysini o'zgartirish mumkin. O'quvchilar testni bir yoki bir necha martalab bajarishlari mumkin.

Test moduli 2 ta komponent (qism, jihoz) dan tashkil topgan: test va savollar ombori. Test savollar bazasidan qo'shilgan turli tipdagi savollardan tashkil topadi. Har bir urinish avtomatik ravishda belgilanadi. O'quvchi testni tugatganidan so'ng test savollariga to'g'ri javoblarni ko'rishi mumkin. Bundan tashqari ushbu modulga o'qituvchiga baho qo'yish uskunasi tegishlidir [4.43].

Savollar ombori ajratilgan yoki kursga belgilangan mavzular to'g'ri kelishi intizomi tartibiga qarab tuziladi.

Savollar turli tipda berilishi mumkin. Masalan: bir variantli javobi bilan, ko'p variantli javobi bilan va javob yozish imkoniyati borligi. Bundan tashqari o'quvchilar mazkur savol-javobini tushuntirib berishlari mumkin. Masofali kursni loyihalashda savollar omborini bo'limlar, semestrlar va boshqa tashkiliy sxemalar kabi mavjud mavzularda yaratish mumkin.

Test elementlari test topshiriqlari majmuini yaratish imkonini beradi. Testlar topshiriqlari to'g'ri - noto'g'ri, qisqa matnli javob, yozishmalar, insho va boshqalarni tashkillashtirishda ko'mak beradi. Barcha savollar ma'lumotlar

bazasida saqlanadi va keyinchalik o'sha kursda (yoki boshqalarda) qayta ishlatilishi mumkin. Sinovlar o'qituvchilar tomonidan (to'g'ri javoblarni ko'rsatish) yoki nazorat qilish (baholash) bo'lishi mumkin.

To'g'ridan-to'g'ri LMS Moodle tizimida savollar bankini yaratish jarayoni juda ko'p vaqt va internetga doimiy ulanishni talab qiladi. O'qituvchining ishini yengillashtirish va savollar bankini offlayn tayyorlash uchun GIFT test formatidan foydalanish juda qulaydir, bu nafaqat testlarni offlayn tayyorlash, balki uni tayyorlab bo'lgandan so'ng LMS ga yuklash imkoniyatini ham beradi.

O'quvchining xotirasini GIFT formatidagi funksiyalar va maxsus belgilar bilan zeriktirmaslik uchun Microsoft Wordda yaratilgan maxsus shablonni ishlatish tavsiya etiladi. Ushbu shablon savollar banki tezkor tayyorgarlik jarayonini sezilarli darajada tezlashtiradi.

Yuqoridagilardan tashqari ta'limni joriy etishning navbatdagi bosqichi birgalikda ishlashga qaratilgan LMS elementlaridan foydalanish hisoblanadi. Tizimda ushbu vositalar uchun ko'plab uskunalar taqdim etiladi: wiki, glossariylar, bloglar, forumlar, seminarlar va h.k. Shu bilan birga o'quv mashg'ulotlarini assinxron tarzda, materiallarni o'z sur'atida, real vaqtda, onlayn ma'ruzalar va seminarlarni tashkillashtirganda har bir talaba ishtiroki amalga oshirilishi mumkin. Forumlarda guruhlar haqida munozaralar o'tkazish, xabarlarni baholash, ularga har qanday formatdagi fayllarni qo'shish mumkin. Shaxsiy xabarlar va sharhlarda - muallim bilan muayyan muammolarni shaxsan muhokama qilish imkoniyati mavjud. Suhbat davomida, munozaralar real vaqtda amalga oshiriladi. Xabarnomalar barcha kursiy ishtirokchilarga yoki shaxsiy guruhlariga zudlik bilan joriy voqealar haqida ma'lumot beradi: har bir talabaga yangi topshiriq haqida yozishingiz shart emas, guruh avtomatik ravishda xabarnomalar oladi.

Ushbu tizim ta'lim sifatini nazorat qilish vositalariga ega. LMS har bir talabaning portfelini yaratadi va saqlaydi: uning taqdim etgan barcha ishi, o'qituvchining mulohazalari va izohlari, forumdagi xabarlar va x.k. LMS-tarmoqdagi talabalarning faoliyatiga "tashrif buyurish"ni va ilmiy ishlarning davomiyligini nazorat qilish imkonini beradi. Natijada, o'qituvchi talabalar

to'g'risidagi statistikani to'plashi mumkin: kim nimani yuklab olgan, qaysi uy vazifalari bajarilgan, yechgan testi qanday baholangan x.k. Shunday qilib, o'quvchilar mavzuni qanday o'zlashtirganligini tushunib yetadi va shu bilan birgalikda qo'shimcha o'rganish uchun materiallar ham taklif qila oladi.

LMS dan muvaffaqiyatli foydalanish uchun texnik vositalar bilan bir qatorda quyidagi tashkiliy masalalarni hal qilish kerak:

- oliy ta'lim muassasasining elektron o'quv jarayonini qo'llab-quvvatlash maqsadida axborot va o'quv muhitini tayyorlash;
- elektron muhitda o'qitish uslublarini ishlab chiqish, kompyuter texnologiyalari sohasida malakali kadrlar tayyorlashning tizimini jadallashtirish;
- o'quv materiallari bilan elektron ta'lim olishni yetarli darajada ta'minlash;
- elektron o'qitish uchun o'qituvchilar tayyorlash;
- o'qituvchilar tomonidan istiqbolli va tizimdan foydalanish zarurligi;
- oliy ta'lim muassasasida axborotlashtirishning multifaktor vazifalarini hal etish uchun yetarli darajada yuqori malakali dasturchilar mavjudligi.

ADABIYOT

1. Абрамкин Г.П., Токарева О.В. Опыт использования электронных обучающих средств на практических занятиях по информатике в ВУЗЕ. http://nnz.newmail.ru/dis_psi.htm
2. Абдукадыров А.А., Эшназарова М.Ю. Электронные учебники в системе дистанционного образования // Педагогика және психология. – Алматы, 2010. №4. Б.184-187.
3. Абдукадыров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Т.: Фан, 2008. Б.104, 107..
4. Андреев А.А. Средства новых информационных технологий в образовании: систематизация и тенденции развития. В сб. Основы

применения информационных технологий в учебном процессе вузов. -
М.: ВУ, 1995. С. 43-48.

ТАЪЛИМ ВА ФАН СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ ҲАЁТИЙЛИГИ

**А.К.Воҳидов - катта ўқитувчи,
Г.З.Рахматуллаева - талаба**

Андижон давлат университети

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ 4947-сон фармони қабул қилинди. Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистонда Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни яхшилашни назарда тутадиган мустаҳкам ривожланиш йўли ҳисобланади. Бу режа жуда пухта ишлаб чиқилган ва тез ривожланиш халқ ҳаётини яхшилашнинг ўзига хос йўли бўлиб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқарони бефарқ қолдирмайди. Унда алоҳида аҳамият касб этган таълим тизими уни қайта қуришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш учун, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш; таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-

тадбирларни кўриш; мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан камраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш; умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш; болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини куриш, мавжудларини реконструкция қилиш; касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш; таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш; илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари хузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш борасида алоҳида кўрсатмалар берилган. Ҳаракатлар стратегиясининг 4.4-бобида “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” деб номланади. Унда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, кадрлар сифатини яхшилаш масаласи долзарб масала сифатида қаралади. Ўтган даврларда йиғилиб қолган муаммолар Ўзбекистонда “Таълим тўғрисида”ги Қонунни, “Умумий ўрта таълим

тўғрисида”ги Низомни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатиб қўйди. Натижада, 2017 йил 15 мартда “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом қабул қилинди. Унга кўра мактабга фақат 7 ёшдан эмас, талабларга мос келган болалар, 6-5 ёшдан ҳам қабул қилиш мумкинлиги кўрсатилди. Таълим сифатини яхшилаш мақсадида синфда ўқувчилар сонини 35 тадан оширмаслик ушбу Низомда белгилаб қўйилди. Менимча, бу қарор шаҳар мактабларида 40-45 талаб ўқувчиларга дарс бераётган педагогларни жуда хурсанд қилди. Бу ўқувчиларга мавзунини яхшироқ етказиш учун шароит яратди. Мактабларда 10-11 синф яна қайта ташкил қилингани жуда кўп ота-оналарни ва ўқувчиларни хурсанд қилди. Чунки мактабда ўқувчилар кўпроқ банд бўладилар. Қолаверса, уларни назорат қилиш ҳам осон бўлади. Ҳозирда компетенциявий ёндашув асосида 18 та фандан умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанларининг такомиллаштирилган таълим стандартлари тайёрланди. Унга кўра, 2017 йил 6 апрелда 187-сон “Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Унга биноан дарсликлар ва ўқув методик қўлланмалар янги авлодларини яратиш ҳамда амалиётда кенг қўллашни жорий этишга асосий пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Қолаверса, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлган ёшларни тарбиялашда ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда асосий таянч вазифаси бўлиб хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ- 4947-сон фармони.
2. “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом. 2017 йил 15 март.
3. Интернет сайтлари.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАНЛАРДАН ОЛГАН БИЛИМЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА ХОТИРАЛИ НАЗОРАТ КАРТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДА

К.С.Аблазова - ўқитувчи,
О.Н.Самсақов - 1-босқич магистранти

Андижон давлат университети

Инновацион педагогик технологияларнинг бир бўлаги бўлган мнемоник техникалар ўқув жараёнида талабаларнинг узоқ муддатли хотирасини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган услублар ҳисобланади. Статистик хулосаларга кўра, агар талабалар ўрганган билимларини қайта такрорламасалар, 30 кун мобайнида кўпчилигининг хотирасида бу билимларнинг 10% и атрофида қолади. Демак, ўқитувчи дарсдан ташқари талабаларга билимларни сақлаб қолишнинг услубларини ҳам ўргатиши зарурияти туғилади. Бундай услубларни талабаларга ўргатиш мақсадида “Мнемоника ва математика” номли тўғарагимизда амалга оширилган дастлабки бажарилган илмий-услубий ишлар қуйидагича:

- талабаларга инсон миясининг табиий (эволюцион) тамойиллари асосида маъруза ва амалий машғулотларнинг конспектларни ёзиш ва адабиётлар билан ишлашнинг ҳозирги замон услублари ўргатилмоқда;
- ҳар бир талабанинг ўзиги хос эслаб қолиш қобилияти кучли томонларини аниқлаш мақсадида турли машқлар бажарилмоқда. Хотиранинг 7 хатосини ва “унутиш ёйи”ни енгиш усуллари ўргатилмоқда;
- дарслар инновацион педагогик технологияларнинг бошқа услублари билан биргаликда мнемоник техникаларга асосланган ҳолда ташкил қилинмоқда;

Фикримизча, юқоридаги бажарган ишларимиз ўқитиш самарадорлигини оширади ва талабаларнинг хотираларини фаоллаштиришга ёрдам беради. Ҳозирда бу ишларни текширишнинг турли статистик

услуглари мавжуд. Биз бу мақолада инсон хотирасини жорий назорат қилиш билан боғлиқ статистик методларни баён қиламиз ва амалий тажриба натижасини келтирамиз.

Бирлик вақтларда (сония, дақиқа, соат, кун, ой каби) $j=1,2,\dots,t$ талабалар хотирасини ўлчаш натижаларини кўрсатувчи X тасодифий миқдор нормал тақсимланган бўлсин:

$X \sim N(\mu_t, \sigma^2)$, бу ерда σ -маълум бўлган ёки баҳоланган стандарт оғиш, μ_t — t пайтдаги ўрта қиймат (ўртача хотира миқдори). Белгиланган бирлик вақтларда n нафар талабанинг билимларини синаш мақсадида $X_j = (X_{j1}, X_{j2}, \dots, X_{jn})$, $j=1,2,\dots,t$. Танламани ҳосил қиламиз, бунда X_{jk} - k -чи талабани $k=(\overline{1, n})$, j -бирлик вақтдаги белгиланган билим даражаси.

Аввалги тажрибалар натажасида ўлчанган ёки талаб даражасидан келиб чиқиб белгиланган (номинал қиймат) ўртача қиймат $\mu_t = \mu_0$ бўлсин. Биз уни жараённинг турғунлик даражаси деймиз. $\alpha - "$ $\mu_t = \mu_0$ " тасодифий ходисанинг рўй бермаслик эҳтимоли, яъни қийматдорлик даражаси бўлсин.

Ўқув жараёнини жиловлашда α қийматдорлик даражасида $\mu = \mu_0$ гипотезани кетма-кет текшириш амалга оширилади. Бу гипотезани жорий текширишда турли хил хотирали назорат карталар (НК) ишлатилади. Шундайлардан бири EWMA НК бўлиб, жараёни жиловлаш пайтида жорий танламалар билан бир қаторда аввалги танламалар натижаларини ҳам ҳисобга олади. Ўқув жараёнида бу талабаларнинг жорий билимларини аввалги билимлари билан боғланишини текширишга имкон беради.

Юқоридаги X_j , $j=1,2,\dots,t$ танламалар асосида хотирани тестдан ўтказувчи қуйидаги тасодифий миқдорни киритамиз:

$$y_{t=(1-d)^t \mu_0 + d \sum_{j=1}^t (1-d)^{t-j} \bar{X}_j n \text{ ёки}$$

$$y_{t=(1-d)y_{t-1} + d\bar{X}_j n \quad (1)$$

Бу ерда d ($0 < d < 1$) жараён билан боғлиқ параметр, $\bar{X}_j n - X_j$ танламанинг ўрта қиймати, $y_0 = \mu_0$.

EWMA НКни қуришда y_t миқдор билан бирга қуйидаги миқдорлар ҳам киритилади:

- НК нинг ЮНЧ (юқори назорат чегара);
- НК нинг ҚНЧ (қуйи назорат чегара);
- НК нинг ЎЧ (ўрта чизиги).

Энди горизонтал ўққа бирлик вақтлар; вертикал ўққа y_t ни жорий қийматлари ва текисликда ЮНЧ, ҚНЧ ва ЎЧ лар чизилади, (t, y_t) нукталар белгиланиб, синиқ чизиқлар билан бирлаштирилади. Ҳосил бўлган диаграмма EWMA картанинг кўринишини ифодалайди. Жорий назорат вақтларида $y_t < \text{ҚНЧ}$ ёки $\text{ҚНЧ} \leq y_t \leq \mu_0$ бўлган ҳолларда ўқув жараёнига аралаштириш зарур бўлади. Ҳолат ўрганилиб тегишли чоралар аниқлангандан сўнг, ўқув жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритилади. НКни чегаралари аниқлаштирилади ва жорий назорат давом эттирилади.

(1) да $\bar{X}_t n$ миқдорлар эркин бўлиб, нормал тақсимланган: $\bar{X}_t n \sim N(\mu_0, \frac{\sigma_0^2}{n})$

$$\sigma_{y_t}^2 = \frac{\sigma_0^2}{n} \frac{d}{2-d} (1 - (1-d)^{2t}), \quad (2)$$

Бунда $\lim_{t \rightarrow \infty} \sigma_t^2 = \sigma_n^2 = \frac{\sigma_0^2}{n} \frac{d}{2-d}$

НК чегаралари қуйидагича аниқланади:

$$\text{ЮНЧ} = \mu_0 + k \sigma_{y_t}, \quad \text{ҚНЧ} = \mu_0 - k \sigma_{y_t} \quad (3)$$

Лимит ҳолатда эса қуйидагиларга эга бўламиз:

$$\text{ЮНЧ(L)} = \mu_0 + k \sigma_0 \sqrt{\frac{d}{n(2-d)}},$$

$$\text{ҚНЧ(L)} = \mu_0 - k \sigma_0 \sqrt{\frac{d}{n(2-d)}}. \quad (4)$$

Квад параметрларнинг қийматлари EWMA картанинг ўртача давомийлиги (ARL)га боғлиқ бўлади[1]. Мисол тариқасида талабалар ўрганаётган

фанининг маълум бир қисмини ўзлаштиришини текширишдаги тажриба натижаларини келтирамиз.

Бирлик $j=1,2,3,4,5$ ($t=5$) вақтларда тасодифий танланган беш нафар талаба билан ўтказилган тест синов натижалари қуйидагича: (Тестда 36 та савол бўлиб, натижа нечта тўғри жавоб топиши билан белгиланди)

25,28,30,32,29; 23,25,27,28,30; 24,29,31,33,31; 25,28,30,31,30; 26,27,32,30,32.

ARL=28 бўлганда [1] дан $d=0,4$, $r=3.054$ ларни аниқлаймиз.

(1),(2) ва (3) лар асосида қуйидаги формулалар билан

$$y_t = 0.6y_{t-1} + 0.4\bar{X}_{t5} ,$$

$$\bar{X}_{t5} = \frac{X_{t1} + X_{t2} + X_{t3} + X_{t4} + X_{t5}}{5}, S_t^2 = \frac{\sum_{j=1}^5 (X_{j5} - \bar{X}_{j5})^2}{4}$$

хисоблаш жадвалини тузамиз. Жараённинг турғунлигини 82%


хисобидан $\mu_0=29$ деб белгилаймиз.

Танлама	\bar{X}_{t5}	S_t	σ_{y_t}	y_t	ҚНЧ	ЮНЧ
1	28.8	5.18	0.41	28.92	28.45	29.55
2	26.6	5.4	0.49	28.04	28.27	29.75
3	29.6	6.87	0.57	29	28.21	29.79
4	28.8	4.77	0.47	28.92	28.18	29.82
5	29.4	5.58	0.53	29.16	28.18	29.82

НК чегараларини аниқлашда σ_0 сифатида S_t ларнинг ўртача арифметици танланади (4) га асосланган ҳолда НК чегараларининг лимит ҳолати қуйидагича бўлади:

ЮНЧ(L)=29.44, ҚНЧ(L)=28.56.

Жадвалдаги маълумотлар асосида EWMA картани ясаймиз:



$t=1,2,3,4$ вақт бирликларида ҳолат яхши эмас, тегишли чоралар кўрилганидан сўнг, $t=5$ да ҳолат яхшиланган.

АДАБИЁТ

1. James M.L., Michel S.S.(1990) Exponentially Weighted Moving Average Control Schemes: Properties and Enhancements-Technometric.Vol.32 №1. P.1-12.

MATRITSALAR ALGEBRALARIDAGI O'LCHOVLAR VA CHIZIQLI FUNKSIONALLAR VA ULARNING MATRITSALAR YORDAN ALGEBRALARIDAGI O'LCHOVLAR VA CHIZIQLI FUNKSIONALLAR BILAN BOG'LIQLIGI

F.Arziqulov - f-m.f.d.,
O.Nuriddinov – katta o`qituvchi,
O.Samsaqov, I.Zaynabiddinov – magistrant

Andijon davlat universiteti

Berilgan maqolada matritsalar algebrasida aniqlangan o'lchovlar va chiziqli funktsionallarni berilgan matritsalar algebrasidagi minimal proektorlar orqali qurib

o`rganish g'oyasi taklif qilinadi. Maqolada C kompleks sonlar maydonida aniqlangan $M_n(C)$ $n \times n$ matritsalar algebrasining chiziqli funkcionallari vektor fazosi bazisini $M_n(C)$ algebraning e_{ij} birlik matritsalar tizimi orqali qurish ko`rsatilgan.

Ma'lumki, $n > 2$ bo`lganda $M_n(C)$ algebraning proektorlarida aniqlangan o`lchov yagona holda shu $M_n(C)$ algebrada aniqlangan chiziqli funkcionallarga davom etadi. Biz olgan natijaga ko`ra, bu biron-bir minimal proektor yordamida amalga oshadi.

Berilgan maqolaning ikkinchi qismida matritsalar Yordan algebrasi proektorlarida aniqlangan o`lchovni uning o`rama ko`mpleks assotsiativ matritsalar algebrasi proektorlarida aniqlangan o`lchovga davom ettirish masalasi o`rganilgan.

Aytaylik, A assotsiativ matritsalar algebrasi yoki Yordan matritsalar algebrasi va $P(A)$ bu A algebraning barcha proektorlari ($p^* = p$ va $p^2 = p$ bo`lgan elementlar) to`plami bo`lsin. $P(A)$ to`plamda aniqlangan $\mu: P(A) \rightarrow R_+ \cup \{0\}$ funksiyaga aytiladiki, bunda $\mu(0) = 0$, $\mu(1) = 1$ va har qanday $P(A)$ dan olingan o`zaro ortogonal p va q proektorlar uchun $\mu(p + q) = \mu(p) + \mu(q)$ additivlik xossasi o`rinli bo`ladi. [1.123],[4.465-468].

Aytaylik, berilgan maqolada $M_2(R)$ ($M_2(C)$) – bu R ustida (mos ravishda C ustida) aniqlangan barcha 2×2 matritsalar assotsiativ algebrasi va $H_2(R) – R$ ustida aniqlangan barcha 2×2 Ermit matritsalar Yordan algebrasi bo`lsin. [3.27].

Aytaylik, q $M_3(C)$ assotsiativ algebradan olingan minimal proektor bo`lsin, ya'ni $q^* = q$, $q^2 = q$ va har qanday $a \in M_3(C)$ uchun shunday $\lambda \in C$ topiladiki, $qaq = \lambda q$ shart bajariladi. Aytaylik, $\varphi_q: M_n(C) \rightarrow C$ akslantirish $\varphi_q(a) = \lambda$, bunda $qaq = \lambda q$, kabi aniqlangan. U holda φ_p chiziqli funkcionallari bo`ladi, ya'ni $\varphi_q: M_n(C)^* \rightarrow M_n(C)$ ga o`zaro ortogonal bo`lgan minimal proektorlarning $\{q_1, q_2, \dots, q_n\}$ maksimal to`plamini olamiz. U holda ushbu minimal proektorlarga

mos bo'lgan $\varphi_{q_1}, \varphi_{q_2}, \dots, \varphi_{q_n}$ chiziqli funksionallar chiziqli erkli sistemani tashkil qiladi.

Ma'lumki, har qanday $i, j = \overline{1, n}$ va $a \in M_n(C)$ uchun shunday $\lambda \in C$ topiladiki ,

$$q_i a q_i = \lambda q_{ij},$$

bu yerda q_{ij} element $\{q_1, q_2, \dots, q_n\}$ bo'yicha qurilgan $\{q_{ij}\}_{ij=1}^n$ birlik matritsalar

sistemasiga tegishli shart bajariladi. Aytaylik, $\varphi_{q_i q_j}(a) = \lambda$

bo'lsin. U holda $\varphi_{q_i q_j}$ akslantirish $M_n(C)$ ustida chiziqli funksional bo'ladi,

hamda chiziqli funksionallarning

$$\{\varphi_{q_1}, \varphi_{q_2}, \dots, \varphi_{q_n}, \varphi_{q_1 q_2}, \varphi_{q_2 q_1}, \varphi_{q_1 q_3}, \varphi_{q_3 q_1}, \dots, \varphi_{q_{n-1} q_n}, \varphi_{q_n q_{n-1}}\}$$

Sistemi $M_n(C)^*$ da chiziqli erkli sistema tashkil qiladi. Umuman, quyidagi teorema o'rinlidir:

Teorema 1. $\{\varphi_{q_i}\}_{i=1}^n \cup \{\varphi_{q_i q_j}\}_{ij=1}^n$ chiziqli funksionallar sistemasi $M_n(C)$

algebra qo'shma bo'lgan $M_n(C)^*$ vektor fazoning bazisi bo'ladi.

Isbot. Ma'lumki, $M_n(C)^*$ vektor fazoning o'lchami n^2 ga teng. Berilgan $\{\varphi_{q_i}\}_{i=1}^n \cup \{\varphi_{q_i q_j}\}_{ij=1}^n$ to'plamdagi elementlar soni ham n^2 ga teng va bu to'plam $M_n(C)^*$ vektor fazosining chiziqli erkli sistemasini tashkil qiladi. Demak, ushbu sistema $M_n(C)^*$ vektor fazosining bazisi bo'ladi.

Ma'lumki, $n = 2$ bo'lganda har qanday $M_2(C)$ algebraning proektorlarida aniqlangan o'lchov ham $M_2(C)$ ustidagi ciziqli funksionalga davom etavermaydi. Bunda $M_2(C)$ algebraning barcha proektorlari to'plami P da aniqlangan μ o'lchov $M_2(C)$ ustida aniqlangan φ chiziqli funksionalga davom etadi deyiladi, agar $\mu = \frac{\varphi}{p}$ bo'lsa. Quyidagi natija shunday o'lchov chiziqli funksionalga davom etishining zarur va yetarli shartini beradi.

Natija 2. $M_2(C)$ algebraning barcha proektorlari to'plami P da aniqlangan μ o'lchov chiziqli funksionalga davom etadi shu va faqat shu holda qachonki shunday μ_{ij} , $ij = \overline{1, n}$ sonlar mavjud bo'lsaki har qanday $p \in P$ uchun

$$\mu(p) = \sum_{i,j}^n \lambda_{ij} \mu_{ij}, \lambda_{ij} q_{ij} = q_i p q_j, \quad i, j = \overline{1, n}.$$

shart bajarilsa. Quyidagi teorema maqolaning asosiy natijalaridan biri:

Teorema 3. Aytaylik, $\mu H_2(R)$ Yordan matritsalar algebrasining barcha proektorlarida aniqlangan o'lchov bo'lsin. U holda μ o'lchov $M_2(C)$ algebraning proektorlarida aniqlangan biron-bir $\bar{\mu}$ o'lchovga to'g'ridan-to'g'ri davom ettirilishi mumkin.

Isbot. Aytaylik, $p \in M_2(C)$ algebraning ixtiyoriy proektor bo'lsin. U holda $M_2(R)$ haqiqiy $*$ – algebrada shunday x va y elementlar mavjudki $p = x + iy$. p proektor bo'lgani uchun $x^* = x$, ya'ni $x \in H_2(R)$. U holda $H_2(R)$ da shunday o'zaro ortogonal e_1, e_2 minimal proektorlar va R da shunday λ_1, λ_2 sonlar mavjudki

$$x = \lambda_1 e_1 + \lambda_2 e_2, \quad (1)$$

Aytaylik, $M_2(C)$ algebradan olingan ixtiyoriy p proektor uchun

$$\bar{\mu}(p) = \lambda_1 \mu(e_1) + \lambda_2 \mu(e_2)$$

bo'lsin, ravshanki, (1) x elementning spektral yoyilmasidir. Shuning uchun W – algebra elementi spektral yoyilmasining xossasiga ko'ra e_1, e_2 proektorlar $H_2(R)$ ning x ni o'z ichiga oluvchi barcha maksimal assotsiativ qism algebralarida yotadi. Shuning uchun $\mu M_2(C)$ algebraning barcha proektorlari to'plamini barcha nomanfiy sonlar to'plamiga akslantirish bo'ladi.

Ravshanki, $\bar{\mu}(0) = 0$ va $\bar{\mu}(1) = 1$. $\bar{\mu}$ ning o'lchov ekanini isbotlash uchun $M_2(C)$ algebraning har bir p, q ortogonal proektorlari juftligi uchun

$$\bar{\mu}(p) + \bar{\mu}(q) = \bar{\mu}(p + q)$$

ekanini isbotlash kifoya. Haqiqatan ham, berilgan holda agar $p \neq 0$, $q \neq 0$ bo'lsa, u holda $p + q = 1$. Demak, $q = z + it$, $z, t \in M_2(R)$ uchun

$$z = (1 - \lambda_1)e_1 + (1 - \lambda_2)e_2$$

va

$$\begin{aligned} \bar{\mu}(p) + \bar{\mu}(q) &= \bar{\mu}(p) + \bar{\mu}(1 - p) = \lambda_1\mu(e_1) + \lambda_2\mu(e_2) + \bar{\mu}(1 - p) \\ &= \lambda_1\mu(e_1) + \lambda_2\mu(e_2) + (1 - \lambda_1)\mu(e_1) + (1 - \lambda_2)\mu(e_2) \\ &= \mu(e_1) + \mu(e_2) = \mu(1) = \bar{\mu}(p + q) \end{aligned}$$

o'rinlidir. Shuning uchun $\bar{\mu}$ o'lchov va $y \bar{\mu}$ o'lchovni to'g'ridan-to'g'ri davom ettirish orqali quriladi.

Aytaylik,
$$e_1 = \begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & 0 \end{pmatrix}, \quad e_2 = \begin{pmatrix} 0 & 0 \\ 0 & 1 \end{pmatrix}, \quad f_1 = \begin{pmatrix} \frac{1}{2} & \frac{1}{2} \\ \frac{1}{2} & \frac{1}{2} \end{pmatrix}, \quad f_2 = \begin{pmatrix} \frac{1}{2} & -\frac{1}{2} \\ -\frac{1}{2} & \frac{1}{2} \end{pmatrix}$$

minimal proektorlar bo'lsin. $H_2(R)$ algebrada

$$U_{e_i}(a) = 2e_i(e_i a) - e_i^2, \quad U_{f_i}(a) = 2f_i(f_i a) - f_i^2 a, \quad a \in H_2(R)$$
 operatorlar

chiziqli funksiyalarni quradilar, ya'ni, $U_{f_i} a = \lambda_i \cdot f_i$, uchun $\varphi_i \circ U_{f_i} a = \lambda_i$, va

$U_{e_1} a = \mu_1 e_1$ uchun $\psi_1 \circ U_{e_1} a = \mu_1$, $i = 1, 2$ bo'lsin. U holda $H_2(R)$ ustida

aniqlangan $\psi_i \circ U_{e_i}, i = 1, 2$ $\varphi_i \circ U_{f_i}, i = 1, 2$ akslantirishlar o'zaro chiziqli

erkli chiziqli funksionallar bo'ladi. Shuning uchun quyidagi teorema o'rinli.

Teorema 4. $H_2(R)$ Yordan algebrasi proektorlarida aniqlangan μ o'lchovning $H_2(R)$ ustida aniqlangan chiziqli funksionalga davom ettirish uchun shunday $\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3, \lambda_4 \in R$ sonlar mavjud bo'lib, har qanday $p \in H_2(R)$ proektor uchun

$$\mu(p) = \lambda_1 \psi_1 \circ U_{e_1} p + \lambda_2 \psi_2 \circ U_{e_2} p + \lambda_3 \varphi_1 \circ U_{f_1} p + \lambda_4 \varphi_2 \circ U_{f_2} p$$

shart bajarilishi zarur va yetarlidir.

Aytaylik, $M_2(R)$ (mos ravishda $M_2(C)$) R ustida (C ustida) aniqlangan barcha 2×2 -o'lchovli matritsalar assotsiativ algebrasi va $H_2(R)$ R ustida aniqlangan barcha 2×2 -o'lchovli Ermit matritsalarini Yordan algebrasi bo'lsin [3.67-97].

ADABIYOT

1. Bunce L.J. and Hamhalter J. Traces and subadditive measures on projections in JBW- algebras and von Neumann algebras. Proc.Amal.Math. Soc. 1995. Vol.123. №1.
2. Bunce L.J.and Wright J.D. Quantum measures and states on Jordan algebras, comm. Math. Phys. 1985. Vol. 98. C.187-202.
3. Аюпов Ш.А. Йордоновы операторные алгебры. Итоги науки и техн. ВИНТИ. Мат.анализ.- 1985. Т.27. С.67- 97.
4. Матвейчук М.С. Одна теорема о состояниях на квантовых логиках. Состояния в алгебрах Йордана. Теор.и мат. физ. 1983. Т 57. №3. С.465-468.

EKSPERIMENTAL MATEMATIKA

**M.Toshpo'latov - magistrant,
T.Ibaydullayev - f-m.f.n.**

Andijon davlat universiteti

O'qitish jarayonida eksperimentlarni qo'llash o'quvchi-talabalarning predmetni o'zlashtirishida, teoremlarning isbotini tushunishida, masalalarni yechish jarayonida farazni ilgari surishida juda katta yordam beradi.

Isbotlash har doim ham matematikaning uzluksiz qismi bo'lmagan. Qadimgi misrliklar ko'p matematik faktlar, matematik teoremlarni bilgani sababli isbotlash ularga zarur bo'lmagan.

Fransuz matematigi A.Puankare isbot haqida shunday degan: "Isbotlashni kuzatish va uning har bir keyingi qadami to'g'riligiga faqatgina shaxmat o'yinida ishonish mumkin. Ya'ni har bir yurish o'yin qoidasi bilan bog'liqligini tushunib turgan holda" [1.560].

Eksperimentlar teoremaning isbotini tushunishda va natijasi noma'lum bo'lgan masalalarni yechish jarayonida qo'llanilishi talabanning predmetga bo'lgan

qiziqishini yangi bosqichga olib chiqadi. Bu eksperimentlarni o'tkazishda kompyuter dasturlaridan keng foydalanish mumkin. Dastur orqali kutilayotgan natijani ko'ra olish dastlabki farazni ilgari surishda juda katta motivatsiya beradi.


Teorema. Uchburchak bissektrisalari bir nuqtada kesishadi.

Teoremaning isbotini keltirishdan oldin uni kompyuter dasturi yordamida xususiy hollarda tekshirib ko'ramiz. Dastur natijasida uchburchak bissektrisalari bir nuqtada kesishishini ko'rish qiyin emas.

Dastur

```
procedure TForm1.
Button3Click(Sender: TObject);
var j,v:integer;
a,i,k:real;
begin
with Form1.Canvas do
begin
v:=1;
a:=0.01;
k:=350;
i:=80;
while i<=300 do
for j:=1 to v do
begin
pixels[trunc(i),trunc(k)]:=9;
k:=round(((i-80)/220)*(-330)+350);
i:=i+a;
end;
i:=80;
while i<=600 do
begin
for j:=1 to v do
pixels[trunc(i),350]:=9;
i:=i+a;
end;
k:=350;
i:=600;
while i>=300 do
begin
for j:=1 to v do
pixels[trunc(i),trunc(k)]:=9;
k:=round(((i-600)/(300))*(330)+350);
i:=i-a;
end;
end;
end;
end;
end;
```


Dastur algoritmining bajarilishi natijasida quyidagi 1- rasmdagi chizma hosil bo'ladi.



1-rasm

Eksperiment yordamida natija hosil qilingandan so'ng o'quvchi-talabalarda teoremaning mantiqiy isbotini topishga nisbatan katta ishtiyoq paydo bo'ladi. Shundan so'ng teoremaning isbotiga o'tamiz.

Isbot. Teoremani isbotlash uchun uchburchakning 2 ta bissektrisasini chizib olamiz. Tushunarliki, ular bir nuqtada kesishadi va boshqa kesishish nuqtasiga ega emas. Quyidagi rasmda A va B burchaklarning bissektrisalari O nuqtada kesishishi tasvirlangan. O nuqtadan uchburchak tomonlariga perpendikulyarlar o'tkazamiz: $OP \perp AB$, $OQ \perp BC$, $OR \perp CA$.



2-rasm

Perpendikulyar kesmalar-burchak bissektrisasining ixtiyoriy nuqtasidan shu burchak tomonlariga o'tkazilgan perpendikulyarlar va ular o'zaro teng. Bu to'g'ri burchakli uchburchaklar tengligidan kelib chiqadi. Haqiqatdan ham, 2-rasmdagi $\triangle AOP = \triangle AOR$ uchburchaklar teng, ular umumiy gipotenuzaga va A uchidagi teng burchakka ega. Demak, $OP=OR$, chunki ular A uchidan chiqqan bissektrisaning ixtiyoriy nuqtasidan tomonlarga tushirilgan perpendikulyarlar. Shuningdek, $OP=OQ$, chunki ular B uchidan chiqarilgan bissektrisaning ixtiyoriy

nuqtasidan tomonlarga tushirilgan perpendikulyarlar. $OP=OR$ va $OP=OQ$ ligidan $OR=OQ$ ligi kelib chiqadi. Demak, O nuqta uchburchakning BC va CA tomonlaridan bir xil masofada joylashgan. Bu tomonlar C burchakni tashkil qiluvchilaridir. Ma'lumki, burchak ichidagi nuqta tomonlardan bir xil masofalarda yotsa u burchak bissektrisasida yotadi. Bundan O nuqta C burchak bissektrisasida yotadi. Huddi shunday usulda C burchak bissektrisasi boshqa 2 ta burchak bissektrisalari kesishgan nuqtadan o'tadi. Demak, uchburchak bissektrisalari bir nuqtada kesishadi. Shu bilan isbot yakunlandi.

Endi esa oliy matematika kursidan ma'lum chiziq hosil bo'ladigan masalani ko'rib chiqamiz.

1-masala. Radiusi R ga teng bo'lgan aylana radiusi $4R$ ga teng bo'lgan qo'zg'almas aylananing ichki tomoni bo'ylab sirpanmasdan dumalamoqda. Dumalayotgan aylananing ixtiyoriy nuqtasi qanday chiziq chizadi?

Yechish. Koordinata boshi O nuqtani aylananing markazi sifatida tanlaymiz, harakat qiluvchi aylanadan biror nuqta tanlaymiz va uni M bilan belgilaymiz. Dumalayotgan aylana markazini C bilan va aylanalar uringan nuqtani esa B bilan belgilaymiz. t parametr sifatida CM va CB radiuslar orasidagi burchakni tanlaymiz. $M(x;y)$ nuqtani koordinatalar sistemasidagi o'rnini aniqlaymiz va biz qarayotgan chiziqni parametrik tenglamasi hosil bo'ladi [2].

$$x = \frac{3}{4}R \cdot \frac{\cos 1}{4}t + \frac{1}{4}R \cdot \frac{\cos 3}{4}t,$$

$$y = \frac{3}{4}R \cdot \frac{\sin 1}{4}t - \frac{1}{4}R \cdot \frac{\sin 3}{4}t.$$

Hosil qilingan parametrik tenglamadan uning qanday chiziq tenglamasi ekanligini aniqlab bo'lmaydi. Shuning uchun kompyuter yordamidan foydalanamiz. Parametrik tenglamadan shu chiziqni ifodalaydigan dastur hosil qilamiz.

Dastur


```
uses graphABC;
type point=record
a,b:integer
```

```

end;
var ae,be,a,b,a1,b1,R,R1,n,i:integer;
u:real;
d:array[1..2514]of point;
begin
ae:=windowwidth div 2;
be:=windowheight div 2;
R:=be-30;
R1:=R div 4 ;
u:=0;
i:=0;
while u<=8*pi do
begin
i:=i+1;
d[i].a:=ae+round(3*r/4*cos(u/4)+r/4*cos(3*u/4));
d[i].b:=be-round(3*r/4*sin(u/4)-r/4*sin(3*u/4));
u:=u+0.01
end;
u:=0;
lockdrawing;
n:=0;
while u<=8*pi do
begin
clearwindow;
setpencolor(clBlack);
circle(ae,be,R);
a:=ae+round((R-R1)*cos(u/4));
b:=be-round((R-R1)*sin(u/4));
circle(a,b,R1);
n:=n+1;
line(d[n].a,d[n].b,a,b);
setpencolor(clRed);
moveto(d[1].a,d[1].b);
for i:=1 to n do lineto(d[i].a,d[i].b);
sleep(1);
u:=u+0.01;
redraw
end
end.

```

Dasturni ifodalash natijasida 3-rasmdagi chizma hosil bo'ladi. Rasmdan ko'rinadiki, qidirilayotgan chiziq astoidadir.



3-rasm

GIPOTEZA. Yuqoridagi dastur natijasida hosil qilingan shakl biz qidirayotgan chiziq astroida ekanligini ko'rsatdi. Endi esa uni isbotlaymiz.

GIPOTEZANING ISBOTI. Parametrik tenglamamizda trigonometrik shakl almashtirishlar olib boramiz. Natijada quyidagi ko'rinishdagi tenglamaga ega bo'lamiz.

$$\begin{cases} x = R \cos^3 \frac{t}{4} \\ y = R \sin^3 \frac{t}{4} \end{cases}$$

Bu giposikloida-astroidaning parametrik tenglamasidir. Tenglamalarni har ikkala

tomonini $\frac{2}{3}$ chi darajaga oshirib qo'shib yuborsak, giposikloidaning dekart koordinatalar sistemasidagi tenglamasi hosil bo'ladi

$$x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = R^{\frac{2}{3}} .$$

Bu dasturda tegishli parametrik tenglamani o'zgartirish orqali qo'zg'almas aylana ichidagi sirpanmasdan dumalovchi aylananing ixtiyoriy nuqtasi chizgan chiziqni ko'rish mumkin.

ADABIYOT

1. Пуанкаре А. О науке -М.: Физматлит. 1983. С.560.
2. Фихтенгольц Г.М. Курс дифференциального и интегрального исчисления. Т. I. М.: Наука, 1970.

A.OPPENHEIM TENGSIZLIGINING TATBIQLARI

**N.Ismoilova - magistrant,
T.Ibaydullayev – f.-m.f.n.**

Andijon davlat universiteti

Tomonlari a, b, c bo'lgan ABC uchburchakda p – yarim perimetr, R va r tashqi va ichki chizilgan aylanalar radiuslari bo'lsin.

[1] maqolada quyidagi ikki teorema keltirilgan:

1-teorema (O.Bothema). *Har qanday x, y, z haqiqiy sonlari uchun ABC uchburchakda*

$$yza^2 + zxb^2 + xyc^2 \leq R^2(x + y + z)^2 \quad (1)$$

tengsizlik o'rinli. Tenglik ishorasi faqat va faqat

$$\frac{x}{\sin 2A} = \frac{y}{\sin 2B} = \frac{z}{\sin 2C} \quad (2)$$

tenglik o'rinli bo'lganda bajariladi.

2-teorema (A.Oppenheim). *Har qanday x, y, z haqiqiy sonlari uchun ABC uchburchakda*

$$xa^2 + yb^2 + zc^2 \leq 4S\sqrt{xy + yz + zx} \quad (3)$$

tengsizlik o'rinli. Tenglik ishorasi faqat va faqat

$$\frac{x}{-a^2 + b^2 + c^2} = \frac{y}{a^2 - b^2 + c^2} = \frac{z}{a^2 + b^2 - c^2} \quad (4)$$

tenglik o'rinli bo'lganda bajariladi..

Maqola muallifi tomonidan avval 2- teorema o'rinli bo'lganda 1- teoremani o'rinli bo'lishi ko'rsatilgan. Shu bilan birga har ikki teorema barcha musbat x, y, z sonlari uchun o'rinli ekanligi, x, y, z manfiy sonlar uchun bu teoremlar o'rinli bo'lmasligi uning quyidagi teoremasidan ko'rinadi.

Teorema. Agar x, y, z haqiqiy sonlari uchun

$$x + y > 0, y + z > 0, z + x > 0 \text{ va } xy + yz + zx > 0$$

tengsizliklar bajarilsa, (3) va (4) o'rinli.

Isboti. $k = \sqrt{xy + yz + zx}$ belgilash kiritamiz. ABC uchburchakda kosinuslar teoremasi

$$c^2 = a^2 + b^2 - 2ab \cos C$$

va uchburchak yuzasini hisoblashning

$$S = \frac{1}{2} ab \sin C$$

formulasidan foydalanib, (3) tengsizlikni

$$2(x+z)a^2 + 2(y+z)b^2 \geq (4z \cos C + k \sin C)ab$$

ko'rinishda ifodalaymiz. O'rta arifmetik va o'rta geometrik miqdorlar orasidagi tengsizlikka ko'ra bu tengsizlikning chap tomoni

$$4\sqrt{(x+z)(y+z)}ab = \sqrt{16z^2 + k^2}ab$$

ifoda qiymatidan katta yoki teng. Xuddi shuningdek, tengsizlikning o'ng tomoni Koshi-Bunyakovskiy tengsizligiga ko'ra bu miqdordan katta yoki teng. Bu mulohazalardan (3) tengsizlikning o'rinli ekanligini ko'ramiz. Tengsizlikda tenglik ishorasi o'rta arifmetik va o'rta geometrik miqdorlar orasidagi Koshi-Bunyakovskiy tengsizligida tenglikning bajarilishi faqat va faqat

$$\frac{a^2}{y+z} = \frac{b^2}{z+x} = \frac{c^2}{x+y} = t$$

bo'lganda bajariladi. Bundan

$$a^2 = t(y+z), b^2 = t(z+x), c^2 = t(x+y),$$

Demak,

$$-a^2 + b^2 + c^2 = 2tx, a^2 - b^2 + c^2 = 2ty, a^2 + b^2 - c^2 = 2tz$$

Bu esa (4) tenglikning bajarilishini ta'minlaydi va bu tenglik

$$\frac{xa}{\cos A} = \frac{yb}{\cos B} = \frac{zc}{\cos C}$$

tenglikka teng kuchli. (4) munosabatda x, y, z sonlari musbat bo'lganda o'rinli ekanlig hamda bu sonlarning ikkitasi musbat bo'lganida bajarilishi kelib chiqadi.

Birinchi teoremani isbotlash uchun x, y, z sonlarni $\frac{x}{a^2}, \frac{y}{b^2}, \frac{z}{c^2}$ sonlar bilan

almashtiramiz. U holda (3) tengsizlik

$$x + y + z \geq 4S \sqrt{\frac{xy}{a^2 b^2} + \frac{yz}{b^2 c^2} + \frac{zx}{c^2 a^2}}$$

ko'rinishda yoziladi.

$$S = \frac{abc}{4R}$$

formuladan foydalanib bu tengsizlikni (1) ga teng kuchli bo'lgan

$$x + y + z \geq \frac{1}{R} \sqrt{xyz^2 + yza^2 + zxc^2}$$

ko'rinishda ifodalaymiz. Bu tenglikdan tenglik ishorasini hosil qilish uchun

$$\frac{a}{\sin A} = 2R$$

formula va kosinuslar teoremasidan foydalanib

$$\frac{x/a^2}{-a^2 + b^2 + c^2} = \frac{x}{2a^2bc \cos A} = t \cdot \frac{x}{\sin 2A}, \text{ bu yerda } t = \frac{1}{2Rabc}$$

Bundan (2) munosabat kelib chiqadi.

Endi 2-teoremadagi

$$xa^2 + yb^2 + zc^2 \leq 4S\sqrt{xy + yz + zx} \quad (3)$$

tengsizlik hamda bu tengsizlikda tenglik ishorasi bajariladigan

$$\frac{x}{-a^2 + b^2 + c^2} = \frac{y}{a^2 - b^2 + c^2} = \frac{z}{a^2 + b^2 - c^2} \quad (4)$$

munosabatlardan kelib chiqadigan bir qator natijalarni keltiramiz.

1-natija (XMO-1977). Har qanday ABC uchburchakda

$$a^2 + b^2 + c^2 \geq 4S\sqrt{3}$$

tengsizlikning o'rinli ekanligini isbotlang, bu yerda tenglik muntazam uchburchak uchun bajariladi.

Isboti. (3) tengsizlik va (4) tenglikda $x = y = z$ deb olinsa talab qilingan tengsizlik va tenglik kelib chiqadi.

2-natija. Har qanday ABC uchburchakda

$$a^4 + b^4 + c^4 \geq 16S^2$$

tengsizlikning o'rinli ekanligini isbotlang, bu yerda tenglik muntazam uchburchak uchun bajariladi [2].

Isboti. (3) tengsizlik va (4) tenglikda $x = a^2, y = b^2, z = c^2$ deb olinsa

$$a^4 + b^4 + c^4 \geq 4S\sqrt{a^2b^2 + b^2c^2 + c^2a^2}$$

munosabat hosil bo'ladi. Chunki Geron formulasidan foydalanilsa,

$$2(a^2b^2 + b^2c^2 + c^2a^2) - (a^4 + b^4 + c^4) = 16S^2$$

tenglikni,

$$(a^2 - b^2)^2 + (a^2 - b^2)^2 + (a^2 - b^2)^2 \geq 0$$

tengsizlik esa

$$a^2b^2 + b^2c^2 + c^2a^2 \leq a^4 + b^4 + c^4$$

tengsizlikni beradi. Demak, bundan isbotlanishi talab qilingan

$$a^4 + b^4 + c^4 \geq 16S^2$$

tengsizlik va tenglikni hosil qilamiz.

3-natija. Har qanday ABC uchburchakda

$$ab + bc + ca \leq a^2 + b^2 + c^2 \leq 9R^2$$

tengsizlikning o'rinli ekanligini isbotlang, bu yerda tenglik muntazam uchburchak uchun bajariladi.

Isboti. (3) tengsizlik va (4) tenglikda

$$x = \frac{bc}{a}, y = \frac{ca}{b}, z = \frac{ab}{c}$$

deb olinsa

$$3abc \geq 4S\sqrt{a^2 + b^2 + c^2}$$

tengsizlik hosil bo'ladi. Ammo

$$abc \geq 4RS \text{ va } ab + bc + ca \leq a^2 + b^2 + c^2$$

ekanligini e'tiborga olsak talab qilingan tengsizlik va tenglik kelib chiqadi.

4-natija. Har qanday ABC uchburchakda

$$R \geq 2r$$

tengsizlikning o'rinli ekanligini isbotlang, bu yerda tenglik muntazam uchburchak uchun bajariladi.

Isboti. (3) tengsizlik va (4) tenglikda

$$x = bc, y = ca, z = ab$$

deb olinsa

$$abc(a+b+c) \geq 4S\sqrt{abc(a+b+c)}$$

yoki

$$abc(a+b+c) \geq 16S^2$$

Ammo

$$S = \frac{a+b+c}{2} \cdot r = pr, \quad abc = 4RS = 4pRS$$

ekanligini e'tiborga olsak, talab qilingan tengsizlik kelib chiqadi.

5-natija. Har qanday ABC uchburchakda

$$r^2 + 4Rr \geq S\sqrt{3}$$

tengsizlikning o'rinli ekanligini isbotlang, bu yerda tenglik muntazam uchburchak uchun bajariladi.

Isboti. (3) tengsizlikda $x = \frac{p-a}{a}, y = \frac{p-b}{b}, z = \frac{p-c}{c}$ deb olinsa,

$$xa^2 + yb^2 + zc^2 = a(p-a) + b(p-b) + c(p-c) = \frac{2(ab+bc+ca) - (a^2 + b^2 + c^2)}{2}$$

ifodani hosil qilamiz. Ammo

$$ab+bc+ca = p^2 + r^2 + 4Rr \quad \text{va} \quad a^2 + b^2 + c^2 = 2(p^2 - r^2 - 4Rr)$$

ayniyatlarni isbotlashimiz mumkin. Shuning uchun

$$xa^2 + yb^2 + zc^2 = 2r^2 + 8Rr .$$

Ikkinchi tomondan, kosinuslar teoremasiga ko'ra

$$\frac{(p-a)(p-b)}{ab} = \frac{c^2 - a^2 - b^2 + 2cb}{4ab} = \frac{1 - \cos C}{2} = \sin^2 \frac{C}{2} ,$$

Shu kabi

$$\frac{(p-b)(p-c)}{bc} = \sin^2 \frac{A}{2}, \quad \frac{(p-c)(p-a)}{ca} = \sin^2 \frac{B}{2}$$

Shuning uchun

$$\begin{aligned} 4S\sqrt{xy + yz + zx} &= 4S\sqrt{\frac{(p-a)(p-b)}{ab} + \frac{(p-b)(p-c)}{bc} + \frac{(p-c)(p-a)}{ca}} \\ &= 4S\sqrt{\sin^2 \frac{C}{2} + \sin^2 \frac{A}{2} + \sin^2 \frac{B}{2}} \geq 4S\sqrt{\frac{3}{4}} = 2S\sqrt{3} \end{aligned}$$

Biz bu yerda $f(x) = \sin^2 \frac{x}{2}, x \in (0, \pi/2]$ funksiya uchun Jensen tengsizligini qo'llash bilan hosil qilinadigan ushbu tengsizlikdan foydalandik:

$$\sin^2 \frac{C}{2} + \sin^2 \frac{A}{2} + \sin^2 \frac{B}{2} \geq 3 \sin^2 \frac{\frac{C}{2} + \frac{A}{2} + \frac{B}{2}}{3} = 3 \sin^2 \frac{\pi}{6} = 3 \cdot \frac{1}{4} = \frac{3}{4}$$

Natijada (3) tengsizlikka asosan isbotlashimiz lozim bo'lgan

$$r^2 + 4Rr \geq S\sqrt{3}$$

tengsizlikni hosil qilamiz.

6-natija. Har qanday x, y, z haqiqiy sonlari uchun ABC uchburchakda

$$xa^2 + yb^2 + zc^2 \leq R^2 \frac{(xy + yz + zx)^2}{xzy}$$

tengsizlik o'rinli.

Isboti. Bu tengsizlikni hosil qilish uchun (3) tengsizlikda x, y, z larni $\frac{yz}{a^2}, \frac{xy}{c^2}, \frac{zx}{b^2}$

sonlar bilan almashtirish kifoya. Bu tengsizlikdan yana yangi ko'rinishdagi tengsizliklarni hosil qilishda foydalanishimiz mumkin.

ADABIYOT

1. Bottema O., Inequalities for R, r and s, Univ. Beograd. Publ. Elektrotehn. Fak. Ser. Mat. Fiz., No. 338-352. 1971. C. 27-36.
2. Garfunkel J., Problem 825, Crux Math., 9. 1983. C.79.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ РОССИЯ-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Р. А. Юлдашев - магистрант

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Охирги пайтларда Марказий Осиё минтақасида Хитойнинг таъсири ошиб бораётганлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Масалан, 2000 - йилларнинг

бошида Хитой “Катта Ғарбни эгаллаш” концепциясини илгари суради ва бу концепцияда, шубҳасиз, Марказий Осиё ва унинг ресурслари муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда Россия ва Хитойнинг Марказий Осиёдаги кўп йўналишлардаги манфаатлари деярли яққол тўқнашмаяпти, яъни рақобат унчалик кузатилмаяпти. Манфаатлар кесишган соҳаларда эса (нефт ва газ соҳаси, атом энергетикаси, қурилиш, логистика ва ҳоказо соҳаларда) бу икки давлат компаниялари ўртасидаги муносабатлар рақобат эмас, аксинча, ҳамкорлик руҳида кечмоқда.

Лекин шу билан бирга, кейинчалик бу минтақада Россия ва Хитойнинг ўзаро муносабатларини кескинлаштириб юбориши мумкин бўлган омиллар ҳам сақланиб қолмоқда. Масалан, Россия Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи доирасида, асосан, собиқ Иттифоқ давлатлари етакчиларини Евроосиё лойиҳасининг афзалликларига, бу лойиҳага сиёсий тус беришнинг зарурлигига ишонтиришга кўпроқ урғу қаратмоқда. Бу эса Евроосиё Иқтисодий Иттифоқини мутлоқ иқтисодий лойиҳа деб ҳисоблайдиган минтақа давлатлари етакчилари томонидан ҳам, ушбу лойиҳадан ўз фаровонлигини оширишдан умидвор бўлган ушбу давлатлар аҳолиси томонидан ҳам салбий реакцияларга олиб келиши табиий ҳолдир [1].

Хитой эса минтақада ўз иқтисодий сиёсатини юритишда маҳаллий давлатлар ҳукуматларига бу каби сиёсий шартлар қўймаган ҳолда фаолиятини олиб бормоқда. Таъкидлаш лозимки, Хитойнинг Ипак Йўли Иқтисодий Белбоғи лойиҳаси сиёсий даражада минтақадаги барча давлатлар томонидан маъқулланди ва бу давлатлар ушбу лойиҳада фаол иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар. Бу каби бирдамликнинг бир қатор сабаблари бор [2.51-60].

Биринчидан, Марказий Осиёдаги бошқа лойиҳалардан фарқли тарзда ушбу лойиҳада иштирокчиларга нисбатан сиёсий талаблар илгари сурилмаган.

Иккинчидан, ушбу лойиха аллақачон молиявий ресурслар билан таъминланган. Ипак Йўли Фонди ва Осиё Инфратузилмалар Инвестициялари Банки (АБИИ) нинг барпо қилиниши бунинг яққол мисолидир. Ушбу институтлар шу пайтгача бир қатор лойихаларни молиялаштиришни бошлашга ҳам улгурди.

Учинчидан, Хитой нафақат Россия билан, балки худудлари орқали Ипак Йўли Иқтисодий Белбоғи ўтадиган бошқа минтақа давлатлари билан ҳам компромиссга келишга тайёрлигини билдирган ва бу борада бир қатор шартномалар ҳам имзоланган. Бу лойихадан Хитой кўзлаган асосий мақсад минтақа давлатлари билан минтақавий иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришдан иборат.

Тўртинчидан, Хитой Марказий Осиёнинг учта давлати билан умумий чегараларга эга ва бу нарса унга ҳамкорликда транспорт-логистика лойихаларини ривожлантиришда устунликлар беради.

Юқоридагилардан ташқари, бу каби лойихаларнинг амалга ошишидан худуди орқали Ипак Йўли Иқтисодий Белбоғи ўтадиган давлатларнинг ўзлари ҳам манфаатдор. Бу лойихалар минтақа давлатлари иқтисодиётини бевосита молиялаштиришга ёрдам беришдан ташқари, ушбу минтақа давлатлари ўртасидаги транспорт алоқаларининг янада ривожланишига ҳам ҳисса қўшади.

Нихоят, Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи лойихаси ва минтақадаги Россия сиёсатидан фарқли равишда, Ипак Йўли Иқтисодий Белбоғи лойихаси ҳамда Хитойнинг минтақадаги ташқи сиёсати кўпгина ғарб экспертлари томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Хатто айрим сиёсатчилар Хитойнинг ушбу минтақадаги ташқи сиёсати АҚШнинг шу минтақадаги сиёсати билан уйғунлигини ҳам таъкидлаган эдилар [3].

Албатта, Евроосиё Иқтисодий Иттифоқини ҳам ҳеч ким кераксиз матоҳга айлантормоқчи эмас. Аксинча, Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи, Ипак Йўли Иқтисодий Белбоғи ва минтақа давлатлари миллий дастурлари

ўртасида кесишувчи ҳолатларни, йўналишларни аниқлаб, ўзаро ҳамкорликда сиёсат олиб бориш энг маъқул йўл саналади. Бу, айниқса, Россия учун зарур. Лекин бу осон иш эмас, чунки гап Россия ва Хитойнинг стратегик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ва шу билан бирга ҳудудидан Ипак Йўли Иқтисодий Белбоғи ўтиши кўзда тутилган Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи иштирокчилари миллий манфаатларини ҳам унутмаган ҳолда, ўзаро ён беришлар чегараларини белгилаб олган ҳолда оқилона ўзаро сиёсат олиб бориш ҳақида бормоқда. Шундагина минтақада Россия-Хитой муносабатларининг кескинлашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларнинг маълум маънода олди олинган бўлади.

Россия томонидан таҳдид сифатида қабул қилинадиган яна бир ҳолат шуки, сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари ташқи савдо айланмасида Хитойнинг улуши сезиларли даражада ортди ва Хитой минтақанинг асосий савдо ҳамкорига айланди. Ипак Йўли Иқтисодий Белбоғи лойиҳасидан сўнг минтақадаги Хитойнинг таъсири янада кўпроқ сезилиши табиий ҳол. Хитой инвестицияларининг (аниқроғи, кредитларининг) Марказий Осиё минтақаси давлатлари иқтисодиётидаги салмоғи жадал суръатларда ошиб бораётганлиги ҳам эътиборни жалб қилмасдан қолмайди.

Хитойнинг минтақавий сиёсатига тегишли яна бир ҳолат бу Хитойнинг Марказий Осиёда логистик лойиҳаларни амалга оширишдаги ва транспорт коридорларини ташкил қилишдаги фаол иштироки билан боғлиқ. Бу борада ҳам Хитой минтақада етакчи саналади. Яъни минтақадаги кўпгина автомобил ва темир йўллари айнан Хитой томонидан қурилади ва молиялаштирилади. Шу жумладан, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўли қурилиши ҳам кўзда тутилган. Россия бу каби минтақавий транспорт ва логистик лойиҳаларда у қадар фаол иштирок этмоқда, деб айта олмаймиз. Хитойнинг минтақа давлатлари транспорт ва логистик инфраструктурасини ривожлантиришдан манфаатдорлиги объектив ҳолатдир, чунки ушбу инфраструктуранинг етарли даражада ривожланмаганлиги Хитойнинг глобал

савдо мамлакати даражасига чиқиш йўлидаги интилишларига салбий таъсир кўрсатади.

Россия учун хавотирли бўлган яна бир ҳолат Хитой компанияларининг Марказий Осиё минтақаси давлатларининг нефт ва газ секторидаги улуши ортиб бораётганлиги билан ва бу давлатларда нефт, углеводородлар ва газ казиб олиш ҳамда Хитойга транспортировка қилиш кўламининг ортгани билан боғлиқ. Яна бир ҳолат, Хитой компаниялари улушининг минтақа давлатлари иқтисодиётининг хом ашё бўлмаган тармоқларида ҳам мунтазам ортиб бораётганлигидадир.

Хитой ва минтақа давлатлари иқтисодиёти ўртасидаги фарқларни ҳисобга олганда, Хитой учун Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий муносабатлар жиддий макроиқтисодий аҳамиятга эга эмас, аксинча, минтақа давлатларининг Хитой билан бундай алоқалари ушбу давлатлар учун ҳозирги иқтисодий динамикани ушлаб туришда муҳим саналади [4.160].

Аммо энг катта масалалардан бири шундаки, ўз ишчи кучлари етарли бўлган минтақага Хитой инвестициялари билан бирга Хитой ишчи кучлари оқими ҳам кириб келмоқда ва бу минтақанинг фойдасини кўзламайди. Яна бир масала - Хитойликлар томонидан минтақа давлатларида қуриладиган корхоналар экологик ва технологик таркиби нуқтаи назаридан қандай корхоналар ва улар аслида ҳам минтақа давлатларининг манфаатларига тўғри келадими? деган саволда ўз аксини топади.

Яна бир жиҳат Хитойнинг ўз ишчи кучлари билан минтақа давлатларининг меҳнат бозорига ёриб киришга уриниши билан боғлиқ ва бу тенденция бундан буён янада кучайиши кузатилмоқда. Хитойда ортиқча бўлган ишчи кучларини банд қилиш масаласи кун тартибида долзарб масала бўлиб турибди, лекин Хитой ҳудуди доирасида бу масалани ҳал қилишнинг деярли иложи йўқ. Мушкул вазиятдан чиқиш йўлларида бири бу меҳнат миграцияси орқали ҳеч бўлмаса, қўшни давлат ҳудудлари ҳисобига ишсизлар сонини қисқартиришга эришиш.

Сўнги йилларда фан-таълим ва гуманитар соҳаларда ҳам Хитой ва минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг чуқурлашуви кузатилмоқда. Масалан, Хитойга бориб таълим олаётган минтақа фуқаролари сони мунтазам ортиб бормоқда.

Бугунги кунда фақатгина минтақавий хавфсизлик масаласида минтақада Хитой ва Россия давлатлари ўртасида сезиларли рақобат кўзга ташланмаяпти. Айниқса, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги муносабатлар самарали тарзда давом этмоқда деб айта оламиз. Айрим ҳолатларда минтақавий таҳдидларга қарши бирдамликка келиш нуқтаи назаридан баъзи камчиликлар кузатилмоқда, бунинг учун эса минтақавий хавфсизлик масалаларига нисбатан умумий ёндашувларни ва механизмларни ишлаб чиқиш долзарб масала саналади.

Шундай қилиб, бугунги кунда Хитойнинг геополитик амбицияларини, унинг демографик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, Россия учун ҳам, минтақа давлатлари учун ҳам Хитойнинг минтақадаги ҳар қандай шаклдаги фаолияти маълум даражада чекланган доирада бўлиши мақсадга мувофиқ саналади. Лекин шу билан бирга Хитойнинг Марказий Осиё учун энг аҳамиятли ҳамкорлардан бири эканлигини инобатга олсак, яқин орада Хитойнинг минтақадаги таъсири ошса ошадикки, лекин пасаймайди.

Шунинг учун, назаримда, Хитойнинг ушбу таъсиридан минтақа давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожига йўлида фойдаланишни ўрганиш зарур. Бунинг учун эса минтақа давлатларининг интилишларини бирлаштирувчи самарали механизм ишлаб чиқилиши лозим. Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи ва Ипак Йўли Иқтисодий Белбоғи лойиҳаларининг кесишган умумий фаолият йўналишларини белгилаб олиб, шу йўналишдаги ҳамкорликка кенг урғу бериш ҳам муҳим саналади. Лекин ҳозирча бу борада тўлақонли қониларли ҳамкорлик амалда кузатилмаяпти. [5.37-55].

АДАБИЁТ

1. Перспективы сотрудничества России и Китая в Центральной Азии. №28/2016. [Казанцев А.А., Звягельская И.Д, Кузьмина Е.М., Лузянин С.Г.]; [гл. ред. И.С. Иванов] / Российский совет по международным делам. М.: НП РСМД. 2016.
2. Денисов И. Шелковая безопасность: новая Китайская концепция развития и правила игры в Евразии // Индекс безопасности. 2015. № 3. Т. 21. С. 51–60.
3. Доклад Международного дискуссионного клуба «Валдай»: «Россия, Китай и США в Центральной Азии: Баланс интересов и возможности сотрудничества» / Тимофей Бордачев, Эндрю Смолл, Вань Цинсун. Москва, сентябрь 2016,
4. Жуков С.В., Резникова О.Б. Центральная Азия и Китай: экономическое взаимодействие в условиях глобализации. М.: ИМЭМО РАН. 2009. С.160.
5. Сыроежкин К.Л. Сопряжение ЕАЭС и ЭПШП // Россия и новые государства Евразии. 2016. № 2. С. 37–55.

ИЖТИМОЙ СОҲАДА САМАРАДОРЛИК - ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

**Х. Қўчқаров – доцент,
Х. Бобуржонов – талаба**

Андижон давлат университети

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни тадбиқ қилишда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳномолигида улкан ишлар изчил амалга оширилмоқда. Бу борада диёримизда истиқомат қилаётган халқни ижтимоий ҳимоя қилишга ва турмуш даражасини юксалтиришга катта эътибор берилмоқда.

Давлат статистика қўмитаси томонидан яқинда эълон қилинган маълумотга қараганда, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон аҳолиси сони 32,6 миллион кишини ташкил этди. Демографик ўсиш кўрсатилаётган бўлса-да, туғилиш сони ҳамда ёшлар ўлиши тобора камайиб бормоқда. Бунинг сабаби, ёшлар сафига 1990 ва 2000 йилларда туғилганлар кўшилаётганидир. Чунки ўша даврда сўнгги бир неча ўн йилдаги, энг паст туғилиш кўрсаткичлари қайд этилган.

Ўзбекистонда дунёдаги тенденцияларга ҳамоҳанг тарзда қариш жараёни кузатилмоқда. Яъни кексалар, пенсия ёшидаги кишилар кўпаймоқда. Масалан, кексаяётган авлод ўлиши 2040 йилга бориб 16 % га етади. Бу эса катта эҳтимол билан пенсионерларнинг иқтисодиётда банд аҳолига нисбатан демографик юки ҳозирги 6:1 дан 3:1 га ортишига олиб келади. Жорий демографик вазият, аниқроғи, одамлар сони кўпайиши, аҳоли ёш ва ижтимоий тузилмаси ўзгариши шароитида мавжуд ижтимоий ҳимоя тизимини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки бюджетга, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига, соғлиқни сақлаш тизимига, фармацевтика тармоғига юк изчил кўпайиб борапти. Шу сабабли мутлақо янги ижтимоий-сиёсат моделини ишлаб чиқиш ҳаётий заруриятдир.

Бугунги кунда дунё амалиётида, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларида бир қатор ижтимоий ҳимоя моделлари амал қилади. Дейлик, Нидерландия, Германия, Бельгия ва Францияда **континентал модель** жорий қилинган. Бунинг замирида суғурталашнинг турли шакллари, шу жумладан, тиббий суғурта, пенсия суғуртаси, шунингдек, вақтинчалик ишсизлик суғурталарини жорий қилиш мужассам. Ижтимоий ҳимоя даражаси ҳамда меҳнат фаолияти стажи ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мазкур моделнинг асосини ташкил этади. Буюк Британия, Ирландия, АҚШ ва Японияда ижтимоий ҳимоянинг **либерал модели** қўлланилади. Ушбу тизимга биноан, жамиятнинг барча аъзоси, айниқса,

эҳтиёжмандлар моддий кўмак билан камраб олинади. Лекин нафакалар камбағалликни бутунлай йўқ қилиш учун эмас, балки уни ушлаб туриш учун тайинланади. Чунки бундай сиёсат тарафдорларининг фикрича, одамнинг камбағаллиги ҳар бир шахснинг ўз ихтиёри натижаси ҳисобланади. Ижтимоий таъминотнинг **Жанубий Европа модели** Италия, Испания, Греция ҳамда Португалия сингари давлатларда амал қилади. Бундай ижтимоий ҳимоя у даражада яхши бўлмайди. Ижтимоий таъминотда оила аъзолари ва қариндошлари зиммасига катта масъулият юкланади. Дания, Швеция, Финляндия ҳамда Норвегияда **қўлланиладиган социал-демократик модель** мамлакатнинг барча аҳолиси учун ижтимоий ҳимояни кафолатлайди. Бунда фуқаронинг ишлаган ёки суғурта тўловлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Мазкур амалиёт камбағалликнинг олдини олишда айна муддао бўлмоқда. Юқорида кайд этилган барча давлатлар ўз вақтида турли демократик муаммоларни, иқтисодий либераллаштириш билан боғлиқ ислохотларни бошидан ўтказишган. Бундай ислохотлар аслида Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлардан кескинроқ бўлгани бор гап. Пировардида, мазкур мамлакатлар самарали ва барқарор ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш зарур, деган хулосага келишган.

Юртимизнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати либерал моделга яқинроқ, дейиш мумкин. Шунинг учун керакки, илгари шаклланган ижтимоий ҳимоя тизими ҳамда социал дастурлар бугунги ўзгаришларга қадар мавжуд бўлган иқтисодий моделга асосланган. Оқибатда, ушбу омил қайсидир маънода иқтисодий ва жамиятдаги ўзгаришлар учун бугунги имкониятларни чекламоқда. Жамиятда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш, айниқса, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами учун узоқ истиқболга барқарор ижтимоий ҳимоя тизимини таъминлаш зарур бўлади. Бугунги кунда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш учун муайян асос шаклланган. Мисол учун, аҳолининг даромадлари ўсди,

бандлик ҳамда даромад манбаларининг янги шакллари пайдо бўлди ва кенг қўлланилмоқда. Касаначилик, тадбиркорлик, шахсий бандлик сингари имкониятлар ижтимоий ёрдамга бўлган эҳтиёжни аниқлашда ҳар доим ҳам инобатга олинмайди. Шу сабабли, хориж тажрибасидан келиб чиқиб, замонавий ижтимоий ҳимоя концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилишнинг вақти келди, дейишга асосларимиз етарли.

Жумладан, ушбу айланишда либерал моделга таянган ҳолда мавжуд тартиб-таомилларини такомиллаштириш, бу борада ёндашувларни жадал ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга, мамлакатимиздаги демографик тенденцияларга мослаштириш лозим. Бундай концепция ижтимоий ҳимоя бўйича қонунчиликни такомиллаштириш билан бир қаторда, ундаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш сингари масалаларни камраб олиши айтиш заруриятдир. Ўзбекистонда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Унинг 39-моддасига асосан, пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган. Тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

Шуни қайд этиш керакки, тирикчилик учун энг кам миқдор, ўтган давр мобайнида аниқ белгиланган. Президентимизнинг жорий йил 22 январда қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” ги фармонида давлат даражасида “Истеъмол саватчаси”ни аниқлаш масаласи ўрин олди. Гап тирикчилик учун зарур энг кам миқдор ёки “Истеъмол саватчаси” ҳақида борар экан, улар ҳар бир ҳудуд учун алоҳида, яъни пойтахт ҳамда вилоятлар аҳолиси даромадларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Янги ижтимоий ҳимоя концепциясида аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва Республиканинг

хар бир худуди учун стандартлар, коида ҳамда нормативлар тизими шакллантирилади. Бу чоралар ижтимоий соҳага ажратилган бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишининг олдини олиш учун жуда зарурдир. Масалан, бугунги кунга қадар давлат томонидан кўрсатилаётган бепул тиббий хизматлар самарадорлиги таҳлил қилинган. Ваҳоланки, ушбу йўналишдаги самарадорлик мониторинги хар бир соҳа учун зарур ва мақбул инвестиция ҳажмларини белгилаб берган бўлади. Умуман, суғурталашнинг янги усуллари, тиббий, ижтимоий ва пенсия суғурталари жорий қилиниши, моҳиятига кўра, боқимандалик кайфиятига барҳам бериб, ижтимоий адолатнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этади, жамиятнинг хар аъзосида ўз келажаги, оиласи тақдири учун шахсий масъулиятни оширади.

АДАБИЁТ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил.
2. Президент Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 19 майда Андижон вилоятида қилган маърузаси.
3. Республика статистика маълумотлари. 2015-2017 йил.
4. Интернет сайтлари.

ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

Х.О. Ғофуров – магистрант

Андижон давлат университети

Бугунги кунда республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги самарали ўзгаришлар юз бермоқда, яқин тарихимизда ўзининг ватанимиз тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган давлат арбоблари хотирасини ёд олиш,

уларни номини абадийлаштиришга қаратилган этиборида ҳам сезиларли даражада бўй кўрсатмоқда.

Шароф Рашидов Совет ҳокимияти даврида самарали меҳнат қилиб, эвазига қолган барча давлат арбоблари сингари вафотидан кейин қораланди. Ҳаёти ва ижодини ўрганиш таъқиқланди. Мустақиллик шарофати билан камтарин адиб ва давлат арбобининг номи қайта тикланди.

Жумладан, 2017 йилнинг 27 март куни Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100-йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қарорда ***“Республикамизни жуда мураккаб ва озир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуғлаш ҳамда таваллудининг 100-йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида”*** [1] деб 6 та пунктдан иборат таклиф ва режалар баён этилган.

Шароф Рашидов 1917 йилнинг 5 ноябрь куни Жиззахнинг Эллиққалъа туманида дехқонлар оиласида дунёга келган. Шароф Рашидов Наримонов номли ўртамахсус мактабда таҳсил олди. 1934 йилда Жиззах педагогика техникумини, 1941 йилда Самарқанд дорилфунунини тамомлаган. Шундан сўнг муаллим ва мухбир сифатида ўз фаолиятини бошлаган.

Сиёсий арбоб сиймосига эътибор қаратилар экан, бундай ҳолатларда зарур маълумотлар, айниқса, уни шахс ва сиёсатчи сифатида шакллантириш жараёнини очиб беришга хизмат қиладиган маълумотлардан фойдаланмасликни иложи йўқ. Ана шу жараёнда биз буни хоҳласак ёки хоҳламасак ҳам сиёсий хусусиятга эга масалалар биринчи ўринга кўтарилади[2.31].

Шароф Рашидов етук сиёсатчи бўлибгина қолмай адабий-пулицист ва ёзувчи сифатида ҳам камол топди. Адабий фаолиятини унинг сиёсий фаолиятдан ажратиб бўлмайди уларнинг яхлитлиги Шароф Рашидов шахси билан боғлиқ, бу жиҳатлар унинг қон-қонига сингиб кетган эди.

Унинг ижтимоий ҳаётдаги фаолияти қуйидагича кечади. У 1938-1941 йилларда Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» рўзномасида ишлайди. 1941-1942 йилларда Улуғ Ватан урушида қатнашади. Фронтдан қайтгач, 1944-1947 йилларда раҳбарлик ишига ўтади. У дастлаб Самарқанд вилоят партия котиби бўлиб фаоллик кўрсатади. Шароф Рашидов йил давомида шу лавозимда фаолият кўрсатди, 1947—1949 йилларда «Қизил Ўзбекистон» рўзномасига муҳаррирлик қилади. 1940-1950 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси, 1950-1959 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг раиси, 1959 йил 14 мартда бўлиб ўтган Марказий Комитетнинг XI пленумида Ўзбекистон Компартиясининг Биринчи котиби бўлиб Ш.Р.Рашидов сайланди. Токи умрининг охиригача (1983 йил 31 октябр) Республика партия ташкилотига раҳбарлик қилди. Шунингдек, Иттифок Партия Марказий қўмитаси Сиёсий Бюроси аъзолигига номзод ҳам эди.

Унинг Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарлигига сайланиши асло силлиқ кечмаганлигини айтиш керак. Бироқ Шароф Рашидов мазкур лавозимда даслабки кунлардан бошлаб ҳам КПСС Марказий Комитети раҳбарияти, ҳам республикадаги ўзининг ҳамкасблари билан ўзаро муносабатларда бенуқсон сиёсий сезгирлик намоён этиб, шубҳасиз, етакчилигини кўрсата олган[3.110].

У мазкур лавозимга етишиш учун қанчадан-қанча машаққатларни бошдан кечирмади. Шароф Рашидовнинг биринчи котиб лавозимига сайланиши уч кун давом этган. Йиғилишда Шароф Рашидовни ёқлаб 8 та ва унга қарши 3 та овоз берилган. Ш.Р. Рашидов бу лавозимни эгаллаш учун юқорида таъкидлаганимиздек, республикамиздаги барча партия ва совет ишининг амалда жами босқичларидан ўтган ва ҳамма лавозимларда ўзининг яхши ҳислатларини кўрсата олган[4.121].

Бунга мисол қилиб ўша даврларда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги кўплаб воқеалар иттифоқ партия раҳбариятининг айниқса, Хрушчёвнинг назорати остида эди. Шунга қарамасдан кўплаб вазифаларни Хрушчёв Шароф Рашидовга ишониб топширар эди. Лекин, Хрушчёв билан яқиндан алоқа қилиш, унга яқин боришга анча-мунча иттифоқ вакилларига ҳам насиб этавермасди. Бунга яққол мисол бўла оладиган нарса бу унинг феъл-атвори эди. Шундай бўлса-да, Шароф Рашидов иттифоқда ўз нуфузига эга эди.

Буни 1962 йилда Н.С.Хрушчёв бевосита Шароф Рашидовга “Кариб инқироzi” деб аталган воқеа билан боғлиқ жуда нозик ишни топширади[5.121].

1962 йилнинг 22 мартада Н.С.Хрушчёв Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби Шароф Рашидов билан ноодатий равишда узоқ – 1 соат 15 дақиқа суҳбатлашган. Ана шу суҳбатдан уч кун ўтгач – 25 мартда Н.С.Хрушчёвнинг хонасида Шароф Рашидов, КПСС Марказий Комитетининг котиби Ф.Р. Козлов, Ташқи ишлар вазири А.А. Громико, маршалл С.С. Бирюзов, КПСС Марказий Комитетининг котиби Ю.В. Андропов, СССРнинг Кубадаги элчиси А.И. Алексеев ва СССР Министрлар Совети ёрдамчиси О.А. Трояновскийлар иштирокида йиғилиш ўтказилади. Ушбу мажлисда Ш.Ш. Рашидов бошчилигида Кубага юборилиши лозим бўлган делегациянинг вазифалари ва таркиби белгилаб олинади. Делегацияда Маршалл С.С. Бирюзов (“муҳандис” Петров таҳаллуси билан), элчи А.И. Алексеев ва бошқа қатор шахслар киритилади[6.122].

Бундан кўриниб турибдики, Марказий Комитетнинг Шароф Рашидов ҳақидаги фикрлари юқори даражада ижобий бўлган. Хрушчёв, одатда, республикалар компартиялари марказий комитетлари ва вилоят партия комитетлари котибжларини ўзига бу даражада яқин келтирмаган.



*Суръатда: Шароф Рашидовнинг “Кариб инқирози” кунларидаги таширфи
(1962 йил)*

Шароф Рашидов ўз даврида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида самарали фаолият олиб борган. У ушбу мақсад йўлида кўплаб Собиқ иттифоқ раҳбарлари ва раҳбариятда ўз нуфузига эга амалдорлар билан алоқани яхшилаган.



*Суръатда: Тошкент аэропортида Шароф Рашидов Миср Президенти
Жамол Абдул Носир билан учрашувда.*

Шундай фидокорона хизматлари учун Ш.Р.Рашидов кўплаб кўкрак нишонлару орденлар билан тақдирланган.

Шароф Рашидов ўн бир марта «Ленин ордени», икки марта (1974, 1977) «Меҳнат қаҳрамони Олтин юлдузи» ва Ленин мукофоти совриндори ҳам бўлган.

Хизматлари эвазига тақдирланган нишонлари:



Шароф Рашидович Рашидов Ўзбекистон равнақи ва келажаги учун ўз жонини фидо қилган шахс, давлат арбоби ва шунинг мохир қалам соҳиби бўлган десак муболаға бўлмайди. У ўз хаёти давомида сиёсатни жиловлабгина қолмай, адабий муҳитда ҳам ўз шахсини камол топтирди.

Унинг ижоди асосан XX асрнинг 30-йил ўрталарида бошланган бўлиб, дастлаб шеъриятда қалам тебратган. Унинг биринчи шеърий тўплами «Самарқанд куйлари» номи билан босилган. Сўнг эса «Ўлкам», «Орзуимиз» (1939) каби шеърлари чоп этилган. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизмга қарши ғалабага етакловчи шеърлар ёзиб, 1945 йилда «Қаҳрим» номи билан тўплам сифатида чоп эттиради.

Бундай буюк сиймолар хотирасига юртбошимиз томонидан берилаётган эътибор чексиздир. Модомики тарихни тўғри ўрганмай туриб келажакга қадам қўйиб бўлмайди.

АДАБИЁТ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100-йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори. 2017 йилнинг 27 март.

2. Г.Ш. Рашидова, Д.А. Комилов – Шароф Рашидов: “Инсон – давр кўзгусида ва давр – инсон тақдирида”. 31, 110, 121, 122 – бетлар., “Тасвир”. Тошкент-2017 й.

МАКТАБГАЧА ТА`ЛИМNING DOLZARB MUAMMOLARI VA YECHIMLARI

**G.Tojiboyeva - katta o`qituvchi,
G.Abdusalimova - talaba**

Andijon davlat universiteti

Maktabgacha ta'lim, ya'ni bog'cha yoshidagi bolalar shaxsining shakllanishiga ko'ra, bu davrni 3 bosqichga ajratish mumkin:

- birinchi davr - 3- 4 yosh oralig'ida bo'lib, emotsional jihatdan o'z-o'zini boshqarishning mustahkamlanishi bilan bog'liqdir;

- ikkinchi davr - 4- 5 yoshni tashkil qilib, axloqiy o'z-o'zini boshqara olish bilan bog'liq;

- uchinchi davr esa, shaxsiy ishchanlik va tadbirkorlik xususiyatlarining shakllanishi bilan tavsiflanadi.

Maktabgacha davrda axloqiy tushunchalar borgan sari qat'iylasha boradi. Axloqiy tushunchalar manbai sifatida ularning ta'lim-tarbiyasi bilan shug'ullanayotgan kattalar, shuningdek, tengdoshlari ham bo'lishi mumkin [1.197-199].

Axloqiy tajribalar, asosan, muloqot, taqlid qilish jarayonida, kattalarning maqtoov va tanqidlari ta'sirida o'tadi hamda mustahkamlanadi. Bu baho va maqtoovlar bolaning muvaffaqiyatga erishishga bo'lgan harakatlarining rivojlanishida muhim o'rin tutadi. Bog'cha yoshidagi davrda bolalarda muloqotning yangi motivlari yuzaga keladi, bu shaxsiy va ishbilarmonlik motivlaridir. Shaxsiy muloqot motivlari – bu bolani tashvishga solayotgan ichki muammolar bilan bog'liq, ishbilarmonlik motivi esa, u yoki bu ishni bajarish bilan bog'liq bo'lgan motivlardir. Bu motivlarga asta-sekin bilim, ko'nikma va

malakalarni egallash bilan bog‘liq o‘qish motivlari quyidagicha: 3-3,5 yoshlar oralig‘ida o‘zlarining muvaffaqiyat va muvaffaqiyatsizliklariga o‘z munosabatlarini bildiradi va bu munosabat, asosan, o‘zlariga beradigan baholar asosida shakllanadi. 4 yoshli bolalar esa, o‘z imkoniyatlarini real baholay oladilar. Lekin, 4-5 yoshli bolalar hali shaxsiy xususiyatlarini idrok etishga va baholashga qodir emaslar, shuningdek, o‘zlari haqida ma’lum bir xulosani bera olmaydilar. O‘z-o‘zini anglash layoqati katta bog‘cha yoshida rivojlanib, avval u qanday bo‘lgani va kelajakda qanday bo‘lishini fikrlab ko‘rishga harakat qiladilar [2.28-32].

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bola shaxsini tadqiq qilish juda murakkab jarayondir, chunki ko‘pgina shaxsni tadqiq qilish metodlari, katta yoshli odamlarga mo‘ljallangan va bolani o‘z-o‘zini tahlil qilish imkoniyatlariga asoslanmagan. Bundan tashqari psixodiagnostika yordamida o‘rganiladigan shaxs sifatleri maktabgacha tarbiya yoshida to‘liq shakllanmagan va beqarordir. Bolalar psixodiagnostikasi ixtiyorida faqat maxsus proektiv metodlar, ya’ni bolani yutuqqa erishish motivlari va xavotirlanish holatlarini o‘rganish metodlari mavjuddir yoki shaxs sifatlarini baholashda ekspert metodlaridan foydalanish mumkin. Bunda ekspert sifatida bolani yaxshi biladigan kattalar, tarbiyachilar, ota-onalar maydonga chiqadilar. Faqat ana shunday tarzda bolani shaxs sifatlariga baho bera olish imkoniyatlariga ega bo‘lamiz. Birinchi metodikamiz bolalardagi yutuqqa erishish motivining taraqqiyot darajasini baholashga mo‘ljallangan. Bunda maktabgacha tarbiya yoshdagi bolalarning har xil vaziyatlardagi faoliyatida muvaffaqiyatga faol intilishlari tadqiq qilinadi. Yutuqqa erishish motivi shaxsga tug‘ma holatda berilmaydi. Balki maktabgacha tarbiya yoshida shakllanib borib, bola maktabga qabul qilinayotgan davrga kelib, bola beqaror shaxs sifatiga aylanishi mumkin. 5-6 yoshli bolalarda, ushbu ehtiyoj ularning individual sifatlarida bir-biridan juda katta farqlanadi. Bunda yutuqqa erishish motivi kuchli bo‘lgan bolalar, asosan, hayotida juda katta muvaffaqiyatlarga erishadilar. Agar

ushbu ehtiyoj sust rivojlangan bo'lsa, u holda omadsizliklardan qochish motivi bolalarda yuqori o'rinda turadi.

Obrazli so'z - mantiqli tafakkur turini baholash. Maktabgacha ta'limda ushbu metodika yordamida bolani atrofdagi borliq hamda ushbu moddiy dunyodagi bir qancha ob'ektlar orasida o'zaro bog'lanishlar va munosabatlar haqida elementar obrazli tasavvurlari baholanadi: hayvonlar bilan, ularning hayotiy ko'rinishlari bilan, tabiat bilan. Ushbu metodika yordamida bolaning mantiqiy mulohazasi va o'z fikrini grammatik jihatdan to'g'ri ifodalay olishi aniqlanadi. Metodikani tashkil qilish jarayoni quyidagicha olib boriladi: rasmda tasvirlangan ko'rinishlar bolaga tavsiya qilinadi, unda hayvonlar bilan bog'liq bir qancha «mantiqsiz» hodisalar mavjud. Bolaga rasmni ko'rsatish jarayonida, unga quyidagi ma'noda ko'rsatma beriladi: «Diqqat bilan ushbu rasmdagi tasvirlarni ko'rib chiqib, rassom tomonidan qanday xatoliklarga yo'l qo'yilganligini aytib ber. Agar sen qaysidir ob'ektni o'z joyida tasvirlangan emas deb hisoblasang, nima uchun shunday bo'lganligini tushuntirib ber va aslida qanday bo'lishi kerakligini ayt». Ko'rsatmaning ikkala qismi ham ketma-ketlik bilan bajariladi. Birinchi navbatda bola mantiqsizliklarni aytib beradi va rasmlarda ko'rsatib beradi, so'ngra haqiqatan qanday bo'lishligini izohlab beradi. Rasmlarni ko'rish va topshiriqni bajarishga uch daqiqa vaqt beriladi. Bu vaqt mobaynida bola iloji boricha mantiqsiz voqelikni ko'proq topishi va haqiqatda qanday bo'lish kerakligini sharhlab berishi kerak.

Natijalarni baholash. 10 ball - agar bola berilgan 3 daqiqa mobaynida rasmdagi hamma mantiqsiz tasvirlarni (jami 7 ta) aniqlab, qoniqarli tushuntirib bera olishga ulgursa va haqiqatan qanday bo'lishini sharhlab bera olsa. 8-9 ball - bola hamma mantiqsiz tasvirlarni aniqlab va belgilab chiqsa, ammo birdan uchtagacha tasvirning haqiqatan qanday bo'lishini sharhlab bera olmasa; 6-7 ball - bola hamma mantiqsiz tasvirlarni aniqlab va belgilab chiqsa, ammo 3 dan 4 gacha tasvirning haqiqatan qanday bo'lishini sharhlab bera olmasa; 4-5 ball - bola hamma mantiqsiz tasvirlarni aniqlasa, ammo 5 - 7 tagacha tasvirni chegaralangan vaqt

mobaynida sharhlab berishga ulgura olmasa; 2-3 ball - bola chegaralangan vaqt mobaynida 1 – 4 tagacha tasvirni aniqlab bera olmasa va sharhlashga vaqti etmasa; 0-1 ball - chegaralangan vaqt mobaynida bola rasmdagi 7 ta mantiqsiz tasvirlardan 4 tasini topsa. Izoh: 4 va undan yuqori ball, agar bola berilgan 3 daqiqa mobaynida topshiriqning birinchi qismini to‘liq bajara olsa, ammo ularni tushuntirib va sharhlashga ulgura olmasa qo‘yish mumkin [3.238-364].

Xulosa qilib aytganda, maktabgacha ta`lim asosan joylarda tashkil etilgan muassasalarda hamda oilada amalga oshiriladi. Buning uchun bolaga mas`ul shaxslar tomonidan ta`lim-tarbiya beriladi. Ta`lim berish jarayonida bolaning imkoniyatlarini va yuzaga keladigan muammolarni inobatga olgan holda ta`lim-tarbiya berilishi zarur. Shularni inobatga olgan holda ish tutish ta`lim-tarbiya jarayonini yengillashtirishga olib keladi.

ADABIYOT

1. Karimova V.M., Akramova F. Psixologiya. Ma`ruzalar matni. T. 2000. B.197-199.
2. Olshanskiy B.B. Prakticheskaya psixologiya dlya uchiteley. M. 1994. S. 28-32
3. Prakticheskaya psixodiagnostika. Metodiki i testi. M., 1999. B.238-364

TA`LIM SIFATINI OSHIRISHDA ILG`OR PEDAGOGIK TAJRIBALARNING AHAMIYATI

N.Oribjonova - magistrant

Andijon davlat universiteti

Buyuk kelajak taraqqiyoti tomon odimlab borayotgan mamlakatimizda kadrlar masalasi, yosh avlod tarbiyasi birinchi o‘rindagi muhim masalalar qatorida bo‘lib qolmoqda. Zeroki, O‘zbekiston ravnaqi, kelajagi shu yoshlar, ya’ni zamonaviy kadrlar qo‘lida ekan, jamiki e’tibor ularning hur fikrli bo‘lishi, jahon

ta'lim standartlariga mos kela oladigan ta'lim olishi buyuk kelajak uchun qo'yilayotgan mustahkam poydevordir. Buning uchun esa, avvalo, ta'lim sifatini jahon andozalariga mos ravishda oshirish lozimdir. Zamonaviy ta'lim olishning o'zi har bir shaxs zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. Zeroki, ta'lim-tarbiya jarayoni shaxsni har tomonlama kamol toptirish, yuksak g'oyali, milliy g'ururli, chuqur ma'lumotli, ma'naviy va jismoniy yetuk qilib yetishtirish maqsadini ko'zda tutadi va o'z harakatlarini shu nuqtai nazardan yo'lga qo'yadi. Istiqloqlarning dastlabki qadamlaridanoq, yosh avlodni tarbiyalash, hayotda o'z o'rnini topishi, demokratik davlat qurish vazifalariga bo'ysundirilishi lozim ekanligini uqtirib o'tilgandi. Oradan yillar o'tib, zamonaviy innovatsion ta'limni turli usullarda amalga oshirish imkoniyatlari kundan-kunga kengayib bormoqda. Bularning barida butun mas'uliyat faqatgina o'qituvchi zimmasigagina yuklatilmasdan ta'lim oluvchidan ham o'z-o'zini boshqarish talab etilmoqda.

Ta'lim-tarbiyaga yangicha yondoshish, ta'lim sifatini oshirish, mavjud ta'lim dasturlarini zamonaviy talablarga muvofiq isloh qilish va yosh avlod tarbiyasi muammolarini oqilona tarzda hal qilish imkoniyati yaratilgan bo'lib, bu ulug' niyatlarni amalga oshirishda, avvalo, ta'lim tizimini maktab yoshigacha bo'lgan bola tarbiyasidan boshlab, yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash, yuksak aql-zakovat mohiyatini shakllantirish, buning uchun zamonaviy moddiy-texnik va axborot bazasini yaratishgacha bo'lgan barcha sohalarni isloh etish kerak [1.46].

Ta'lim tizimini isloh etish va uning sifatini oshirish vazifalari muvaffaqiyatli hal etilsa, ijtimoiy - siyosiy sohalar sekin o'zgaradi, odamlar ongida demokratik qadriyatlar qaror topadi, inson jamiyatdagi o'rnini ongli ravishda o'zi belgilaydi.

Bugungi kunda hayotimizda sodir bo'layotgan o'zgarishlarning tub mohiyati bevosita ta'lim jarayoniga taqaladi. Ta'lim-tarbiya sohasida olib borilayotgan tub islohotlarning asosiy yo'nalishlari quyidagilar:

- ta'lim mazumuni tizimini isloh qilish;
- ta'lim - tarbiya tizimini isloh qilish;

- ta'limning bozor iqtisodiyotiga asoslangan mexanizmini isloh qilish;
- ota-ona, o'qituvchi va o'quvchining ta'lim jarayoniga bo'lgan yangicha qarashlarini shakllantirish;
- yangi pedagogik texnologiyalarni amaliyotga tatbiq etishdan iborat [3].

Ta'lim mazmuni va uning tarkibini kengaytirish, chuqurlashtirish, bu mazmunga nafaqat bilim, ko'nikma, malaka, balki umumisoniy madaniyatni tashkil etuvchi ijodiy faoliyat tajribasi, tevarak - atrofga munosabatlarni ham kiritish g'oyasi juda muhimdir. Ilg'or pedagogik, ijtimoiy tajribalar pedagogik mahoratni shakllantirishda muhim omildir. Yangi pedagogik texnologiyalarning asosiy tomoni maktab darsliklarini qaytadan yuksak darajada, yuqori saviyada tuzish lozimligidir. Darsliklar tuzish ko'p yillik ilmiy, madaniy, estetik, ma'naviy tajribalarga tayangan holda amalga oshirilmog'i kerak.

Ta'lim jarayonidagi pedagogik faoliyat o'z mehnatiga ko'ra ijodiy xarakterga ega. Ma'lumki, inson oldida biror muammo turgandagina ijodkorlikka ehtiyoj tug'iladi. O'qituvchilik faoliyati ana shunday xususiyatga ega. Pedagogik ijodkorlikning asosiy mohiyati pedagogik faoliyatning maqsadi va xarakteri bilan aniq. Pedagogik faoliyat kishi shaxsi, uning dunyoqarashi, e'tiqodi, ongi, hulq-atvoriga bo'ysungan son-sanoqsiz pedagogik masalalarini yechish jarayonidir. O'qituvchi faoliyatidagi ijodkorlik ana shu masalalarni yechish usullarida, ularni hal qila olish yo'llarini qidirib topa bilishida ifodalanadi.

Pedagogik ijodkorlik manbai - bu ilg'or pedagogik tajribadir. Ilg'or pedagogik tajriba muammoli vaziyatlarga juda boydir. Ilg'or pedagogik tajriba deganda, biz o'qituvchining o'z pedagogik vazifasiga ijodiy yondoshishi, o'quvchilarning ta'lim-tarbiyasida yangi, zamonaviy, samarali yo'l va vositalarni qidirib topishini tushunamiz. Ilg'or pedagogik tajriba o'qituvchi tomonidan qo'llaniladigan ish shakli va usullari, uslub va vositalar hamda innovatsion texnologiyalardir. Ilg'or pedagogik tajriba o'rganish, unga asoslanib yangi pedagogik hodisa va qonuniyatlarni ochish, o'quv-tarbiya jarayoniga yaxshi, sifatli o'zgarishlar kiritish, o'quvchilarning bilish faoliyatini boshqarish, yangi ko'rinishdagi o'quv jarayonini

modellashtirish muammolarini yechishga sabab bo‘ladi. Ijodiy ishlaydigan o‘qituvchi faqatgina muvaffaqiyatli o‘qitish va tarbiyalash; ilg‘or o‘qituvchilar ish tajribalarini tahlil qila olish tadqiqotchilik ko‘nikma va malakalariga ham ega bo‘lishi zarur. Ilg‘or o‘qituvchi hamma vaqt pedagogika sohasidagi yangiliklarni bilishga intiladi, boshqa o‘qituvchilarning tajribalaridan foydalanishga hamda o‘z shaxsiy tajribalarini umumlashtirishga harakat qiladi.

Hozirgi zamon fan va texnika taraqqiyoti o‘qituvchining ijodkor bo‘lishi, o‘z fanining muhim muammolari yuzasidan erkin fikr yurita olishi, fan yutuqlarini o‘quvchilarga yetkaza olishi, va nihoyat, o‘quvchilarni ham ijodiy fikrlashga, tadqiqot ishlariga o‘rgata olishini talab qiladi. Shuning uchun o‘qituvchi, avvalo, tadqiqotchilik malakalarini egallashi zarur. O‘qitvchi ilmiy-tadqiqot ishlari olib borishi davomida olimlarning tajribalarini to‘playdi, tahlil qiladi, ular asosida xulosalar chiqaradi. U fan xulosalaridan o‘zining amaliy faoliyatida foydalanish jarayonida hozirgi zamon o‘qituvchisi uchun zarur bo‘lgan juda muhim fazilatlarni egallaydi. Ilg‘or o‘qituvchilar o‘qitish metodlarini tanlashga alohida e‘tibor beradilar. O‘quvchilarning frontal, differensiyalashgan va yakka tartibdagi faoliyatlarining umumiy jihatlari ko‘proq bo‘lsa-da, ularni tashkil etish o‘qituvchidan o‘ziga xos ijodiy yondoshishni talab qiladi. Agar butun sinf, guruh va alohida shaxsga nisbatan bir xil metod bilan ta’sir ko‘rsatilar ekan, unda tarbiya ham, ijodiy yondoshish ham barbod bo‘ladi. O‘qituvchi pedagogik mahoratini shakllantirishda ilg‘or pedagogik tajribalarga tayanishi yaxshi natijalarga olib keladi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, ta’limda ilg‘or pedagogik tajribalarni qo‘llash orqali ta’lim sifatini yanada takomillashtirish zarur. Bu orqali biz yoshlarimizning quyidagi xususiyatlarini rivojlantirgan bo‘lamiz:

- bilim, ko‘nilma va malakalarini shakllantirish;
- yoshlarni jahon arenalariga intilishlariga zamin yaratish hamda ularning yetuk kadr sifatidagi raqobatbardoshligini oshirish;

- ularda ijodkorlik hamda tanqidiy fikrlay olish qobiliyatlarini shakllantirish.

Yana shuni aytish lozimki, bugungi kunda oldimizda turgan asosiy hamda buyuk vazifamiz har tomonlama yetuk, barkamol shaxsni tarbiyalab voyaga yetkizdir.

ADABIYOT

1. Tolipov O‘, Usmonboeva M. Pedagogik texnologiya: nazariya va amaliyot. T. 2005.
2. O‘zbekiston Respublikasi Tasviriy oyina ijodiy uyushmasi “Inson manfaatlari hamma narsadan ustun”. T. 2017.
3. www.aim.uz , www.ziyoNet.com , www.ziyouz.com.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО ҲОЛАТЛАРИ

Ш.Турғунов – магистрант

Андижон давлат университети

Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланиши инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг мавжудлигига, яъни билим ва кўникмаларни сингдириш орқали инсон ҳуқуқлари умумжаҳон маданиятини яратиш ва позицияни шакллантириш учун амалга ошириладиган ҳамда:

- инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига бўлган ҳурматни мустаҳкамлашга, инсон шахсини ва инсоний қадр-қиммат туйғусини ҳар томонлама ривожлантиришга;

- барча миллатлар, туб халқлар ва ирқий, миллий, этник, диний ҳамда тил гуруҳлари ўртасида ҳамжихатлик, бағрикенглик, жинслар тенглиги ва дўстликка кўмаклашишга;

- барча кишилар учун эркин жамият ҳаётида самарали иштирок этиш имкониятларини таъминлашга;

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлашга йўналтирилган барча тадбирларига кўмаклашишга қаратилган ўқитиш, ёйиш ва хабардор қилиш бўйича ҳаракатларга боғлиқ.

Ушбу таъриф Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллигига бағишланган Ҳаракат режасида ифодаланган эди.

Вена Декларацияси ва Ҳаракат режасининг 33-бандида: “Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа халқаро ҳужжатларга мувофиқ давлатлар таълим тизими инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бўлган ҳурматни мустаҳкамлашга йўналтирилишини таъминлашга мужбурликларини тасдиқлайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масалани ўқув дастурларига киритиш муҳимлигини таъкидлайди ва давлатларни буни амалиётда рўёбга чиқаришга даъват этади”, деб таъкидланган [1.287].

БМТ Бош Ассамблеяси 1995 йил 1 январдан БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллигини эълон қилди [2.184] ва БМТ Бош Котиби томонидан қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим 10 йиллиги Ҳаракат режасини олқишлади.

Ушбу режа 10 бўлимни ўз ичига олган. “Меъёрий асос ва таъриф” деб номланган биринчи (I) бўлимда “инсон ҳуқуқлари бўйича таълим”га таъриф берилган. Кейинги (II) бўлим умумий раҳбарий тамойилларга бағишланган. Учинчи (III) бўлимда ўн йиллик мақсадлари ифодаланган, улар қуйидагилардан иборат:

а) мактаб ва ҳунар-техника, расмий ва норасмий таълимнинг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уни янада ривожлантиришнинг таъсирчан стратегияларини ишлаб чиқиш;

б) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим учун халқаро минтақавий, миллий ва маҳаллий даражаларда дастурлар ишлаб чиқиш ва салоҳиятни мустаҳкамлаш;

в) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўқув материалларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш;

г) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни рағбатлантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли ва имкониятларини мустаҳкамлаш;

д) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини глобал миқёсда имкон қадар кўп тилда ва саводхонлик даражаси турлича бўлган шахслар ҳамда ногиронлар учун тушунарли бўлган бошқа шаклларда ёйиш.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим олиш ҳуқуқи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг “Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак” деб эълон қилинган 26-моддаси 2-бандидан, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддасидан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 29-моддасидан, Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг 7-моддасидан, Вена Декларациясининг 33- ва 34-бандлари ва Ҳаракат дастурининг 78-82-бандларидан келиб чиқади [3.287-289].

Шунингдек, таълим барчага эркин жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишига имкон яратиши, барча ирқий, этник ва диний гуруҳлар ўртасидаги дўстликка, хайрихоҳликка ва сабр-тоқатли бўлишга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги ишига кўмаклашиши лозим, деган фикрга келади.

2. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун қуйидаги ишларни амалда бажариш кераклиги эътироф этилади:

“а) бошланғич таълим ҳамма учун мажбурий ва текин бўлиши керак;

б) ўрта таълимнинг барча шакллари, жумладан, ҳунар-техника ўрта таълими очиқ бўлиши ва барча зарур чоралар кўрилиб, хусусан, аста-секин пулсиз таълим олишни жорий этиш йўли билан барчанинг имкони етадиган даражага эришилиши лозим;

в) ҳар бир инсоннинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда барча зарурий чораларни кўриш, хусусан, аста-секин бепул таълим олишни жорий этиш йўли билан олий таълим олиш ҳамма учун имкон етадиган даражада бўлишига эришиш керак;

г) оддий таълим, бошланғич таълимнинг тўлиқ курсини ўтмаган ёки тугалламаган кишилар учун таълим имкон бориша рағбатлантирилиши ёки жадаллаштирилиши лозим;

д) барча даражадаги мактаблар тармоқлари фаол ривожлантирилиши, стипендияларнинг қониқарли тизими белгиланиши ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволи доимий равишда яхшиланиб бориши керак...”.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 29-моддасида боланинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи эътироф этилар экан, унда шундай дейилади: “...давлатлар болага таълим бериш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозимлигига розилик билдирадилар:

а) боланинг шахси, истеъдоди, ақлий ва жисмоний қобилиятлари энг тўла ҳажмда ривожланиши;

б) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган тамойилларга хос ҳурматни тарбиялаш;

в) боланинг ота-онага, унинг маданий ўзига хослиги, тили ва қадриятларига, бола яшаётган мамлакатнинг, у дунёга келган мамлакатнинг

миллий қадриятларига, ўзиникидан фарқ қиладиган маданий тараққиёт даражасига ҳурмат билан қарашини тарбиялаш;

г) болани эркин жамиятда, тинчлик, сабр-тоқатли бўлиш, эркаклар ва аёлларнинг тенглиги ҳамда барча халқлар, этник, миллий ва диний гуруҳлар, шунингдек, туб аҳоли орасидан бўлган шахслар ўртасидаги дўстлик руҳида тайёрлаш;

е) атроф - табиатга ҳурматни тарбиялаш.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг 10 - моддасида эса, хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқи кўйидагича белгилаб қўйилган: "... давлатлар хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш, аёлларнинг эркаклар ва аёллар тенглиги асосида таълим олиши соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқларини таъминлаш учун барча зарурий чораларни кўрадилар. Жумладан, кўйидагиларни таъминлайдилар:

а) шаҳар, туманлар сингари қишлоқ жойларда ҳам барча тоифадаги ўқув юртларида билимдан баҳраманд бўлиш ва диплом олиш, касб-кор ёки мутахассисликни танлашда бир хил шароитларни яратиш. Бундай тенглик мактабгача тарбия, умумтаълим, ўрта махсус ва олий техник маълумот олишда, шунингдек, касбга тайёрлашнинг барча турларида таъминланади;

б) бир хил ўқув дастурларига, бир хил имтиҳонларга, бир хил малакали ўқитувчилар таркибига, тенг сифатли мактаб хоналари ва жиҳозларига эга бўлиш;

в) барча таълим олиш босқичлари ва шаклларида эркак ва хотин-қизлар ролининг биргаликда ва бошқа хилдаги таълим олиш йўли орқали ҳар қандай бир қолипдаги концепциясини бартараф этиш ва шу асосда, жумладан, ўқув кўлланмалари ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўқитиш услубларини мослаштириш йўли билан шу мақсадга эришиш;

г) таълим учун стипендия ва бошқа нафақалар олиш имкониятларининг бир хиллиги;

д) эркактлар ва аёллар билимидаги ҳар қандай узилишни мумкин қадар тезлик билан қисқартиришга йўналтирилган функционал саводхонлик дастури ва катта ёшдагилар орасидаги саводхонликни оммалаштириш дастурларини назарда тутиб, таълим олишни давом эттириш дастуридан фойдаланиш имкониятларининг бир хиллиги;

е) мактабни тугатмаётган қизлар сонини камайтириш ва мактабни барвақт тарк этган аёллар ва қизлар учун алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш;

ё) жисмоний тайёргарлик ва спорт машғулотларида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар яратиш;

ж) оилалар соғломлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим соҳасига бағишланган махсус ахборотларга, шу жумладан, оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш тўғрисидаги ахборот ва йўл-йўриқ маълумотларига эга бўлиш.

Юқорида биз кўриб ўтган халқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидаларида инсон ҳуқуқлари маданияти тўғрисида тўғридан-тўғри айтиб ўтилмаган. Аммо, жамият тегишли қатламларининг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини эътироф этиш ҳамда бу ҳуқуқларни таъминлаб беришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш орқали инсонлардаги ҳуқуқий маданиятни кўтариш масаласи қўйилган. Чунки, бу ҳужжатларнинг нормаларида халқаро ҳуқуқий кадриятлар ўз аксини топган. Халқаро ҳуқуқий кадриятлар – бутун дунё халқлари учун муқаддас ҳисобланган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, ер юзи аҳолисининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида яратилган халқаро ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалардир. Халқаро ҳуқуқий кадриятлар башарият манфаатларини ўзида акс эттириши, фаолият доирасининг кенглиги билан алоҳида аҳамият касб этади .

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим, умуман таълим олишга бўлган ҳуқуқ ва унинг халқаро ҳуқуқий асослари тўғрисида фикр юритилганда, БМТнинг ихтисослашган ташкилоти сифатида ЮНЕСКО ташкилоти ва унинг

доирасида қабул қилинган ҳужжатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, ЮНЕСКОнинг асосий вазифаси - адолат, қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни таъминлаш йўлида халқларнинг кенг ҳамкорлигини ривожлантиришга асосланиб, инсонлар онгига тинчлик ғоялари ва умуминсоний кадриятларни сингдириш ҳисобланади. Унинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни, унинг фаолияти асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

биринчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тинчликни ўрнатиш;

иккинчидан, билимларни тарқатиш, ахборот алмашиш ва одамлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари;

учинчидан, инсон ва жамиятнинг ривожланиши;

тўртинчидан, инсон ва табиат ўртасида мувозанат ва уйғунлик.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқлари маданиятининг халқаро ҳуқуқий асослари тўғрисида фикр юритилганда, фақатгина инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини ўзида мужассам этган яхлит халқаро ҳуқуқий ҳужжатни топиш мумкин эмас экан, инсон ҳуқуқлари маданиятининг халқаро ҳуқуқий асосларини инсоннинг таълим олиши ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан қидириш лозим. Зеро, инсон ҳуқуқлари бўйича таълимсиз инсон ҳуқуқлари маданиятига эришиб бўлмайди.

АДАБИЁТ

1. Саидов А.Х., Бакаева Ф.Х., Арсланова К.Ш. ва бошқ. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими / муаллифлар жамоаси. –Т.: O'zbekiston, 2010. Б.287-289
2. БМТ ҳужжатлари, А/RES/49/184-резолуцияси.
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами. Масъул

муҳаррир Саидов А.Х. Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ,
2004.

СУФФИКСЛИ ЛЕКСЕМАЛАР ТАРЖИМАСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**М.А.Абдувалиев - ф.ф.н., доцент,
Б.Ў.Убайдуллаева - магистрант**

Андижон давлат университети

“Суффикслар аксарият кўпчилик тилларга хос универсал морфемик бирликлар бўлиб, уларни вазифасига кўра икки катта гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Суффикслар содда, қўшма ва бир неча сўзли лексемалар таркибида келиб, янги сўз яратиш ёки сўзнинг грамматик шакллари (келишик, замон, даража кабилар)ни ҳосил қилиш вазифасини бажариб келадилар”[1.128].

Тадқиқот объекти бўлмиш сўз яратувчи (word creating suffixes) суффиксларнинг у ёки бу сўз туркумини яратишдаги вазифа ва улушига кўра от, сифат, феъл, равиш, сон ясовчи ёки бирдан ортик сўз туркумларини яратиш вазифасига эга суффиксларга ажратамиз. Бундай бирдан ортик вазифали суффиксларни полифункционал суффикслар деб атаймиз. Улар сўз туркумлари кесимида турли маъноларни ифода этадилар. Бу тоифа кўп маъноли суффиксларни эса полисемантик суффикслар деб атаймиз. Сўз яратувчи суффикслар сўзнинг лексик маъносига тааллуқли бўлса, форма ясовчи суффикслар сўзларнинг грамматик маънолари билан боғлиқ бўлади.

“Суффиксли лексемалар объектив борлиқдаги нарса, предмет, иш – ҳаракат, уни амалга оширувчи шахс, ҳолат, мавқе, белги, хусусият, фаолиятнинг рўй бериш тарзи, йўналиши каби қатор маъноларни ифода этиб келадилар” [3.22].

Бу жараёнда суффикслар денотатив маънони ифода этиш мақомига эга бўлмасалар-да, улар денотатив маъноларни фарқлашга, аниқлаштиришга хизмат қиладилар. У ёки бу суффиксли лексеманинг умумий маъно(лари) си сўз асоси маъноси билан боғлиқ бўлади. Лекин бу маъно суффикс ифода этувчи маъно билан ҳам алоқада бўлади. Полифункционал ва полисемантик суффикслар маъно(лари)си контекст (куршов) ҳамда нутқ услуби ёрдамида аниқлашади. Сўз ясовчи суффиксларнинг маъно фарқлаш хусусиятлари имкониятларини инглиз ва ўзбек тиллари мисолида тадқиқ этиш орқали қуйидагиларни аниқладик:

От ясовчи суффикслар	Маъно шакллантирувчи хусусиятлари	Мисоллар
- асу - су	ҳолат ёки сифат	literacy – the state of being educated infancy – the state of being a baby or young child
- an	маълум касб ёки хунарга эга шахс	artisan – a tradesman, a craftsperson
- dom	жой ёки ҳолат	kingdom – the territory that king or queen reigns
- er - or	у ёки бу фаолиятни бажарувчи, амалга оширувчи шахс, бирор ёрлик, иш қуроли ёки аппарат	a baker – a person who bakes a Londoner – a person who lives in london, an accumulator – an apparatus that gathers power
- ful	бирон нарсани тўлдирувчи миқдор ёки ҳажм	mouthful – an amount that fills the mouth
Сифат ясовчи суффикслар	Маъно шакллантирувчи хусусиятлари	Мисоллар
- ible	бирон бир фаолиятни амалга	solvable – able to be solved

- able	оширса бўладиган, арзийдиган	incredible – not able to be believed
- en	ясалган, тайёрланган буюм	silken – made from silk woollen – made from wool
- less	бирон бир хусусият, нарсага эга бўлмаган	penniless – a person without any money
Феъл ясовчи суффикслар	Маъно шакллантирувчи хусусиятлари	Мисоллар
- en	сифат ўзгаришига сабаб бўлмоқ	to widen – to cause to become wide (large) to moisten – to cause to become moist or damp
Равиш ясовчи суффикслар	Маъно шакллантирувчи хусусиятлари	Мисоллар
ob'ektiv borliqqa munosabati va so'zlovchining gap mazmuniga bo'lgan munosabati tushuniladi [1.145]. Modallik kategoriyasiga gap modalligini ta'minlashga xizmat qiladigan xilma-xil vositalar kiritiladi. V.Z.Panfilov ta'kidlaganidek, juda ko'p mualliflar tomonidan modallik kategoriyasi sostaviga o'z mohiyati jihatidan FUNKSIONAL vazifasi, til tuzilishiga mansubligi jihatidan, xilma-xil bo'lgan ma'nolar kiritiladiki, natijada bu kategoriya ma'lum aniqlikdan mahrum bo'ladi [2.3]. Bu esa xatto modallikning alohida til kategoriyasi sifatida mavjudligini ham shubha ostiga qo'ydi. Jumladan, I.P.Raspapov modallik haqida fikr yuritib, sof grammatik ma'nodagi kategoriya sifatida hech qanday modallik kategoriyasi mavjud emas, deydi. Uning fikricha, modallik kategoriyasi haqida emas, balki gapning modal sifati haqida gapirish maqsadga muvofiq bo'ladi. [3.10]. T.P.Lomtev ham bu kategoriyaga nisbatan xuddi shunga o'xshash fikr bildiradi. Uning fikricha, modal xarakteridagi grammatik kategoriya "bir grammatik kategoriyani emas", balki bir sistemani tashkil etadi [4.91]. Modallik haqidagi bunday fikrlar tasodifiy emas, albatta. Modallikning an'anaviy tadqiqiga ko'ra, darhaqiqat, uni ta'riflash juda qiyin. Modallik ma'nosi til sistemasining turli sathlarida kuzatiladi. Modallikni ifodalovchi vositalar ham rang-barangdir. Tilshunoslikda bu vositalarni aniqlashning yagona metodikasi bo'lmaganligi tufayli, modallikni ifodalovchi vositalar turli tillar materiallari asosida turlicha ajratilmoqda. Jumladan, N.Yu.Shvedovanning fikricha, modallik vositalariga mayl, gapning alohida konstruksiyalari, intonatsiya, so'z tarkibi, takror, yuklama, undov, kirish (modal) so'zlar va gaplar mansubdir.

Turkiy tillar materiallari asosida, asosan, quyidagi modallik vositalari ko'rsatiladi: mayl, zamon va shaxs-son qo'shimchalari gapning alohida qurilmalari, yuklamalar, so'z tartibi, intonatsiya, yuklama vazifasidagi so'roq olmoshlari, undalmalar, kirish so'z va gaplar. Ko'rinib turibdiki, bu kategoriya ostida xilma-xil vositalar: morfologik (mayl, zamon, shaxs affikslari), leksik (so'zlarning turli guruhlari), sintaktik (alohida gap qurilmalari, so'z tartibi, takror va fonetik vositalar, ya'ni intonatsiyalar) kiritiladi. Bir kategoriya ostiga bunday

xilma-xil vositalarning birlashtirilishi tilshunoslar o'rtasida, tabiiy ravishda, ayrim e'tirozlarning tug'ilishiga sabab bo'ldi. Shuning uchun ham bu vositalarni birlashtiradigan bir umumiy belgi topishga harakat qilindi. Bu vositalarning hammasi o'z funksiyasini gap ichida (gap sathida) ko'rsatadi. Ana shu belgi, sintaktik belgisi yuqoridagi vositalarni birlashtirishga ma'lum darajada asos bo'ldi. Shunga ko'ra modallik vositalarini ham: 1) konstruktiv-sintaktik; 2) morfologik-sintaktik; 3) intonatsion-sintaktik guruhlarga ajratish mumkin. [5.17-20]. Barcha modal ma'nodagi vositalarga sintaktik maqom berilishi bu vositalarning tuzilishi umumiylikni ko'rsatish uchun asos bo'ladigandek tuyuladi. Ammo ma'lum bir o'rinda birlashtirishga asos bo'lgan bu sintaktik belgisi modal vositalar farqlanishida o'z quvvatini yo'qotadi. Shuning uchun ham R.G.Sibagatov modallik kategoriyasini belgilashda turli sathlilik kategoriyasiga asoslanishi lozimligini ko'rsatadi. Darhaqiqat, tilshunoslikda turli sathlilik kategoriyasi mavjud bo'lib, bu kategoriyani turli sathga oid birliklarning bir umumiy tushuncha atrofida birlashish hosil qiladi. Turli sathlilik kategoriyasining mazmuni – bu butun bir semantik soha bo'lib, bir-biridan farq qiluvchi va shu bilan birga bir tushuncha ostiga birlashgan grammatik va leksik kategoriyalarni o'z ichiga oladi [6.5]. Shu nuqtai nazardan, modallik kategoriyasi planiga ko'ra, haqiqatan ham, turli sathlilik kategoriyasiga mansubdir. Turli sathga oid birliklar bir tushuncha - modallik tushunchasi ostiga birlashadi. Demak, modallik kategoriyasi til kategoriyasi sifatida ob'ektiv mavjuddir. Modallikning umumiy ta'rifiga tilshunoslikda ma'no plani nuqtai nazaridan yondashiladi, ya'ni munosabat belgisi e'tiborga olinadi. Ammo V.Z.Panfilov ta'kidlaganidek, tilshunoslikda bu kategoriyaning mohiyati, uning fikr modalligi munosabati, gap modalligining tiplari, modallikning predikativlikka munosabati bilan bog'liq bo'lgan eng muhim masalalar bo'yicha bir xillik yo'q [7.183].

Gapning nominativ aspekti tarafdorlari gapni ikki qismga diktum va modusga ajratadilar.^[20/44] Diktum – bu sintaktik qurilma ifodalaydigan ob'ektiv mazmun, ya'ni propozitsiyadir. Ma'lum sintaktik qurilmaning gap bo'lib

shakllanishi uchun faqat diktumni (propozitsiyani) ifodalashgina yetarli bo'lmaydi. Sh.Ballining fikricha, modus qo'shilgandagina gapga aylanadi. Demak, modus gapning eng muhim qismidir, usiz gap shakllana olmaydi, chunki modallikni aks ettira olmaydi. U jumlaning diktumdan boshqa barcha xususiyatlarini modusga kiritadi. Shuning uchun ham Fillmor jumla formulasini $C = M + P$ (C - jumla, M - modallik, P - propozitsiya) – (diktum) tarzida ko'rsatadi.^[20/44] Bunday tushunishda kommunikatsiyaning turlari hisoblangan darak, so'roq, buyruq ma'nolari, emotsional ma'nolar, sub'ektiv – modal ma'nolar va boshqalar modus hisoblanadi. Modallik V.Vinogradovning 1950-yilda e'lon qilingan "O kategorii modalnosti i modalnix slova v ruskom yazike" maqolasida ham shunday keng talqin qilindi va uning bu konsepsiyasi sovet tilshunosligidagi modallik muammosi yuzasidan qilingan keyingi tadqiqotlarga ham juda katta ta'sir ko'rsatdi. V.Vinogradov va uning izdoshlari tomonidan modallik ostida:

- 1) kommunikativ ma'no turlari: darak, so'roq, buyruq ma'nolari bo'yicha farqlanadigan gap turlari;
- 2) tasdiq va inkor bo'yicha farqlanadigan gap turlari;
- 3) gap mazmuniga so'zlovchining hissiy munosabati va boshqa bir qator ma'nolar birlashtiriladi.

T.B.Alisova va Sh.Ballining diktum va modus haqidagi fikrini davom ettirib, modallik haqida shunday deydi: "har qanday jumlaning predikativ tabiati ikki sathdan iborat bo'ladi: birinchisi denotat (diktum)ning sub'ekt – predikat munosabatini aks ettirsa, ikkinchisi bu munosabatga so'zlovchining munosabatini ifodalaydi". G.A.Zolotova uchinchi tip modal munosabatni - harakat va uning agensi o'rtasidagi munosabatni ajratadi. Birinchi tip munosabat (ob'ektiv modallik) – bu jumla mazmunining borliqqa reallik- noreallik, muvofiq kelish yoki muvofiq kelmaslik nuqtai nazaridan munosabatdir. Ob'ektiv modallik gapning sintaktik bo'linish sathida o'z ifodasini topadi. Uning shakliy ko'rsatkichlari:

- 1) fe'l mayllari (shart - istak, buyruq, shartli, ijro) va boshqalar;
- 2) maxsus modal fe'llar: xohlamoq, istamoq va boshqalar;

3) leksik vositalar: kerak, lozim, darkor, majbur, zarur va boshqalar.

Ob'ektiv modallik, o'z navbatida, turli ma'nolarni o'z ichiga oladi:

1. Gapda ifodalangan mazmunning borliqqa munosabati. Bu fe'l mayllari va ohang (nominativ so'z-gaplarda) orqali ifodalanadi va gap mazmunining real(noreal) ekanini farqlaydi.

2. Sub'ektning "o'z" harakatiga munosabati. Bu modallik to'rt kichik kategoriyani birlashtiradi:

a) aniqlik. N I ko'rsatkich bilan karakterlanadi;

b) mumkinlik, imkoniyati borlik. Olmoq, bo'lmoq kabi ko'makchi fe'llar bilan ifodalanadi.

c) zarurlik, darkorlik, majburlik. Modallikning bu ma'nosi kerak, lozim, darkor, zarur singari so'zlar orqali ifodalanadi.

d) xohish-istak. Bu ma'no maxsus modal fe'llar (xohlamoq, istamoq va boshqalar) orqali ifodalanadi.

Yuqorida sanab o'tilgan barcha modallik turlari ob'ektiv modallikka mansub bo'lib, diktumga oiddir.

Ikkinchi tip munosabat (sub'ektiv modallik) – bu so'zlovchining jumla mazmuniga ishonch, gumon, aniqlik-noaniqlik, rozilik kabi munosabatlaridir. Sub'ektiv modallik gapda ifodalangan mazmunga so'zlovchining munosabatini ifodalaydi va modusga kiradi. Sub'ektiv modallik kirish so'z vazifasida kelgan maxsus modal so'z yoki modal vazifasidagi boshqa so'zlar yordamida ifodalanadi. Sub'ektiv modallik orqali, o'z navbatida, so'zlovchining o'z fikriga turli munosabatlari namoyon bo'ladi: ishonch (albatta, kelaman), tasdiq (to'g'ri, kelaman), gumon (ehtimol, kelarman), achinish (afsus, kelaman) va boshqalar.

Uchinchi tip modallik esa mumkinlik, istak, zarurlik kabi ma'nolarni o'z ichiga oladi. Birinchi tip modallikning asosiy ifoda vositasi mayl kategoriyasi, ikkinchi tipniki - kirish (modal) so'zlar, uchinchi tipniki esa - kesimga (predikatga) qo'shiladigan holat kategoriyasi (Shcherba) hisoblanadi. Birinchi tip modallik gapning zaruriy belgisi, modallikning qolgan tiplari esa gapning fakultativ belgisi

ekanligi ko'rsatiladi. Shunday qilib, modallikning mazmun plani ham bir umumiy belgining yo'qligi uning ichki butunligiga putur yetkazadi. Modallik kategoriyasining yuqoridagi tiplarini ajratishda eng muhim narsa - sub'ektiv tomonga kam e'tibor qaratiladi. Xuddi shu sub'ektiv tomon birlashtiruvchi belgi vazifasini o'tashi mumkin. R.G.Sibagatov modallik, birinchi navbatda, so'zlovchining reallikka bo'lgan munosabatining aks etishidir, deb to'g'ri ta'kidlaydi. Uning fikricha, modallikning mazmun plani uchun so'zlovchi munosabatini birlashtiruvchi belgi sifatida asos qilib olish kategoriya butunligini saqlaydi. Modallikning munosabat ifodalashini hamma e'tirof etadi. Munosabat esa shu munosabatga kirishuvchi ma'lum elementlarning bo'lishini taqozo etadi. Tilshunoslikda o'zaro munosabatda bo'lgan elementlar masalasi o'zining aniq talqinini topgan emas. Shuning uchun munosabatning o'zi ham shu kunga qadar noaniq bo'lib keldi. Gapni gap qilib turgan eng asosiy belgi nima, degan savolga ham ba'zilar modallik deb javob beradilar.

Modallik va predikativlik haqida gap ketganda, ba'zan modallikni predikativlikka nisbatan juda keng tushuncha ekanligi, ba'zan esa modallik predikativlikning uzviy bir qismi ekanligi ta'kidlanadi. V.Vinogradov bir o'rinda predikativlik bilan modallikni tenglashtirib, "... predikativlik kategoriyasining to'g'ri, doimiy va bevosita ifodalanishi gap modalligidir" - deydi, ikkinchi o'rinda modallikni predikativlikni bir komponenti sifatida qaraydi. N.E.Petrov modallik va predikativlikning ma'lum chegarasini belgilash uchun predikativlikni logik - sintaktik kategoriya sifatida til sathi birligi, modallikni esa kommunikativ-sintaktik kategoriya sifatida nutq sathi birligi sifatida qarash lozim, - deydi. Ammo bu bilan ularning farqi aniq ochilmaydi. Chunki modallikning bir turi til sathiga ham oiddir.

Semantik planda modallik kategoriyasi uchun birlashtiruvchi belgi vazifasini bajaruvchi sub'ektivlik (so'zlovchi nuqtai nazari) predikativlik kategoriyasi bilan modallik kategoriyasi o'rtasida farqlovchi belgi vazifasini o'tashi mumkin. Birinchidan, modallik predikativlikka nisbatan keng tushunchadir. Chunki

predikativlik faqat gap sathi uchun harakterli bo'lsa, modallik gap bo'lmagan qurilmalar (masalan, so'z birikmasi) uchun ham xosdir. Shuning uchun ham V.G.Admoni modallikni ikkiga - gapga xos bo'lgan modallik, so'z birikmasiga xos modallikka bo'ladi. Ikkinchidan, gap sathida qaralayotgan modallik predikativlikning tarkibiy elementidir. predikativlik gap orqali ifodalanayotgan axborotning ob'ektiv reallikka munosabatini umumiy tarzda bildirsa, modallik gap mazmunining so'zlovchi nuqtai nazaridan ob'ektiv borliqqa munosabatini yoki so'zlovchining gap mazmuniga munosabatini bildiradi. Har ikki tipdagi modallikda ham sub'ektivlik belgisi alohida o'rin tutadi.

ADABIYOT

1. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис, М. 1981. С. 145.
2. Панфилов В.З. Категория и ее роль в конституированные структуры предложение и суждения В Я, 1977. № 4. С. 3.
3. Распапов И.П. Заметки о синтактической модальности и модальной квалификации предложения. В кн. Синтаксис и интонация. Уфа. 1973. Вып. 2. С. 10.
4. Ломтев Т. П. Предложение и его грамматические категории. М., 1972.
5. Сибгатов Р.Г. Теория предикативности. Саратов. 1984. С. 17-20.
6. Бондарко А.В. Теория морфологических категорий. Л. Наука. 1976. С. 5.
7. Панфилов В.З. Взаимоотношение языка и мышления. М., 1971. С. 183.

KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK AHAMIYATI

**G.Tojiboeva - katta o`qituvchi,
M.H.Pushilova - 3-bosqich talabasi**

Andijon davlat universiteti

Tadbirkorlik jamiyatda ijtimoiy va iqtisodiy sohalardagi mavjud muammolarni hal qilishda va jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida katta rol o'ynaydi. U ishlab chiqarish, ish bajarish, xizmat ko'rsatish sohalarida yangi ish o'rinlari yaratib, aholini ish bilan ta'minlash va ishsizlikni kamaytirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Rivojlangan mamlakatlarda ham, O'zbekistonda ham har yili yaratilayotgan yangi ish o'rinlarining yarmidan ortig'i kichik va xususiy tadbirkorlikka to'g'ri keladi. Demak, tadbirkorlik aholining ish bilan bandligi, mehnat va iqtisodiy faolligining o'sishi va buning natijasida uning daromadlarining oshishiga katta hissa qo'shadi. Bu jarayonning ikki oqibatini e'tiborga olish lozim: [1.49-50].

Bir tomondan, aholining moddiy va ma'naviy ehtiyojlarining o'sishi, kengayishi bo'lsa, ikkinchi tomondan, ularni to'laroq qondirish imkoniyatlarining yaratilishidir. Bu pirovard natijada aholi hayotini yaxshilash, turmush darajasini ko'tarish, farovonligini oshirishni ta'minlaydi. Tadbirkorlikning rivojlanishi bilan uning mazkur sohadagi ro'li ortib boradi. Tadbirkorlarning ma'lum qismi oyoqqa turib, yanada rivojlanishi oqibatida ular mulkdorlarga aylanadilar. Bu esa jamiyatda yangicha fikrlaydigan, harakat qiladigan yangi avlod - tadbirkorlar, mulkdorlar tabaqasining shakllanishiga olib keladi. Bunday shaxslar davlatning ijtimoiy tayanchi va iqtisodiy taraqqiyot manbayi hisoblanadi.

Tadbirkorlik inson qobiliyatini ro'yobga chiqarishga yaxshi imkoniyatlar yaratadi va uni rag'batlantiradi. Shunday qilib, tadbirkorlik insonlarning o'zini o'zi anglashiga ko'maklashadi, dunyoqarashini kengaytiradi, o'zgartiradi, va natijada, jamiyatning ijtimoiy-madaniy darajasining o'sishiga olib keladi.

Tadbirkorlar qishloqlarda, mahallalarda ishlab chiqarish, savdo, umumiy ovqatlanish va boshqa xizmat ko'rsatish korxonalari barpo etib, qishloq infratuzilmasini rivojlantirib, qishloqlar, mahallalar qiyofasini o'zgartirib yuboradilar. Bundan tashqari, tadbirkorlik ijtimoiy sohaga keng kirib bormoqda: [3.70-73].

- xususiy va boshqa tashkiliy-huquqiy shakllarda bolalar bog'chalari, mehribonlik uylari, nogironlar uchun inventarlar ishlab chiqarish va ularga xizmatlar ko'rsatish, sog'liqni saqlash va sog'lomlashtirish, o'quv va boshqa ijtimoiy soha muassasalari tashkil etish va ularni rivojlantirish, uy-joylar qurish va ularni ta'mirlash, aholini ichimlik suvi va gaz bilan ta'minlash ishlari bilan bevosita shug'ullanib. ijtimoiy muammolarni yechishga katta hissa qo'shadi. Tadbirkorlik sub'yektlari xayriya ishlarida ham faol qatnashib, ijtimoiy soha muassasalari, nogironlar, kam ta'minlangan oilalar, ijtimoiy himoyaga muhtoj kishilarga yordam ko'rsatishda ham muhim o'rin egallaydi.

Tadbirkorlik sub'yektlari mahsulot (tovarlar, ishlar, xizmatlar) yaratib, mamlakat ichki bozorini to'ldiradilar. Natijada, bozorda taklif miqdor, sifat, assortiment jihatidan yaxshilanadi, xaridorlar uchun tanlash va talabni qondirish imkoniyatlari kengayadi. Bu borada tadbirkorlik muvofiqlashtirish vazifasini bajarish, talab bilan taklifni o'zaro muvofiqlashtirish, narxlarni barqarorlashtirish, bozorda muvozanat o'rnatish va uni ushlab turish, mavjud ehtiyojni kengaytirish va to'laroq qondirishga xizmat qiladi. Shuning bilan birga tadbirkorlik bozor iqtisodiyoti sharoitida raqobatning shakllanishi, rivojlanishida va mahsulot sifati va raqobatbardoshligini ko'tarish, ishlab chiqarish xarajatlari va mahsulot tannarxini pasaytirish, faoliyat samaradorligini oshirishda muhim ro'l o'ynaydi.

Mamlakatda importni qisqartirish va eksportni kengaytirishda tadbirkorlik sub'yektlarining ro'li ortib bormoqda. Ular bir tomondan, import o'rnini bosuvchi tovarlar ishlab chiqarib, valutaning tashqariga chiqib ketishini qisqartirish va mamlakat iqtisodiy-moliyaviy mustaqilligini mustahkamlash, ikkinchi tomondan

esa, eksportbop mahsulotlar chiqarish, ularni tashqi bozorlarda sotib, mamlakat eksport salohiyatini ko'tarish va valuta tushumlarini oshirishda ham salmoqli o'rin egallaydilar.

Xususiy tadbirkorlik sub'yektlari, fermer xo'jaliklari davlat buyurtmasini bajarishda ham ishtirok etadilar. Ma'lumki, O'zbekistonda davlat buyurtmasi bo'yicha paxta va g'alla yetishtirishda fermer xo'jaliklari yetakchilik qiladilar [4.32-34]. Bundan tashqari, kichik va o'rta korxonalar yirik korxonalarining ayrim buyurtmasini ham bajarib, ularni to'ldiradilar [3.80-82] .

Yirik korxonalar ommaviy mahsulotni katta miqdorda ishlab chiqarishga moslashganliklari tufayli asosiy mahsulotning ayrim detallari, ehtiyot qismlari, boshqa qo'shimcha narsalarni kichik seriyalarda ishlab chiqarish ular uchun ortiqcha tashvish hisoblanadi. Yirik korxonalar uchun shunday narsalarni o'zlari ishlab chiqargandan ko'ra, ularni boshqa korxonalardan olgan ma'qul. Shu boisdan ular o'zlarining ishlab chiqarishlari uchun kerakli ayrim narsalarni ishlab chiqarish va yetkazib berishni, asosan, kichik va o'rta korxonalar topshiradilar. Bu borada O'zbekistonda rivojlangan va qo'llab-quvvatlanayotgan kasanachilik ham muhim rol o'ynaydi. Shuning uchun kichik va o'rta korxonalar yirik korxonalar va umuman, iqtisodiyot tarmoqlarini o'zaro bog'lab, butun iqtisodiyotni yaxlit bir tizim darajasiga ko'tarishda katta ahamiyat kasb etadilar. Kichik, o'rta, xususiy tadbirkorlik sub'yektlarining ana shu vazifasi e'tiborga olinib, respublikada mahalliyashtirish dasturlarini amalga oshirishda ularga keng o'rin berilgan. Tadbirkorlikning yaratuvchilik vazifasi ham jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida muhim rol o'ynaydi. Uning bu vazifasi yangi qiymat va yangi bozorlar yaratish, yangi qiyofadagi inson-tadbirkorlar, mulkdorlarni shallantirishda namoyon bo'ladi. Tadbirkorlar mamlakatda milliy mahsulot yaratadilar va milliy boylikni ko'paytiradilar. Rivojlangan mamlakatlarda ishlab chiqariladigan yalpi ichki mahsulotning qariyb yarmi, ayrim mamlakatlarda esa undan ham ko'prog'i kichik biznesga to'g'ri keladi. O'zbekistonda yaratilayotgan yalpi ichki mahsulotda

kichik va o'rta tadbirkorlik sub`yektlarining hissasi hozirgi kunda 54 foizdan oshdi va u yildan-yilga o'sib bormoqda [2.48-50].

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, tadbirkorlik ishlab chiqarishni qayta qurish, ishlab chiqarish omillari (mehnat, mehnat qurollari, mehnat predmetlari)ni yangicha uyg'unlikda birlashtirish va tashkil etish, ishlab chiqaruvchi kuchlar bilan ishlab chiqarish munosabatlarini samaraliroq muvofiqlashtirish orqali ishlab chiqarishni sifat jihatidan yangi, yuqori bosqichga ko'tarishga katta hissa qo'shadi. Bu esa ishlab chiqarishni amalga oshirish va rivojlantirish uchun yangi, qo'shimcha imkoniyatlar yaratadi, ularni ro'yobga chiqarish esa mavjud quvvatlarning unumdorligini oshirishni, qo'shimcha mahsulot ishlab chiqarish va samaradorlikning o'sishini ta'minlaydi.

Tadbirkorlik nafaqat shaxsiy daromad manbasi, balki davlat uchun ham salmoqli daromad manbasi bo'lib xizmat qiladi. Davlat budjeti tushumlarining anchagina qismi tadbirkorlik sektoriga to'g'ri keladi.

ADABIYOT

1. Karimov I.A. O'zbekiston demokratik taraqqiyotning yangi bosqichida T.: O'zbekiston. 2005. B. 49-50.
2. Asobirov M. O'zbekistonda tadbirkorlikni rivojlantirish muammolari. T.: Fan. 2004. B. 48-50.
3. Qosimova M.S., Xodiev B.Yu., Samadov A.N., Muhitdinova U.S. Kichik biznesni boshqarish. O'quv qo'llanma. T.: O'qituvchi. 2003. B. 70-73, 80-82.
4. Ivanov P.I., Zufarova M.E. Umumiy Psixologiya. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. T.: 2015. B. 32-34.

MAMLAKATIMIZ RIVOJLANISHIDA IQTISODIY PSIXOLOGIYANING TADQIQOT ASPEKTLARI

**B.A.Obidqoriyeva- biologiya yo`nalishi 1-bosqich talabasi,
G.Q.Abduhalimova- psixologiya yo`nalishi 3-bosqich talabasi**

Andijon davlat universiteti

Mustaqil O`zbekiston rivojlanib borayotgan bir paytda Respublikamizning Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ilgari surilgan muammolardan biri yoshlarni murakkab bozor munosabatlariga tayyorlash, yangicha shakllarining barqarorlashishi jarayoniga yangicha avlodni psixologik nuqtai nazardan tayyorlashni nazarda tutadi.

Bu va boshqa hayot taqozosi bilan ijtimoiy takror ishlab chiqarishning ishlab chiqarish, taqsimlash, ayirboshlash va iste`mol fazalarida faoliyat ko`rsatuvchi, ish yurituvchi sub`yektlar faoliyatini takomillashtirish, samaradorligini oshirishga taalluqli bo`lgan qator dolzarb muammolarni yuzaga keltirdiki, ularga quyidagilar kiradi:

- iqtisodiy tarkibiy tizimlari va bo`g`inlarida (korxonalar, tashkilot va muassasalarda) odamlarni guruh va jamoalarga birlashtirishga aloqador muammolar. Bunda samaradorlik nuqtai nazaridan odamlar soni masalasi muhim bo`lib, hozirda mavjud jamoalarda xodimlar soni 5-6 dan tortib 100 va undan ortiq kishilar guruhi bo`lib, bu borada aniq bir tavsiyalar ishlab chiqish masalasi izlanuvchilar oldida turgan vazifalarni anglashni qiyinlashtiradi. Demak, ishlab chiqarish va sanoatning o`ziga xosligini inobatga olgan holda, odamlarning birlashib, jamoa bo`lib ishlashida ularni guruhlashtirishning eng maqbul shartlari qandayligini o`rganish, ishlab chiqarish munosabatlarini takomillashtirish "kalit"ini topishga yordam beradi. Lekin shuni nazarda tutish lozimki, har xil guruhlarda taqqoslash yo`li bilan izlanishlar olib borish va birining natijasini ikkinchisiga yoyish mumkin emasligini yoddan chiqarmaslik kerak. Shaxsga individual yondashgan singari, har bir ishlab chiqarish bo`g`inining o`ziga xos

tabiati va shart-sharoitini hisobga olgan holda boshqaruv ishlarini tashkil etish kerak [1.197-199] ;

-Birlamchi ishlab chiqarish guruhlaridagi rahbarlar ijtimoiy-psixologik mavqenining turlicha ekanligi, ya`ni smena ustasidan tortib, korxonaning rahbarigacha bo`lgan boshqaruv tizimi o`rganiladigan bo`lsa, ularning haq-huquqlari, imkoniyatlari, lavozimidan kelib chiqadigan huquqlari va burchlari har xil bo`lgani uchun ham, ularning real jamoa va guruhlardagi mavqelari, ta`sir kuchlari har xil bo`ladi. Bu narsa rahbarlarga turlicha talablar tizimini ishlab chiqishni taqozo etadi;

- Ko`p hollarda birlamchi ishlab chiqarish guruhlarida bittadan ortiq rahbar bo`lib qoladi. Masalan, smena muhandisi va sex boshlig`i. Agar ularning rahbarlik usullari turlicha bo`lsa, bu ham muhim ijtimoiy-psixologik omil sifatida korxonada va ishlab chiqarishning samarasiga o`zining ta`sirini o`tkazadi;

- Hozir bozor sharoitida ishlab chiqarishni tashkil qilish va xo`jalik yuritishning turlicha shakllari, turli jamiyatlar (hissadorlik, jamoa, davlat xo`jaligi, xususiy mulkchilik yakka tadbirkorlik va boshqalar) shaklida ish yurutayotganligi, har turli korxonalarni boshqarishni takomillashtirish maqsadida, ulardagi psixologik muhitni mo`tadillashtirish va ijtimoiy faoliyatni takomillashtirishning o`ziga xos psixologik mexanizmlarini o`z o`rnida o`rganishni talab qilmoqda;

-Ayni bozor talablaridan kelib chiqqan holda iqtisodiyotni takomillashtirish, ishlab chiqarishni boshqarishni muofiqlashtiruvchi xizmatlar tizimi, xususan, marketing xizmati, amaliy psixologik xizmatni joylarda keng ko`lamda joriy etish, bunga malakali mutaxassislarni jalb etish, ma`rifiy ishlar, tashkiliy tadbirlarning samaradorligining oshirish borasida keng qamrovli ilmiy-amaliy ishlarni yo`lga qo`yishni taqozo etadi.

Mutaxassislarni bo`lg`usi kasb-korga psixologik jihatdan tayyorlash, rahbarlar va rahbar zaxirasini o`qitish muammoni yechishning bir tomoni bo`lsa, uning muhim ikkinchi tomoni- korxonada va tashkilotlarda ijtimoiy xizmatni ta`minlovchi

psixolog va sotsiolog kadrlarni tayyorlash va bu boradagi jamiyat ehtiyojini qondirishdir [2. 592].

Hozirgacha iqtisodiyot, ishlab chiqarish va tadbirkorlikka aloqador yo`nalishda o`tkazilgan psixologik tatqiqotlar sanoat birlashmalaridagi alohida ishlab chiqarish guruhlaridagi ijtimoiy-psixologik muhitni o`rganishga qaratilgan bo`lib, ularda ishlab chiqarishning samaradorligi, ishchilarning ishni idrok qilishlari hamda ularning kasb va lavozimlariga aloqador kutishlari kabi jarayonlar o`rganilgan. Ko`plab tatqiqotlarda jamoadagi psixologik muhitga rasmiy va norasmiy rahbarlik-liderlikning ta`siri, liderlik sifatlarining shaklanishi, faoliyat va o`zaro munosabatlarda namoyon bo`lishi shartlari ancha mukammal o`rganilgan. Lekin oxirgi paytlarda jamiyatda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohatlarning ayni ishchi xodimlar, rahbarlar, tadbirkorlar, umuman mehnat kishisi tomonidan idrok qilinishi, yangicha iqtisodiy shart-sharoitlarga odamlarning moslashuvi- ijtimoiy adaptatsiya jarayonlari, mulkchilar guruhi, umuman mulkchilik psixologiyasining bizning sharoitimizda shakllanishi xususiyatlari bo`yicha maxsus tatqiqotlar ko`lami kam. Shuning uchun ham ijtimoiy psixologlar hamda iqtisodchilar, menejment sohasidagi mutaxassislarning yaqin kelajakda o`tkazishlari lozim bo`lgan tatqiqot aspektlarini quyidagicha belgilash mumkin:

-Iqtisodiy psixologiya ham iqtisodiyot, ham psixologiya fanlari oralig`ida paydo bo`lgan bois, bu ikkala ilmiy yo`nalishlar kooperasiyasini muofiqlashtirilgan holda, O`zbekiston sharoitida eng dolzarb ilmiy tatqiqot yo`nalishlarini belgilab olish va maqsadli izlanishlar oli borish;

-Turli ishlab chiqarish jamoalari a`zolari o`rtasidagi vertical o`zaro munosabatlarning etnopsixologik hamda ijtimoiy-iqtisodiy xususiyatlarni o`rganish (rahbarlik, uning jamoa tomonidan idrok qilinishi-ijtimoiy persepsiya), har bir a`zoni boshqaruv va rahbarlik tizimidagi o`rni va ro`lini o`rganish, boshqaruv uslublarining samaradorligi va ulardan qoniqish masalalari, rahbar kadrlarlarni ishlab chiqarishning turli aspektlariga maqsadli psixologik tayyorlashning metodikasi va texnikasining omilkor usullarini amalda qo`llash,

ularni takomillashtirish, umuman, kattalarni o`qitishning bozor munosabatlariga mos keladigan ta`sir pedagogik texnologiyalarini ishlab chiqish va hokazo;

-Jamo'a a`zolari o`rtasidagi gorizontal o`zaro munosabatlar va ularning iqtisodiy ko`rsatkichlarga ta`sir, jamoaning uyushganligi, a`zolari o`rtasidagi psixologik moslik va konformizm hodisalari, ishlab chiqarish ziddiyatlari va ularni bashorat qilish, muofiqlashtirish, boshqarish va bartaraf qilishning psixologik omillarini hududiy shart-sharoitlarda o`rganish;

-Mehnat va ishlab chiqarish kategoriyalariga odamlarning munosabatlari, jamoalarda mehnatdan qoniqishning zaxiraviy shartlarini bilish, mehnatning unumdorligini ta`minlovchi barcha iqtisodiy, psixologik, gigiyenik normalari, mehnat motivlari masalalarini kompleks tarzda o`rganish va hokazo [3.236-239].

Xulosa o`rnida aytish joizki, iqtisodiy psixologik adaptatsiya masalasi ham yangicha bozor munosabatlari sharoitida paydo bo`lgan muammolardan bo`lib, u bevosita jamiyat a`zolarining turmush tarsi, turmush darajasi va moliyaviy nazorat sifatlari bilan bog`liqdir. Odamlarni o`zgaruvchan iqtisodiy barqarorlik sharoitlaridagi xulq-atvorlari, ularni nazorat qilish va stress holatlariga tayyorlash, inqirozdan chiqish yo`l-yo`riqlari haqida tasavvur tizimini shakillantirish, ayniqsa, korxonalar yoki tashkilotlar faoliyati barbod bo`lgan yoki ishchi-xodimlar soni keskin qisqartirilgan sharoitlarda odamlar bilan muomala qilish va ular manfaatini himoya qilish mexnizmlarini ilmiy asoslangan tarzda ishga solish ham o`ta dolzarb yo`nalishlaridan hisoblanadi.

ADABIYOT

1. Karimov I.A. O`zbekiston XXI asr bo`sag`asida. Xavsizlikka tahdid-barqarorlik shartlari. T.: 1997. B. 197-199.
2. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo`limizni qat`iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko`taramiz. T.: 2017. B. 592.
3. Alaverdov A.R. Upravleniye personalom. Ucheb. posobiye. M., 2007. B. 236-239.

ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ВА ТАЪЛИМ

**Г.Тожибоева - катта ўқитувчи,
Д.Анорбоева - Психология йўналиши 301-гуруҳ талабаси**

Андижон давлат университети

Давлатимиз бошлиғи томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ёшларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиши учун қаратилгандир. Президентимиз томонидан таъкидланганидек, келажак ёш авлод қўлида. Давлатимизнинг илдам қадамлар билан ривожланиши эса бугун ёш авлод олаётган таълим-тарбия билан узвий боғлиқдир.

Маълумки, ҳар бир ёш бошқаларда айнан такрорланмайдиган ижтимоий муҳитда, аниқ ижтимоий муносабатларда, яъни оила, жамоа ва жамиятда, одамлар орасида яшаб улғаяди, шаклланади. Муҳит, маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия учун шароитгина бўлиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтиради [3.24-25].

Одам муҳит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, балки фаол мавжудотга айланади. Шу боис ташқи ҳаёт шароити инсон психикасини белгиламайди, балки одамнинг муҳит билан бўлган ўзаро таъсири орқали, унинг муҳитдаги фаолияти орқали белгиланади. Психиканинг ривожланиши пировард натижада ташқи шароитларга, ташқи таъсиротларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишни бевосита ташқи шароитдан ва ташқи вазиятдан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳамisha одамнинг ҳаётий тажрибаси, унинг шахси, индивидуал психологик хусусиятлари ва психик қиёфаси орқали таъсир қилади [1.90-95].

Одам фаол мавжудот сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўзи-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиши мумкин. Лекин, бу жараён атроф-муҳитдан ажралган ҳолда эмас, балки муҳит

билан мослашган ҳолда ва муҳит билан ўзаро муносабатда содир бўлади [2.592].

Ўз-ўзидан маълумки, одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар ниҳоятда зарур. Инсон психик хусусиятлари меъёрида таркиб топиши учун муайян даражадаги биологик тузилиш, инсон мияси ва нерв системаси бўлиши шарт. Инсон нерв системасининг хусусиятлари шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди. Ҳеч бир меъёрдаги бола дадил ёки кўрқоқ, иродали ёки иродасиз, меҳнатсевар ёки ялқов, интизомли ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди. Агарда тарбия тўғри ташкил қилинса, характернинг барча ижтимоий қимматли хислатларини шакллантириш мумкин. Масалан, сабот-матонат ва ўз-ўзини тута билиш хислатини нерв системасининг типи шиддатли бўлган болаларда ҳам ёки нерв системасининг типи вазмин бўлган болаларда ҳам тарбиялаш мумкин ва тарбияласа бўлади. Бироқ, биринчи ҳолдаги болаларни тарбиялаш иккинчи ҳолдагиларни тарбиялашга қараганда қийинроқ бўлади [1].

Айрим болаларнинг қобилият куртакларида туғма индивидуал фарқлар мавжуд. Шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамлардан маълум бир фаолиятни эгаллаш имконияти жиҳатидан устун туришади. Баъзида эса аксинча, бирор-бир фаолият турини эгаллаш имконияти жиҳатидан улардан ортда қолишлари мумкин. Мана шу маънода олганда, одамлар ўз қобилиятларини баравар ривожлантириш имкониятига эга эмаслар. Гарчи табиий куртаклар ўқувчиларнинг психик ривожланиши учун маълум аҳамиятга эга бўлса ҳам, бу куртакларнинг ўзи психик тараққиётда ҳал қилувчи рол ўйнамайди. Бу борада немис психологи В.Штерн: таълим психик ривожланишнинг орқасидан боради ва унга мослашади, деган фикрни олға сурган эди. Бу фикрга қарама-қарши рус психологи

Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчилик роли бор, деган қоидани биринчи бўлиб илгари сурди ва уни: таълим ривожланишдан олдинда боради ва уни ўз орқасидан эргаштириб олиб боради, деб аниқ ифодалаб беради. Юқорида баён қилинган биринчи фикрга мувофиқ таълим фақат ривожланиш томонидан эришилган нарсалардан фойдаланади. Шунинг учун ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига аралашмаслик, унга халақит бермаслик, балки таълим учун имконият етилгунча чидам билан пассив кутиб туриш керак [4.25-26].

Таъкидлаш жоизки, таълим етакчи ролни бажаради, таълим ва ривожланиш эса ўзаро бир-бирига боғлиқдир; улар алоҳида содир бўладиган икки жараён бўлмай, балки бир бутун жараёндир. Таълимсиз тўла ақлий ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Таълим ривожланишга туртки бўлади, ривожланишни ўз ортидан эргаштириб боради. Зарур шароит туғилганда таълим мантиқий фикрлаш малакасини таркиб топтиради ва тегишли ақлий ривожланиш учун замин бўлади. Лекин, таълим ривожланишга туртки бўлиш билан бир вақтда ўзи ривожланишга таянади, эришилган ривожланиш даражасининг хусусиятларини, ривожланишнинг ички қоидаларини, албатта, инобатга олади. Таълимнинг имкониятлари жуда кенг бўлса-да, бироқ чексиз эмас. Боланинг психик ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар мураккаб ва турли-тумандир. Ривожланишнинг моҳиятини қарама-қаршилиқлар курашидан, ички зиддиятлар, боланинг психик ривожланишини бевосита ҳаракатга келтирувчи кучлар, таълим ва тарбия жараёнида юзага келадиган ҳамда бартараф қилинадиган эскилик ва янгилик ўртасидаги қарама-қаршилиқлардан иборатдир. Кўрсатилган барча зиддиятлар бирмунча юқори даражадаги психик фаолиятларни таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Натижада бола психик ривожланишнинг

янада юсакроқ босқичига кўтарилади. Эҳтиёж кондирилади - зиддият йўқолади. Бирок, кондирилган эҳтиёж, янги эҳтиёжни туғдиради. Бу зиддият бошқа бир зиддият билан алмашинади, тараққиёт давом этади [3].

Психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари бор бўлиб, бирок муҳит таъсирига нисбатан бу қонуниятлар иккиламчидир, чунки бу қонуниятларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳаёт шароитига, фаолиятга ва тарбияга боғлиқдир. Мана шундай умумий қонуниятларга биринчи навбатда психик ривожланишнинг нотекислиги киради. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай шароитда, ҳатто таълим ва тарбиянинг энг қулай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари, функциялари ва хусусиятлари ривожланишнинг битта даражасида тўхтаб турмайди. Боланинг айрим ёш давларида психиканинг у ёки бу йўналишларида ривожланиш учун ниҳоятда қулай шароитлар пайдо бўлади ва бу шароитларнинг баъзилари вақтинчалик, ўткинчи характерда бўлади. У ёки бу психик хусусиятлар ва сифатларнинг ривожланиши учун энг қулай шароитлар бўлган ана шундай ёш давлари сензитив давлар деб аталади. Бундай сензитивлик даврининг мавжудлигига миянинг органик жиҳатдан етилиш қонунияти ҳам, айрим психик жараёнлар ва хусусиятлар ҳам, ҳаётий тажриба ҳам сабаб бўлади [5].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, боланинг, хусусан, мактаб ўқувчисининг психик ривожланиши мураккаб тараққиёт жараёнидир. Одамнинг, боланинг, ўқувчининг фаол фаолияти унинг психик ривожланишининг асоси, воситаси ҳамда шартидир. Тўғри ташкил этилган тизимли йўналтирилган таълим психика ва билиш жараёнларини ривожлантиради.

АДАБИЁТ

1. Иванов П.И., Зуфарова М.Е. Умумий психология. Т. Ўзбекистон. 1998. Б. 90-95.
2. Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. Т. Шарқ. 2008. Б. 33-35.
3. Шоумаров Г. Оила психологияси. Т. Шарқ. 2001. Б. 24-25.
4. Нишонова З. Ўсмирлик даври психодиагностикаси ва психокоррекцияси. Ўқув кўлланма. Т. Шарқ. 2003. Б. 25-26.
5. Google . uz.

BOG'CHA BOLALARINING KOORDINATSION QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH

**D.S.Kurbanova - o'qituvchi,
G.R.Jo'rayeva - talaba**

Andijon davlat universiteti

Jismoniy tarbiya bilan shug'ullanish bu, avvalo, bolaning sog'lom tarbiya topishidir. Jismonan rivojlangan bolalarni tarbiyalash esa – tarbiyachining asosiy vazifasidir, shuning uchun u barcha vositalarini ishga solmog'i va tarbiyalash metodlarini samarali qo'llamog'i kerak. Bolalar bilan ishlash metodlaridan biri ritmik gimnastika hisoblanadi. U millionlab odamlarning e'tiborini o'ziga jalb qildi va bu metodga nisbatan ommaviy qiziqish paydo bo'ldi. Biz ham unga e'tibor berib ko'raylik. Buning ustiga aerobikaning maromi bolalardek shijoatli. Buning ichida ularga zarur bo'lgan harakatlar bor, bu esa o'z o'rnida ularning talabiga javob beradi [1.5].

Izlanishlardan maqsad: koordinatsiya metodlarining vujudga kelishidagi eksperimental diagnostik tekshiruvlarning ilmiy asoslanishi.

Tadqiqot vazifalari: ritmik gimnastika rivojlanishining analizini amalga oshirish.

1. Maktabgacha yoshda bo'lgan bolalarda koordinatsion qobiliyatlari shakllanishining o'ziga xos xususiyatlarini tahlil qilish.

2. Ritmik gimnastika vositalari orqali maktabgacha bo'lgan katta yosh bolalarda koordinatsion qobiliyatlarini kompleks dastur orqali eksperimental asoslab berish.

Tadqiqot natijasi: Quyidagilardan xulosa qilib aytishimiz mumkinki, koordinatsion qobiliyatlarning rivojlanishi kichik yoshdan boshlanadi. Shuning uchun koordinatsion rivojlanish bo'yicha ishni kichik guruhlardan oq boshlash zarur. Ammo koordinatsion harakatlarni kichkina bolalarda rivojlantirish qiyin jarayon bo'lgani tufayli, bolalarning koordinatsion harakatlarini rivojlantirishning eng yaxshi davri maktabgacha bo'lgan (5-6 yoshda) davr hisoblanadi. Tadqiqotdan oldin bolalarning bajargan mashqlari natijasi.

Harakatlarni to'g'ri koordinatsiyalashtirish qobiliyati, bolaga taklif qilingan barcha mashqlarni to'g'ri bajarish garovidir [3.67]. Harakatlarni qay tariqada bajarilganligiga tananing ushbu qismiga berilgan og'irliklarning darajasi, ijroning aniqligi va butun organizmning rivojlanishi bu harakatlarga bog'liq. Shuning uchun koordinatsion rivojlanish bo'yicha ishlarni bolalarga qiziqarli bo'lgan shakllarda o'tkazish kerak, shunda bolalar mashqlarning qiyinligiga chalg'ishmaydi. Bunday darslarning turiga ritmik gimnastikani kirtishimiz mumkun [2.104].

Ritmik gimnastikada ishlab chiqiladigan kompleks mashqlar maktabgacha bo'lgan katta yoshdagi bolalarning koordinatsion qobiliyatlari rivojlanishini pedagogik tajribada taqqoslangan natijalari shuni ko'rsatadiki, kuzatuv qatnashchilarining qobiliyatlari pog'onasi o'zgaruvchandir.

Koordinatsion rivojlanishning qobiliyati mo'ljallangan pedagogik ta'siri ijobiy va saviyaliligi shuni ko'rsatadiki, tajriba doirasidagi bolalar va nazorat darsidagi bolalarni taqqoslanganda tajriba doirasidagi bolalar ko'proq ifodali ko'rsatkichlarga ega bo'ladilar. Shuni inkor qilib bo'lmaydiki, nazorat doirasidagi bolalarda ham oldingi bosqichga nisbatan ijobiy o'zgarishlar bor.

Lekin shunga qaramasdan, nazorat doirasidagi bolalarga nisbatan tajriba doirasidagi bolalarning rivojlanishi tezroq bo'ladi. Tajribaning yakuniga qaraganda, ishlab chiqarilgan kompleks mashqlarning samaradorligi ko'rinadi.

Izlanishlarning natijasiga qaraganda, maktabgacha ta'lim muassasalarida ritmik gimnastika kompleks mashg'ulotlari keng qo'llanilsa bo'ladi, chunki mahg'ulot davomida bolalarning koordinatsiya qobiliyati kuchayadi. Shunda ular o'z harakatlarini boshqarganda yaxshi sharoitga ega bo'ladilar, shuningdek, harakatlari saviyasi, choyli bo'ladi.

O'tkazilgan kuzatishlar natijaida:

- bolalarni mahg'ulotga tayyorlash, boqichma - bosqich harakatlarini o'rganish

- prinsip hisoblari sistematik va bosqichma - bosqich bo'lishi kerak.

- harakatlarni tashqi hududda o'zslahitirishlari ma'qulroq. Bunda kichkintoy bolalarning tabiiy faolligi kuchayadi. Ularning harakati aniq va tezkor bo'ladi.

Izlanishlar shuni ko'rsatadiki, koordinatsion qobiliyatlar rivojlanishida turli yoshda individual xarakterga ega bo'ladi. Har bir mashg'ulot asab tizimining xususiyatlariga bog'liq. 4 yoshdagi bolalarda koordinatsiya qobiliyati, dinamika tezligi kuchayadi. 5 yoshdagi bolalarda, ayniqsa, 6 yoshdagi bolalarda koordinatsion qobiliyat uncha-muncha susayib, kamaya boradi. Lekin shu bois ko'proq individual ko'rinishlar belgilanadi.

Ma'lum bo'ldiki, 4-6 yoshdagi bolalarda mashg'ulot davomida qilingan bir xil harakatlar bolalarning koordinatsion qobiliyatlarining rivojlanishi turli effektga ega bo'ladi [4.97].

Tajriba orqali ko'ratilganidek, doimiy mashg'ulotlar qobiliyat ko'ratkichlarini bir necha marotaba ko'taradi.

- defferensatsiya qobiliyati murakkab koordinatsion mashg'ulotlarga ega bo'lish qobiliyati, bolalar sakrash koordinatsiyasi (24,1 % dan 33,9 % gacha bo'ladi).

- ballistic xarakterdagi mashg'ulotlarda koordinatsion qobiliyatlari, statik muvozanatni saqlash qobiliyatlari ham ko'tarildi.

- 4-6 yoshdagi qiz bolalarda sezish harakati 31%dan 40,64 gacha bo'ladi. Shundan kelib chiqadiki, biz tavsiya qilgan gipoteza nafaqat teoritik, balki amalda ham qo'llanish kerakligini tasdiqlaydi.

ADABIYOT

1. Achilov A. Badiiy gimnastika.: G'ofur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2010. B.5.
2. Vengerova P.N., Fedorova O.S. Средства классического экзерсиса на уроках хореографической подготовки в сложно-координационных видах спорта. O'quv-uslubiy qo'llanma. 2000. B.104.
3. Gaverdovskiy Yu. Техника гимнастических упражнений. М: Terra-sport. 2002. B.67.
4. Karpenko L.A. Компоненты спортивного мастерства и основы обучения упражнениям художественной гимнастики. O'quv-uslubiy qo'llanma. 2002. B.97.

ADABIY ASARDA BADIY TILNING O'RNI

B.Isroilova - magistrant

Andijon davlat universiteti

Badiiy adabiyot tili umumxalq tili madaniyatida o'ziga xos hodisa sifatida yuzaga kelgan, badiylikka bo'ysundirilgan tildir. Har bir yozuvchining tili bir necha ming so'zdan tashkil topadi. U ana shu so'zlar boyligidan nutq uchun so'zlar tanlaydi, badiiy obraz yaratishda u yoki bu badiiy vositaga murojaat etadi. Shu ma'noda yozuvchining uslubi uning tilida o'z aksini topadi. Shuning uchun ham adabiy til yozuvchi uslubiga bog'liq holda o'rganiladi. Masalan, badiiy asar tili

yozuvchining nutq vositalarini tanlash tamoyili, obrazlar tizimi kabilar bilan bog‘liq bo‘ladi. Badiiy asar tilida faqat xalq nutq madaniyatining – jamiyat tili va uning individuallashtirilgan va umumlashtirilgan ifodasigina emas, balki xalq madaniyati uchun zarur bo‘lgan nutq shakllarining ifodasi ham o‘z aksini topadi. Badiiy tilning tarbiyaviy-estetik ahamiyati ham ana shundadir. Badiiy asar tilining bunday estetik vazifasi badiiy obrazda mujassamlashgan estetik g‘oya bilan belgilanadi. Chunki badiiy obrazdagi bu go‘zallik badiiy asar tiliga o‘tadi. Inson madaniyatining yuksak darajasi, ahamiyati va mohiyati uning xarakterini ifodalaydigan nutqida namoyon bo‘ladi. Shu zaylda badiiy adabiyot tilida gapira bilish ko‘nikmasini hosil qiladi, tilning nafosatini his qilishga va bu nafosatni xalqda tarbiyalashga imkon beradi. Badiiy tilning shunday estetik vazifasi uning tarbiyaviy, ijtimoiy ahamiyatini ham belgilaydi. Chunki badiiy adabiyot tilida jonli nutqning barcha hodisalari umumlashtiriladi va o‘zining estetik bahosiga ega bo‘ladi. Ma’lumki, fanda tilni 1) umumxalq tili; 2) adabiy til; 3) badiiy til shaklida tasvirlash e’tirof etilgan. Keyingi davrdagi ayrim ilmiy qarashlarda badiiy tilni “til badiiyati” atamasiga almashtirish, uni xalq tili imkoniyatlaridan biri deb hisoblashga moyillik ko‘rinmoqda. Bu bahsli masala bo‘lib, uzil-kesil hal qilingan emas. Nazarimizda, “badiiy til” atamasi ilmda chuqur singishgan bo‘lib, “til badiiyati” tushunchasiga nisbatan keng qamrovli, ko‘pchilikka tushunarlidir. Ikkinchidan, badiiy tilning semantik doirasida uning funksional xususiyatlari umumiylikni anglatrsa, “til badiiyati”da, ko‘pincha, konkret asarlarga nisbatan qo‘llanilishi, muayyan masalalarning biror jihatdan o‘rganishga yo‘naltirilishi ustuvor bo‘ladi. Hozirgacha mavjud adabiyot nazariyasiga oid barcha tadqiqotlar, darslik, qo‘llanma va lug‘atlarda “til badiiyati”ga qaraganda “badiiy til” atamasi ko‘p qo‘llanilmoqda va ma’qullanmoqda.

Turli davrlardagi, jumladan, bugungi kundagi ilmiy nashrlarda, xususan, “Adabiyot nazariyasi”ning ikki tomligida, I.Sulton, T.Boboyev, P.Qodirov, X.Umarov, E.Xudoyberdiev, F.Salayev va boshqalarning tadqiqotlarida “badiiy til” atamasi saqlangan. Bu fikr yaqinda chop etilgan, nisbatan mukammal

“Adabiyotshunoslik lugati” kitobida ham quvvatlanadi va unda shunday deyilgan: “Badiiy til- badiiy asar tili, so‘z san’atining asosiy quroli, badiiy adabiyotning obraz yaratish vositasi; poetik til, badiiy adabiyot tili kabi shakllarda ham ishlatiladi. Ya’ni badiiy adabiyot birlamchi belgilar sistemasi sanaluvchi til vositasida, ikkilamchi belgilar sistemasini – badiiy voqelikni tashkil qiluvchi obrazlar tizimini yaratadi”[1.52].

Atoqli adabiyotshunos O.Sharofiddinov asar tiliga e’tiborsizlikning xunuk oqibatlarini haqida shunday xulosaga keladi: “Tilga bepisand munosabat uch jihatdan katta zarar keltirishi mumkin: birinchidan, oxir-pirovardida, umuman adabiy tilimizning rivojiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi; ikkinchidan, adabiyotimizning badiiy saviyasini tushirib yuboradi; uchinchidan, kitobxonning estetik didiga yomon ta’sir ko‘rsatadi!” [2.165-166]. Shunday qilib, badiiy adabiyot tilining rangdorligi, tozaligi, boyligi, obrazlilik uchun kurash adabiy tanqidning muhim vazifalaridan biridir.

Darhaqiqat, adabiyot tildan, badiiy til esa so‘zni tanlash va to‘g‘ri qo‘llashdan boshlanar ekan, buyuk tanqidchi ta’kidlaganidek, “badiiy adabiyotda har bir so‘z butun asar talab etadigan fikrning barcha ma’nolarini shu qadar qamrab olgan bo‘lsinki, unga xuddi shu yerda almashtiruvchi ikkinchi bir so‘zning tilda yo‘qligi bilinib tursin” [3.158].

So‘z – adabiy asarni vujudga keltiruvchi material. U o‘z holicha muayyan ma’noga ega bo‘lsa ham, boshqa so‘zlar bilan aloqasiz ijtimoiy-estetik ahamiyat kasb eta olmaydi. Shu bois so‘z tanlash va qo‘llash, uni ma’lum maqsadga qarata yo‘naltirish, asar muvaffaqiyatini ta’minlash ijodkor mahoratining muhim shartidir. So‘z asarning barcha unsurlari: sujet, kompozitsiya, obraz, til, badiiylikni yuzaga chiqaruvchi asosiy moddiy vosita bo‘lib, ijodkor iste’dodi va tasvir uslubining ko‘zgusi hamdir.

Adabiy asardagi so‘z badiiy so‘zdir. Lekin har qanday so‘z ijodkor munosabatisiz badiiy bo‘la olmaydi. Badiiy obraz ham so‘z orqali yaratiladi. Darhaqiqat, “badiiy adabiyotda obraz yaratuvchi asosiy va yagona vosita so‘zdir.

Lekin, badiiy adabiyotdagi soʻz oddiy soʻz emas, balki insondagi muayyan his-tuygʻuni, holat va harakatni, oʻy va kechinmani oʻzgalar qalbiga, shuuriga taʻsir etadigan darajada ifodalaydigan sozʻdir” [4.5].

Badiiy ijod soʻz tanlashdan boshlanar ekan, har bir ijodkor uchun soʻz masʻuliyatini gʻoyat teran his qilish, oddiy soʻzlarni ham mukammal badiiy vositaga aylantirish, ular zimmasiga salmoqli maʼno yuklay olish nihoyatda zarur. Chunki, bunday soʻz asarning qaysi qismida boʻlishiga qarab aniq badiiy niyatni ifodalashga, soʻzni polisemik (koʻp maʼnoli) va stilistik (uslubiy) xususiyatini aks ettirishga, maʼlum vazifa bajarishga xizmat qiladi. Zero, soʻz estetik taʻsir vositasi boʻlib, muallif tildagi maʼno rang-barangliklari, shakliy turfaliklardan teran angelay olishga intiladi.

Soʻz – taraqqiyotdagi hodisa. Bu jarayonda uning maʼno qirralari kengayib, yuqori bosqichga oʻtadi. Bu uning badiiy ijoddagi hayotidir. Turli poetik figuralar, majozlar, tasvir vositalari qobigʻiga kirish soʻzning poetik obrazga aylanishini taʼminlaydi. Zero, soʻz fikrning mazmunli ifodasidir, asar gʻoyasini yuzaga chiqarishda soʻzning badiiy-estetik mohiyati muhim roʻl oʻynaydi. Sanʼatkor adib soʻz vositasida obrazlar xatti-harakatini yoki kechinmalarini shunchaki tasvirlash yoʻlidan bormaydi, balki insoniy tuygʻular taftini kitobxonga toʻla va mukammal yetkazishga erishadi.

Bugungi kunda badiiy asarni, uning poetik tilini oʻrganishda falsafiy qonuniyatlar til tizimiga yana ham keng masshtabda olib kirilib, ularning negizida qator tadqiqotlar, ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Tilshunos olim M.Yoʻldoshev mazkur qonuniyatlarni muayyan badiiy asarga tatbiq qilinganida uning xususiy tomonlarini hisobga olish zarurligini taʼkidlaydi. Shundan kelib-chiqib, badiiy matnni lisoniy tahlil qilish jarayonida quyidagi tamoyillarga tayanib ish koʻrilsa, maqsadga muvofiq boʻlishini aytib oʻtadi:

1. Shakl va mazmun birligi tamoyili.
2. Makon va zamon birligi tamoyili.

3. Xususiylikdan umumiylikka o'tish tamoyili [5]. Negaki, olim dialektik tafakkur narsa va hodisalarning mohiyati ularning bir-biri bilan aloqadorligi va rivojlanishi falsafiy qonunlar, tushunchalar (kategoriyalar) tizimi yordamida ochib berishini, dialektikaning qonun va tushunchalari voqelikdagi narsa va hodisalarning eng umumiy aloqasini aks ettirib, insonda narsalarning mohiyatiga chuqur kirib borish va ongli tahlil qilish imkoniyatini yaratishini ta'kidlab o'tadi.

ADABIYOT

1. Quronov D., Mamajonov Z., Sheraliyeva M. Adabiyotshunoslik lug'ati. Toshkent: Akadem nashr. 2010. B. 52.
2. Sharafiddinov O. Adabiyot tildan boshlanadi. // Haqiqatga sadoqat. Toshkent; Adabiyot va san'at. 1998. B.165-166.
3. Belinskiy B.F. Adabiy orzular. T. 1977. B.158.
4. Sarimsoqov B. Badiiylik asoslari va mezonlari. T: 2004. B. 5.
5. Yo'ldoshev M. Badiiy matnning lisoniy tahlili. T: 2007. B. 87.

АНАЛИЗ МЕТОДИКИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ ВЫНОСЛИВОСТИ У ЮНЫХ БОКСЕРОВ

**Б.М. Насыров – к.п.н,
Х.М.Достматов – магистр,**

Андижанский государственный университет

Для того, чтобы стать профессиональным боксером необходимо прежде всего овладеть техникой и тактикой ведения поединка, а также систематически тренироваться. Благодаря регулярным тренировкам совершенствуются физические и волевые качества и в первую очередь –

выносливость и настойчивость, улучшаются функциональные возможности организма.

Правильное решение проблемы воспитания выносливости в возрастном аспекте непосредственно связано с рациональным подбором средств и методов тренировки, а также с нормированием тренировочных нагрузок. Учитывая всё это перед нами стояла задача – изучить развитие выносливости у юных боксеров 13-14 лет путём исследования методов пригодных для развития этого физического качества у спортсменов данной возрастной категории, а также определить уровень нормы тренировочных нагрузок для начинающих спортсменов. Достижение высоких спортивных результатов наряду с сохранением здоровья возможно только в том случае, если организм развивается всесторонне.

При построении учебно-тренировочного процесса с подростками 13-14 лет необходимо исходить из того, что подготовка юных боксеров представляет собой непрерывный многолетний процесс, основанный на закономерностях развития организма и особенностях вида спорта.

Перейдем к рассмотрению функциональных способностей боксера, высокий уровень развития которых проявляется в его общей и специальной выносливости. Физиологической основой общей выносливости являются аэробные возможности атлета, а специальной выносливости – преимущественно анаэробные возможности. Для расширения дыхательных возможностей боксеров используются кроссовый бег, лыжные гонки, плавание, гребля, баскетбол, ручной мяч, упражнения со скакалкой, "работа на дороге" и др.

Главным условием при выполнении этих упражнений является умеренная интенсивность. Частота сердечных сокращений при выполнении упражнений аэробного воздействия должна находиться в пределах 130-150 уд/мин и не превышать порог анаэробного обмена (150 уд/мин).

Для совершенствования выносливости у боксеров очень эффективны упражнения смешанной аэробно-анаэробной направленности. Примерами таких упражнений являются спортивные и подвижные игры, выполняемые с переменной интенсивностью. Частота сердечных сокращений при выполнении этих упражнений может достигать 190 уд/мин.

Согласно исследованиям специалистов, упражнения аэробно-анаэробной направленности активно способствуют улучшению сердечной деятельности атлета, что, в свою очередь, увеличивает максимальное потребление кислорода (МПК), являющегося основным показателем общей выносливости спортсмена.

Функциональная подготовка боксера должна занимать значительное место на первом этапе подготовительного периода; в это время закладываются основы общей выносливости спортсмена. Боксеры высокой квалификации должны сравнительно легко пробегать кросс 6-10 км в равномерном темпе. Длительный непрерывный бег вырабатывает у спортсменов "умение терпеть", т.е. способствует также тренировке волевых качеств боксера. На общеподготовительном этапе целесообразно широко использовать "работу на дороге" - длительный бег с разной скоростью по пересеченной местности (лучше в лесу) и чередование бега с различными общеразвивающими и специальными упражнениями. Такая тренировка носит аэробно-анаэробный характер.

Исследованиями установлено, что дыхательные возможности спортсменов имеют относительно малую специфику и не зависят от вида выполняемых упражнений. Однако следует учитывать, что перенос общей выносливости возможен лишь в упражнениях, сходных по характеру выполнения тренировочной работы.

Под специальной выносливостью в спорте понимается выносливость атлета по отношению к специфической (соревновательной) деятельности. В

боксе специальная выносливость обусловлена силовой и скоростной выносливостью.

Скоростная выносливость боксера проявляется в способности многократно выполнять быстрые движения на протяжении всего поединка. Развитие скоростной выносливости зависит от способности организма к алактатному и гликолитическому обеспечению мышечной деятельности в анаэробных условиях. Исходя из этого, для развития скоростной выносливости у боксеров целесообразно применять интервальный метод.

Для повышения алактатной способности многократно чередуются кратковременные спурты (ускорения), выполняемые с максимальной скоростью, и работа в среднем и низком темпе. Так, например, во время выполнения упражнений на легких снарядах или со скакалкой через каждые 20-25 сек выполняются 10-15-секундные ускорения.

В конце раунда пульс должен быть в пределах 150-180 уд/мин, а после отдыха 1-2-мин - не ниже 130 уд/мин.

В зависимости от уровня подготовленности занимающихся и задач этапа подготовки можно провести в одной тренировке от 3-6 таких "интервальных раундов". При этом спурты выполняются с установкой на максимальное количество нанесенных ударов и передвижений.

Такие кратковременные упражнения, выполняемые с максимальной интенсивностью, преимущественно развивают анаэробные алактатные способности атлета. Для развития гликолитической способности продолжительность спуртов должна быть увеличена до 25-45 сек, а интервалы отдыха, заполненные тренировочной работой малой интенсивности, постепенно сокращаются с 50 до 10 сек. Частота пульса при такой работе должна увеличиваться с каждым спуртом.

Описанные выше методики развития скоростной выносливости различаются следующим образом. В первом случае выполняются короткие спурты интенсивной работы, а интервалы отдыха между ними

непродолжительны. Во втором случае спурты длиннее, а более продолжительные интервалы отдыха постепенно сокращаются во времени.

Силовая выносливость боксера проявляется в его способности противостоять утомлению и не снижать мощность скоростно-силовых усилий на протяжении всего поединка.

Для совершенствования силовой выносливости можно использовать оба описанных выше варианта тренировки, однако следует выполнять удары по тяжелым снарядам с установкой "максимально сильно-быстро".

Очень эффективны тренировки на снарядах в тяжелых перчатках (12-16 унций), а также выполнение ударов по мешку с отягощениями в руках (весом 350-500 г).

Целесообразно выполнять упражнения со скакалкой в утяжеленной обуви, а имитационное упражнение "бой с тенью" - с отягощениями на ногах и в руках.

При развитии силовой выносливости у боксеров можно использовать укороченные раунды (1,5 мин), в течение которых удары по тяжелым снарядам выполняются с интенсивностью и мощностью, близкими к максимуму. Такие упражнения вырабатывают у боксера стереотип высокоинтенсивной скоростно-силовой работы и учат его "выкладываться" в пределах ограниченного времени, моделируя ситуацию "концовок" в соревновательных раундах.

При использовании в тренировке 2-минутных раундов (для совершенствования силовой выносливости) удары следует выполнять с переменными интенсивностью и мощностью. Целесообразно при этом постепенно уменьшать интервалы отдыха между раундами - от 1 мин до 20 сек. В связи с тем, что большие объемы тренировочной работы специальной направленности зачастую приводят к повышению психической напряженности и утомлению и, как следствие, снижению дееспособности боксера, необходимо на специально подготовительном этапе

целенаправленно применять обще подготовительные средства тренировки, соответствующие по механизму энергообеспечения специальным средствам.

С учетом вышеизложенного, в подготовке боксеров следует широко применять беговые упражнения, выполняемые повторным и интервальным методами.

Напомним, что в интервальном методе тренировки многократное выполнение упражнения с короткими паузами отдыха не обеспечивает полного восстановления перед очередным повторением, паузы отдыха строго дозированы, а тренирующее воздействие на организм происходит как во время работы, так и в периоды отдыха. В повторном методе паузы отдыха произвольны, т.е. перед каждым новым выполнением упражнения спортсмен отдыхает до восстановления работоспособности. Тренирующее воздействие на организм обеспечивается преимущественно в периоды работы, а также путем суммации следовых процессов от каждого повторения.

Многократное пробегание 100-метровых отрезков с установкой "максимально быстро", интервалы отдыха - 45-90 сек значительно увеличивает объем сердца и улучшает аэробный обмен в тканях. Оптимальная ЧСС после выполнения упражнений 180-190 уд/мин. Продолжительность пауз отдыха, заполняемых боем "с тенью" и упражнениями на расслабление, должна быть такой, чтобы перед началом нового упражнения ЧСС была не более 130 уд/мин. Количество повторений упражнений - 10-12. Тренировка прекращается, если в конце пауз отдыха ЧСС превышает 130 уд/мин.

Пробегание коротких отрезков усиливает анаэробные превращения в тканях. С другой стороны, накопление продуктов анаэробного распада стимулирует процессы аэробного обмена в период отдыха. Таким образом, наиболее высокие показатели сердечной деятельности и потребление кислорода наблюдаются во время пауз отдыха. При такой форме тренировки

максимальный уровень аэробных функций поддерживается дольше, чем при непрерывной работе.

Интервальная тренировка в беге на средние дистанции (400 м и 800м)

Интенсивность бега должна обеспечить увеличение ЧСС до 180-190 уд/мин; в паузах отдыха пульс должен быть не ниже 130-140 уд/мин. Механизм адаптации организма к данным упражнениям аналогичен рассмотренному выше, однако следует отметить, что эта форма тренировки предпочтительнее, чем тренировка на коротких отрезках в плане развития общей выносливости (аэробных способностей). Количество повторений упражнений в одной тренировке у боксеров составляет 10 x 400 м или 5 x 800 м.

Серийная интервальная тренировка.

Пробегание на максимальной скорости коротких отрезков - в одной серии 5-10 спуртов. Можно рекомендовать следующую схему выполнения упражнения: 10 спуртов по 10 м; 10 по 15 м; 10 по 20 м или 5 по 10 м; 5 по 15 м; 5 по 20 м; 5 по 15 м; 5 по 10 м. Интервалы между спуртами - 3-5 сек. Интервалы отдыха между сериями (3-4 мин) следует заполнять упражнениями на расслабление, дыхательной гимнастикой, имитацией ударных и защитных движений. Необходимо следить, чтобы пульс в конце паузы отдыха находился в пределах 110-120 уд/мин.

Такая форма тренировки совершенствует преимущественно регуляторные механизмы, обеспечивающие в процессе работы быстрое приспособление аэробных функций организма. Может использоваться в качестве самостоятельной тренировки, а также в виде разминки.

Интервальный спринт

Пробегание с максимальной скоростью 30-60-метровых отрезков (с небольшими интервалами отдыха). Для совершенствования силовой выносливости (анаэробных алактатных способностей) интервалы отдыха между упражнениями должны быть 2-3 мин, а серия состоять из 3-5

повторений. Целесообразно выполнять до 5 серий таких упражнений с интервалами отдыха между сериями до 5-6 мин. Паузы отдыха целесообразно заполнять упражнениями "школы бокса".

Для совершенствования скоростной выносливости (анаэробных гликолитических способностей) необходимо увеличить количество повторений в серии до 6-10. При этом с каждым повторением будут накапливаться следы недовосстановления и усиливаться гликолитический процесс.

Повторно-интервальная тренировка

Пробегание с максимальной скоростью дистанции 1000 м. Количество повторений в серии - 3-5, продолжительность интервала отдыха между упражнениями - до 10 мин. Последний выбирается с таким расчетом, чтобы каждое повторение обеспечивало возможность возрастающего воздействия на анаэробные гликолитические функции.

Такая тренировочная работа рекомендуется только боксерам с хорошей функциональной подготовленностью.

С учетом принципов интервальной и повторной тренировки нами предлагается специализированный вариант применения беговых упражнений в качестве комплексного средства развития функциональных способностей боксера.

Методика выполнения упражнений такова: после 10-15-минутной разминки спортсмены пробегают пять 100-метровых отрезков; интервалы отдыха (1,5-2 мин) заполняются упражнениями на расслабление и имитацией ударных и защитных движений. При этом результат пробегающего каждого отрезка должен быть в пределах 12,8-13,6 сек (12,8-13,0 сек - отлично; 13,1 - 13,3 сек - хорошо; 13,4-13,6 сек - удовлетворительно). Затем после отдыха (5 мин) кикбоксеры пробегают три отрезка по 800 м с интервалами отдыха 1 мин.

При этом результаты бега должны укладываться в следующие диапазоны:

первый отрезок - 2 мин 30 сек - 2 мин 40 сек;

второй отрезок - 2 мин 40 сек - 2 мин 50 сек;

третий отрезок - 2 мин 50 сек - 3 мин.

Для достижения высокого уровня выносливости необходима определенная система выбора упражнений и их организации. Экспериментальные исследования показали, что общая выносливость боксёра улучшается, если в тренировке используются специальные упражнения, которые вызывают наибольшие энергетические сдвиги и выполняются при значительной "пульсовой стоимости", равной примерно 180 уд/мин. (спарринги, вольные и условные бои, работа в парах по совершенствованию технико-тактического мастерства, работа на мешках). Эффективное средство повышения выносливости в тренировке - увеличение раунда до 5 минут и более.

Для совершенствования специальной выносливости, которая проявляется в способности боксёра выполнять интенсивную работу максимальной мощности, в основном применяются специальные и специально - подготовительные упражнения (спарринги, условные и вольные бои, упражнения на снарядах, спурты, "бой с тенью", упражнения с партнером в парах без перчаток, с набивными мячами, в передвижениях и др.).

Основной путь в совершенствовании специальной выносливости за счёт подбора специальных тренировочных упражнений - интенсификация деятельности боксёра в упражнениях в вольном и условном боях (за счёт частой смены партнёров, ведения ближнего боя, увеличения, трудности заданий и др.), в упражнениях с мешком боксёр выполняет с максимальной скоростью и интенсивностью в течение одного раунда 10 - 15 взрывных коротких серий (длительностью от 1 до 1,5 с каждая), а в промежутках между сериями (10 - 15 с) - действия в спокойном темпе. Затем следует отдых 1,5 - 2

мин, после чего боксёр вновь выполняет упражнение с мешком (всего 3 раунда),

Для совершенствования другой стороны выносливости применяются упражнения, во время которых непрерывная интенсивная работа (нанесение ударов по мешку, лапам, груше в течение 20 - 30 с) чередуется с работой в замедленном темпе (в течение 40 - 60 с).

При воспитании выносливости боксёров большое значение имеет постановка правильного дыхания. Дыхание боксёра должно быть непрерывным и достаточно глубоким. Обнаружено, что режим дыхания с акцентом на выдохе при сильных ударах является самым эффективным. Это способствует не только лучшей вентиляции легких, но также увеличивает силу ударов.

ЛИТЕРАТУРА

1. Бутенко В.Н., Калмыков В. Развитие специальной выносливости боксера// Бокс: Ежегодник. М., 1970 С. 56-65.
2. Бутенко В.Н. Специализированная подготовка боксера. М.: Физкультура и спорт. 1967. С. 69.
3. Бутенко В.Н., Худадов Н.А., Мамчупп Н.А., Гильдин Л.С., Огуренков В.Н. Физическая подготовка юных боксеров// Бокс: Ежегодник. М., 1964. С. 77-93.
4. Градополов К.В. Бокс. Учебник для ИФК. 4-е издание. М.: Физкультура и спорт. 1965. С. 338.
5. Градополов К.В. Бокс. М.: Физкультура и спорт. 1961. С. 340.

ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА РОССИЯ-ХИТОЙ-АҚШ СТРАТЕГИК УЧБУРЧАГИ ДОИРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Р.А.Юлдашев - магистрант

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Бугунги кунда дунёнинг хавфсизлиги даражаси кўп жиҳатдан Россия-Хитой-АҚШ муносабатларига боғлиқ десак муболаға бўлмайди.

Яқин келажакда Хитой омили Россия учун хатто АҚШ омилига нисбатан муҳимроқ ўрин тута бошлайди. Бунинг эса бир қатор сабаблари бор:

1. Хитой ва Россия ўртасидаги ҳудудий чегаралар ер юзидаги энг узун куруқлик чегараларидир;
2. Хитой Россиядан фарқли равишда табиий бойликларга бой эмас, аксинча, ушбу ресурсларга бўлган эҳтиёжи юқори;
3. Хитой аҳолиси Россия аҳолисидан 10 марта кўп, лекин ҳудуди деярли 2 марта кичик;
4. Хитой нафақат иқтисодий жиҳатдан тез ривожланмоқда, балки ҳарбий жиҳатдан ҳам минтақавий глобал кучга айланиб улгурган.

Бугунги кунда Россия ва Хитой ўртасидаги муносабатлар юқори даражада эканлигига шубҳа йўқ. Лекин ҳолисона ёндашадиган бўлсак, ушбу икки давлат ўртасидаги муносабатларда АҚШнинг гегемонистик руҳдаги сиёсатига қарши самарали ҳамкорлик олиб боришга тўсқинлик қиладиган бир қатор ҳолатлар ҳам мавжуд:

1. Биринчидан, икки давлат ўртасидаги ўзаро ишонч даражаси фақат сиёсий элиталар доирасидагина юқори, лекин ишбилармонлар доирасида етарли даражада эмас. Масалан, Хитой-Россия савдо-иқтисодий муносабатлари Хитой-АҚШ савдо-иқтисодий

муносабатлари даражасида шиддатли эмаслиги бунга яққол мисолдир. Бунинг ҳам ўз сабаблари бор, яъни АҚШ асосий истеъмол бозори ҳисобланса, Хитой жаҳонда арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришда етакчи. Бунинг устига Россия ўтган узоқ йиллар давомида Хитой бозорига етарлича эътибор қаратмай, асосан, Европа бозорига урғу бериб келди. Бугунги кунда Россия ва Хитой ўртасидаги маҳсулот айланмаси 100 млрд доллар атрофида, бу эса АҚШ ва Хитой ўртасидаги ушбу кўрсаткичдан деярли 7 баравар кам дегани. Хитойнинг АҚШдаги экспорт ҳажми Хитойнинг Россиядаги экспорт ҳажмидан деярли 10 марта ортиқ. Хитой импортида Россия нефт ва газининг улуши бор йўғи 4-6 % атрофида. Экспертларнинг фикрича, бу ҳолат, яъни Россия ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлари етарли даражада эмаслигига қонунчилик базасининг самарадор эмаслиги, маъмурий-буйруқбозлик иллатлари, коррупциянинг учраб туриши каби ҳолатлар ҳам кўп жиҳатдан сабабчи, чунки бу рус савдо ҳамкорларига нисбатан хитойликларнинг ишончи ва қизиқиши пасайишига олиб келади;

2. Хитой ва Россия давлатларининг сиёсий қарашлари ҳам ҳар доим бир хил эмас. Масалан, Евроосиё Иттифоқи ва Ипак Йўллари лойиҳалари борасида бу яққол кўзга ташланади. Хитой ўз лойиҳалари ёрдамида Марказий Осиёга ёриб киришга уринади, бу эса минтақадаги Россия-Хитой рақобатчилигини кучайтириши табиий ҳолат эканлигини ҳар икки томон яхши тушунади;
3. Хитой ва Россия давлатларининг Шарқий Осиёдаги сиёсатида ҳам бир қанча фарқлар мавжуд. Масалан, ҳарбий-техника соҳасидаги Россия-Ҳиндистон муносабатлари Хитойни ташвишга солмасдан қолмайди;
4. Булардан ташқари, Хитой оммавий ахборот воситалари чоп қилиб борадиган “нотенг битимлар ва бой берилган ҳудудлар” қабилидаги мақолалар ўз навбатида Россия оммавий ахборот воситалари ва

жамоатчилигида “Хитой таҳдиди ва иқтисодий экспансияси” борасидаги кўрқувларнинг кенг қулоч ёзишига олиб келади.

АҚШ омилига келадиган бўлсак, назаримизда Хитой-Россия муносабатларига АҚШга қарши иттифоқ сифатида баҳо бериш ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди, чунки бу каби иттифоқчиликдан Россия ҳам, Хитой ҳам тўлиқ манфаатдор эмас. Сабаби, бир томондан Хитой ўзининг АҚШ билан иқтисодий муносабатларидаги ўрнини йўқотишни истамайди, иккинчи томондан эса Россия кўп жиҳатдан Хитойга қарши кайфиятда бўлган Шимоли-Шарқий Осиё ва Осиё - Тинч океани минтақасидаги (ОТМ) ўз таъсирини йўқотишни истамайди.

Хитойнинг ташқи сиёсатига хос жиҳатлардан бири шундан иборатки, Хитой Россия ва АҚШ билан ўзининг алоҳида муносабатлари Россия ва АҚШ ўртасидаги муносабатлардан анча устун бўлишига интилади, яъни Россиянинг АҚШ билан муносабатларининг яхшиланишига ижобий муносабатда бўлади, деб айта олмаймиз. Манфаатлар нуқтаи назаридан ушбу “учбурчак” доирасида бу табиий ҳол саналади, чунки ҳар қайси томоннинг бир томон билан муносабатларининг ёмонлашуви бошқа томон билан ушбу икки томонлама муносабатларнинг маълум даражада яхшиланишига олиб келади.

Шундай қилиб, бугунги кунда ҳар учта давлат ўз хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳар икки давлат билан иложи борича ижобий муносабатларни сақлаб қолишдан манфаатдор. Шунинг учун ҳам фикримизча, ғарб экспертлари томонидан илгари сурилаётган Россия ва Хитой ўртасидаги стратегик ҳамкорлик муносабатлари АҚШга қарши янги биполяр тартибни вужудга келтиришга қаратилган деган фикрларда етарли даражада асослар мавжуд эмас.

Сўнги йилларда АҚШ-Хитой иқтисодий муносабатларининг жадал суръатлар билан ривожланишини ушбу икки давлатнинг бир-бирига иқтисодий боғлиқлигининг ортиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Лекин шу

билан бирга Хитойнинг йирик давлат мақомига эга бўлиб бориши эса АҚШ ва Хитой ўртасидаги қарама-қаршиликларни келтириб чиқариши табиий ҳол, бу эса ҳар икки давлатнинг геополитик манфаатларининг ўзаро мос келмаслиги билан боғлиқ ҳолат [2.38]

Бугунги кундаги АҚШ-Хитой муносабатларининг асосий хусусиятларига ва йўналишларига қўйидагилар киради: савдо-иқтисодий муносабатлари, Тайванд масаласи, инсон ҳуқуқлари масалалари (Тибет, Суар, кибер хавфсизлик ва ҳоказо), ОТМдаги рақобатчилик муносабатлари, Шарқий ва Жанубий Хитой денгизлари ҳудудидаги зиддиятлар, халқаро ва минтақавий бир қанча савдо-иқтисодий ташкилотлари доирасидаги мураккаб муносабатлар, Марказий Осиёдаги рақобат, Хитой таъсирининг Яқин Шарқ, Африка ва Лотин Америкасида ортиши билан боғлиқ муносабатлар ва ҳоказо. Яъни АҚШни нафақат Хитойнинг иқтисодий юксалиши, балки ҳарбий-стратегик жиҳатдан ҳам таъсирининг кучайиши ҳавотирга солади. Чунки бу, айниқса, ОТМдаги ҳарбий мувозанатнинг Хитой томонига оғишига олиб келади ва АҚШ манфаатларига эса ҳеч қайси жиҳатдан мос келмайди. Шунинг учун ҳам АҚШ-Хитой муносабатларини кескинлаштирувчи сабаблардан бири Хитойнинг “Осиё осиеликлар учун” тамойили асосида минтақада АҚШнинг иштирокисиз ўз минтақавий хавфсизлиги тизимини ўрнатишга бўлган интилишида эканлиги десак тўғри бўлади.

Маблағини ҳавога совуришни истамаган Трамп АҚШнинг Транстинчокеани ҳамкорлиги тузилмасидан чиқиши ҳақида эълон қилди. Лекин бугунги кунда дунёнинг энг жадал ва барқарор ривожланаётган ОТМ ҳудуди, шубҳасиз, АҚШнинг манфаатлари доирасига кирувчи энг муҳим ҳудудлардан бири. Шунинг учун ҳам кўпчилик Трамп маъмуриятининг энг асосий рақиби сифатида Россияни эмас, балки Хитойни кўради. Бунинг устига Хитой бир қатор сабабларга кўра янада ишонч билан ҳаракат қилиши АҚШни хурсанд қилмаётганлиги аниқ, яъни АҚШнинг Хитойдан турли

манбаларга кўра бугунги кунда 1,2-1,8 трлн. доллар миқдорида қарзи мавжуд. Хитой 4 трлн. доллар миқдорида валюта захираларига эга (АҚШда эса бу кўрсаткич 121 млрд. доллар атрофида холос), 2016 йилда Хитой компаниялари энг кўп инвестицияни айнан АҚШга киритдилар (54 млрд доллар), Хитойда ҳам АҚШнинг 20 мингга яқин корхоналари фаолият юритмоқда (“Женерал Моторс” компанияси даромадининг 20 % и ва “Форда” компанияси даромадининг 15 % и айнан Хитой бозорлари эвазига келади), Хитойда бундан ташқари “Apple” компаниясининг 14 та заводи фаолият олиб боради.

Шу билан бирга, 2016 йилнинг ўрталарида Хитойнинг 6 та етакчи банклари 15 трлн. доллар миқдорида активларга эга бўлган бўлсалар, АҚШнинг 6 та етакчи банкларида эса бу кўрсаткич 14 трлн. долларни ташкил қилди. Экспертларнинг ҳисоблаб чиқишича, 2015 йилда Хитойнинг ташқи қарзи 23 трлн. долларни ташкил этган бўлса, АҚШда эса бу 17,6 трлн. долларни ташкил қилган эди.

Шунинг учун ҳам юқоридаги ва бошқа параметрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Хитой ялпи ички маҳсулоти АҚШникига нисбатан йилига 2-3 марта тез ошиб борганда ҳам, (яъни йилига 5-6 %) фақатгина 15-20 йилдан сўнггина Хитой иқтисодиёти ҳажми АҚШникига яқинлашиши мумкин.

Бундан ташқари минглаб ёш Хитой фуқаролари АҚШга асосан ўқишга кетиб, ўша ерда доимий яшаш учун қолиб кетмоқда. Бу ҳам АҚШ экспертлари томонидан АҚШнинг хавфсизлигига путур етказувчи ҳолат сифатида баҳоланмоқда.

Кўриниб турганидек, ушбу учбурчак доирасидаги муносабатлар жуда ҳам мураккаб. Россия-Хитой ўртасидаги сиёсий ишонч АҚШ-Хитой ўртасидаги сиёсий ишончдан анча мустаҳкам ва барқарор, лекин шу билан бирга Россия-АҚШ ўртасидаги глобал хавфсизлик борасидаги муносабатлар ҳар икки давлатнинг ҳарбий салоҳиятини ҳисобга олганда ҳал қилувчи

аҳамиятга эга. Лекин ўз навбатида Россия ва Хитой ўртасидаги стратегик ҳамкорлик муносабатлари узок муддатли истиқболга мўлжалланганлигини ҳисобга олсак, айнан шу муносабатлар Брюссел-Вашингтон тартиби ўрнига янги дунёвий тартибни шакллантиришга олиб келиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, назаримда, энг оптимал муносабатлар бу ушбу “учбурчак” доирасидаги АҚШ-Хитой-Россия стратегик ҳамкорлик муносабатлари форматидаги муносабатлар бўлиши мумкин [1.48].

Истиқболда ҳам ушбу учлик ўртасидаги муносабатлар иқтисодий ва геополитик омилларга боғлиқ тарзда ривожланади. Масалан, ушбу омиллардан бири Россия экспортининг асосий маҳсулоти бўлган нефт бўлиши мумкин. Трамп ҳукумати томонидан илгари сурилаётган АҚШда нефтнинг кенг миқёсда қазиб чиқарилишининг кенгайтирилиши АҚШнинг нефт импортига бўлган эҳтиёжининг пасайишига, жаҳон бозорида ушбу маҳсулотнинг ҳажми ортиб кетишига ҳамда унинг нархининг пасайишига, ўз навбатида Россия рубли курсининг тушиб кетишига олиб келиши мумкин. АҚШ томонидан Хитой маҳсулотлари экспортига бўлган божларнинг оширилиши ҳам худди шундай натижага олиб келиши мумкин. Ўз навбатида Хитой бу вазиятда Трампнинг бу каби молиявий сиёсатига АҚШнинг Хитой олдидаги қарздорлик мажбуриятларини сотувга қўйиш орқали АҚШ долларига зарба бериш билан жавоб қайтариши мумкин. Бундай вазиятдан эса Россия ўз валюта захираларини доллардан бошқа ресурсларга ўз вақтида ўткази олмаган тақдирда яхшигина фойдаланиб қолиши мумкин.

Лекин воқеалар аслида қандай сценарий остида ривожланишини албатта вақт кўрсатади.

АДАБИЁТ

1. Новиков Д. Неравнобедренный треугольник // Россия в глобальной политике. Том 13. Март–апрель. Спецвыпуск. 2015. С. 48.
2. Проблемы Дальнего Востока. 2015. № 4. С. 38.

ПОЭТИК МАТНДА ФОНЕМАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ф. Қозоқова – магистрант
Андижон давлат университети

Бадиий матннинг шаклланишида ҳеч бир истисносиз адабий тил билан бир қаторда, умумхалқ тилининг барча восита – бирликлари иштирок этади. Ана шу хусусият матн мазмунини айнан тушунилишига ёрдамчи вазифа бажаришини инкор эта олмаймиз. Чунки ҳар қандай поэтик матннинг юзага келишида, муаллиф мақсадининг ўқувчилар томонидан англашинишида ушбу бирликларнинг қиммати бир хил даражада функция бажармаса-да, улар бир-биридан айрича поэтик қиммат касб этади. Бадиий матннинг шаклланиши қўлланган тилнинг ҳар қандай бирлиги эмоционал-экспрессив ифода семалари реаллашган ҳолда бадиий-эстетик мақсадни юзага келтиради. Мана шу ўринда тилнинг энг кичик бирлиги – фонема ҳам бадиий матнда ўзининг асосий вазифаси сўз маъноларини фарқлаш билан бир қаторда, эмоционал-экспрессив ва апеллятив вазифасини ҳам бажаради. Ўқувчи эса фонемалардаги бу хусусиятларни товушнинг фонографик ифодаси орқали қабул қилади [1.34].

Энг кичик маъноли қисм саналган морфема таркибидаги фонеманинг нутқдаги акси товушдир. Товушларнинг нутқдаги ўрни, талаффузи, талаффуздаги фарқи, товушларнинг ёнма-ён келганида ўзгаришга учраши услубий аҳамиятга эга. Нутқ товушларида, энг аввало, уч хусусият кўзга ташланади: артикуляцион (айтилиши); акустик (эшитилиши); апеллятив (эшитиб таъсирланиш) [2.31].

Фонемаларнинг нутқдаги реаллашуви натижасида уларнинг юқорида саналган хусусиятлари жонли мулоқотга киришган коммуникант ҳамда коммуникат томонидан юз берадиган алоқада ёрқин кўзга ташланади ва бир-бирларини тушуниш ва тушунтиришга қаратилган фаолияти тўла кондирилиш имконияти юқори саналади. Энди бу жараён ёзма нутқнинг

бадий ҳосиласи бўлган поэтик матнда бирмунча фарқланади. Муаллиф ва ўқувчи ўртасидаги кечиктирилган мулоқотда, яъни бадий асар мутолаасида ўқувчи ижодкорнинг бадий мақсадини англаб олиши муаллифнинг матнда кўлланган фонетик воситалардан ўринли фойдаланиши орқали рўёбга чиқади.

Маъруф Йўлдошев қайд этганларидек, бадий матнни таҳлил қилиш жараёнида фонетик воситаларнинг бадий эстетик хусусиятларига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш зарур, чунки уларда поэтик актуаллашув жуда ёрқин намоён бўлади. Муайян нарса-ҳодиса тасвирланар экан, узундан-узук тавсифлардан кўра бу нарса нарса-ҳодисаларга хос товушларни эслатиш, келтириш уларнинг образларини тезроқ тасаввур қилиш имконини беради [3.184]. Чунки фонетик бирликларда кўшимча маънонинг ифодаланиши бадий асарда муаллиф ёки персонаж нутқининг таъсирчанлигини таъминлайди. Тилшунос олим Анвар Ҳайдаров коннотатив маънони ифодалашда фонетик бирликларнинг ингерент ва адгерент коннотациялар орқали экспрессивлик ифодаланишини қайд этади. Фақат ингерент коннотация товушга тақлид сўзларда учрайди: *ғиж-ғиж, гув-гув, чирс-чирс* каби қатор сўзларда товушнинг қаттиқ, ёки юмшоқ ўқилиши турлича кўшимча маънолар ифодалайди. Жумладан, **так-так, тўқ-тўқ** тақлид сўзларидаги товушларнинг талаффуз хусусиятига боғлиқ ҳолда ёқимсиз маъноси ифодаланса, **тиқ-тиқ** сўзларида эса кўшимча юмшоқлик бўёғи акс этади. Бадий матнда бу ҳодисанинг ифодланиши муаллифнинг изоҳи билан ёки асар тенденциясининг таъсирида ўқувчи томонидан қандай поэтик вазифа бажараётгани англашаверади: *Яна бошланди. Ғарм-гурт. Айниқса, бир асбоби бор экан. Вой-вой овозининг хунуклиги! Ғийт-ғийт* қилади. *Худди йиғлаётган хотиндек. Асабни пармалаб юборади (Ў. Ҳошимов).* Ушбу парчада **гарм-гурт** ҳамда **ғийт-ғийт** тақлид сўзида товушларнинг талаффуз хусусиятидан келиб чиқиб ижодкор ёқимсизлик маъноси, асабни таранглашига олиб келувчи воқеликни очиб беради. Биринчи **ғарм-гурт**

таклид сўзда **ғ** ундошининг сўз таркибидаги **р** ва **т** ундошларининг таъсирида каттиқ талаффуз қилиниб, белгининг кучли эканлигини англатса, **ғийт-ғийтда** эса сўз таркибида **й** ундошининг юмшоқ талаффуз этилиши орқали **ғ** ундоши ҳам юмшоқ талаффуз этиляпти ва белгининг юмшоқлик семасини ифодалаяпти. Товуш талаффузи билан боғлиқ бошқа барча ҳолатларда адгерент коннотация мавжуд бўлади. Бадиий адабиётда фонетик йўл билан ҳосил қилинган кўшимча маъно бўёғи, асосан, адгерент коннотация орқали рўёбга чиқади. Умуман олганда, булар бадиий нутқнинг муҳим поэтик воситалари ҳисобланади. Сабаби, хоҳлаган сўзни нутқда фонетик жиҳатдан ўзгартириб нутқий воқеалантириш сўзнинг таъсирчанлигини оширади. Масалан, унли товушлар оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсикқа учрамаганлиги сабабли уларни исталганча чўзиш мумкин. Бадиий матнда бу ҳодисалар фонографик воситалар орқали ифода этилади. Мана шу чўзиш орқали асар қаҳрамонларининг характер-хусусиятлари, воқеа-ҳодисаларга муносабатлари, турли хил истак-майллари ифодаланади. Бадиий услуб учун фонетик чўзиқлик аҳамиятли бўлганлиги сабабли, у маъно фарқлашга хизмат қилмайди, балки турли хил коннотатив маъноларни ҳосил қилади: *Шу... Умидаям **хў-ўп** тепса тебранмас чиқди-да (Ў. Ҳошимов)*. Бу ерда ажратилган сўзда **ў** унлисини чўзиш орқали нутқ эгаси бўлган персонажнинг Умидага нисбатан норозилик кайфияти билан бир қаторда, нутқ қаратилган шахс – Умиданинг масъулиятсизлигига нисбатан **хў-ўп** сўзида чўзилган **ў** фонемаси ташиган **жудаям, ортиқча, чидаб бўлмас** маънолари ёзувчи томонидан ўқувчига етказиб берилади. Бадиий нутқда ундош товушни чўзиш имконияти йўқлиги сабабли, маълум бир ижодий ниятни ифодалаш учун танланган ундош товушни икки ва ундан ортиқ такрорлаш орқали белгиланган мақсадга эришилади: - *Еттинчидан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси қаерда эдингиз? – **Х-х-ха!** Бу ишни менга ёпиштирмоқчимисиз? Овора бўласиз, гражданин терговчи! **Х-х-ха** сўзида **х** ундошини иккидан ортиқ қўллаш орқали терговчига нисбатан жавобгар шахснинг норозилик*

кайфияти, олдиндан сезувчанлик қобилияти, терговчи мақсадини тушуниш маънолари ифодаланади. А.П.Журавлёв унли ва ундош товушлардаги бундай ҳолатларда фоностилистик хусусиятлар пайдо бўлишини таъкидлайди [4.99].

Яна бадий матнда юмористик кайфият ҳосил қилиш, персонажнинг ёш хусусиятларини очиб бериш, асар қаҳрамонининг нутқига хос бўлган индивидуалликни кўрсатиб беришда бир фонеманинг ўрнида бошқа бир фонема варианты берилиши аслида берилган вариант унинг ўрнида келиши керак бўлган фонема оттенкаси эканлигини кўрсак бўлади:

“Жим ўтир” деб қулоғига қуйсанг ҳам, “Данияман! Даниявеяман!” деб бижирлагани –бижирлаган (Хурийд Дўстмуҳаммад).

Парчага диққат қилинса, нутқ эгасининг кичикина болакай эканлигини аниқ англашимиз мумкин. Асарда боланинг айнан ёши баён этилмаган бўлса-да, хикояни ўқиш жараёнида боланинг тахминий ёши унинг *“Данияман! Даниявеяман!”* жумласидаги **д в а я** товушлари аслида **г в а р** фонемаларининг вариантлари сифатида реаллашаётганида намоён бўлади ва бу танлов ёзувчининг поэтик мақсади эвазига юзага келган жараён эканлигини кўрамай. Бу нутқ орқали ўқувчи ўзига таниш бўлган болаларча беғуборлик сингишган “чуччи” жумлаларда эркатойлиг-у ёқимтойликни ҳис этади ва кайфиятида юмористикага мойиллик пайдо бўлади.

Бадий матнда фонемаларнинг реаллашувидаги ўзгаришлар асар поэтикасини шакллантиришда муҳимдир. Яъни маълум бир персонаж нутқидаги фонема вариантларининг нотўғри талаффуз этилиши орқали ёзувчи маълум бир қаҳрамоннинг индивидуал хусусиятларини, характерини, шевага хосликни кўрсатишда бу усулдан унумли фойдаланади:

“Пўкак” энгашиб олган хиргойисини бошлади:

- Филдиракнинг ўқи чиқди-и, додамиззи пўқи чиқди-и!.. (Х.Дўстмуҳаммад).

Матн таркибидаги белгиланган сўзларга аҳамият қаратсак, *додамиззи* аслида *додамизни* шаклида бўлиши керак эди. *Дода* сўзининг тўла шевага

хослигини инобатга олган ҳолда эътиборимизни **–ни** кўмакчи морфемаси(тушум келишиги шакли)нинг **–зи** шаклида ифодаланганлигига каратамиз. Бу ерда **–зи** кўшимчаси таркибидаги **з** алоҳида фонема эмас, балки **н** фонемасининг варианты ҳисобланади. Ёзувчи персонаж нутқида фонема вариантларининг маъно ифодалаш имкониятларидан кенг фойдаланиб, асар қаҳрамонининг ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Иккинчи сўзда ҳам **п** товуши алоҳида фонема эмас, **б** фонемасининг варианты тарзида намоён бўлган. Поэтик матнда бундай ҳолатлар орқали юмористик кайфият, индивидуал нутқий хосликлар ва образларнинг характер-хусусиятлари ёрқинлашиб боради.

Шуни айтиш мумкинки, тилнинг бошланғич сатҳи – фонологик сатҳ бирлиги фонема ҳам поэтик матндаги (нутқдаги) реаллашуви орқали (яъни фонеманинг нутқ бирлиги товушга айланиши ва унинг кейинги босқич – ёзма нутқдаги фонографик бирлик сифатидаги ҳарф тарзида намоён бўлиши) поэтик хосликларни намоён этишда ўзига хос ўрин ва характерга эга.

АДАБИЁТ

1. Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Филол.фан.номз.дисс... Т. 1997. Б.34.
2. Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши. Филол.фан.номз.дисс... Т. 2009. Б.31.
3. Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол.фан.номз.дисс... Т. 2004. Б.184
4. Журавлёв А.П. Фонетическое значение. Л., 1974. С. 160.

ПЕРСОНАЛЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ДЕЙКТИК БЕЛГИЛАР

Маттиев А.О . - талаба

Андижон давлат университети

Персоналлик тушунчаси орқали субъектни билдирувчи белгилар тизими, грамматик вазифасига кўра, аввало, шахс категорияси тушунилади. Бу категория сўзловчини, нутқ тингловчисини ва бу нутқда иштирок этмаётган субъектни аниқлайди [1:93]. Илмий адабиётларда бу категория шахс кўрсатиш хусусиятига кўра матн ҳосил қилувчи функционал-семантик категория сифатида асосланган. Барча функционал-семантик категориялар матн ҳосил қиладиган ва матн ҳосил қилмайдиганларга бўлинади. Матн ҳосил қиладиганларга: биринчидан: персоналлик, актуал-темпораллик, боғланганлик, модаллик; иккинчидан: ҳурмат, сон, сифат, сабаб-натижа муносабатлари тегишлидир. Кўп ҳолларда матн ҳосил қилмайдиган категориялар матн ҳосил қилиш категориясига тегишли бўлган маъноларни ҳам акс эттиради [2:49].

В.И.Карасик олимларнинг матн ҳосил қилувчи ҳурмат ва сабаб-натижа муносабатлари борасидаги фикрларига қўшилмаган ҳолда категориялараро боғлиқликлар ва категориялар, проекциялар ҳақидаги айтилган ҳолатларни муҳимлигини таъкидлаб ўтишни лозим деб билади. Булар персонал-статус маъносининг асоси эканлигини эътироф этади [3.256].

Функционал грамматикада шахс категорияси персоналлик категориясининг янада кенгрок муҳим қисми эканлиги айтилади [4.41]. Француз тилида персоналлик категориясини ифодалаш усуллари бу: феълларнинг тусланиш флекцияси (3-шахс бирликда он олмоши умумий ҳисобланади) ва “бўлмоқ” феъли парадигмасининг суплектив шакллари, шахс ва эгалик олмошлари ва шу билан бирга персоналлик маъноси хусусиятидаги сўзлардир.

Шахс олмошлари тизими ишора белгиларига кўра қарама-қарши қўйилади. а) суҳбатда қатнашганлигига кўра: 1 шахс-сўзловчи, 2-шахс-суҳбатдош, 3-шахс-гапирилаётган ёки суҳбатда умуман иштирок этмаётган шахс, баъзан 4-шахс ҳам ажратилади- 3 шахс гапираётган киши. Масалан: *У унга берди.*

б) масофага кўра сўзловчига, суҳбатдошдан, 3-шахсдан кўра яқинда турган шахс.

в) кўриниш/ кўринмаслиги, маълум/номаълумлигига кўра (фақатгина 3-шахс доираси)

г) субъектив баҳолаш ва ижтимоий муносабат хусусиятларига кўра [5.148-151]

Олмошлар тизимида субъектнинг қандай семантик, персоналлик белгилари ажратилади? Бу маълумки, жонли/жонсизлиги, сони, биологик туркуми ҳисобланади. Бу белгилар шахс олмошларининг дейктик белгиларидир.

Албатта, персоналлик ҳақида гапирганда, шахс дейкислари алоҳида аҳамият касб этади. Нутқий мулоқотда *мен-сен-у* дейкисиси бирламчи ва чегаралангандир. Ўзбек тилида 1-шахс бирлик *камина, каминаи камтарин, қулингиз, бандаи ожиз, фақир* каби от-олмошлар билан ҳам ифодаланади. Француз тилида “он” ноаниқ олмоши 1-шахс бирлик ва 1, 3-шахс кўпликка ишора қилиб келади. Жонли/жонсизлик ва род белгиси фақат 3-шахсда кузатилади. 3-шахс олмошларининг жонли/жонсизлик ва биологик тур белгилари матнда берилган сўзнинг ҳамреферентлик ҳарактеридан аниқланади. Шахс олмошининг ҳамреферентлик хусусияти биринчи навбатда от сўз туркумига хос бўлиб, матнда улар шахс дейктик белгиси сифатида ифодасини топади.

В.В.Химик персоналликнинг функционал семантикасини ўрганиб адресантликнинг 5 та субкатегориал турини ажратади.

а) ўзгармас адресантлик, (*Мен ухламаяпман*)

- б) инклюзив адресантлик (*мен+сен, мен+сиз, мен+у ва б..*)
- в) умумий адресантлик (*муаллифликни кўрсатувчи биз олмоши*)
- г) экспрессив адресантлик (*Кимга гапиряпман!*)
- д) риторик адресантлик (*Ким ватанни соғинмайди,*) [6.115].

Олмошларнинг яна алоҳида аҳамиятли хусусиятларидан бири ҳурмат маъносини ифодалашидир. Бу олмошлардаги кўплик *сиз, улар* шакллари ҳурматни ёки ишора қилинаётган шахснинг ижтимоий мавқени ифодалайди. И.В.Арнольднинг фикрича, олмошлар семантикасида ҳурмат маъноси фақатгина мурожаат этувчи *Сиз* шаклида ифодаланмайди. Муаллифлик *биз* семантикаси ҳам ҳурмат маъносига қисман эгадир [7.116].

Олмошлар комбинаторлиги табиатан чегараланиш характериға эга. Масалан, нутқда *менинг сен эмас, менинг суҳбатдошим* дейиш мумкин [8.35].

Персоналликни билдирувчи воситалардан яна бири феълларнинг тусловчи кўшимчаларидир. Феълнинг семантик субъекти жонли, жонсиз, дифференцияланмаган бўлиши мумкин. Жонли субъект шахс сифатида ифодаланади. Жонсиз субъект предмет, ҳодиса, маҳсулот, воқеа сифатида, дифференцияланмаган субъект яширин тарзда ифодаланади.

Француз тилида род категорияси мавжуд бўлиб, феълларнинг шахс-сон кўшимчалари род кўрсатиш белгилари билан бирга ифодаланади. Феъллар тусланганда шахснинг қайси родда эканлигини кўрсатиш учун род белгилари билан ифодаланади. Масалан: Француз тилида *Passé composé* (ўтган мураккаб замон) замонини туслашда “être” ёрдамчи феъли билан тусланувчи феълларнинг сифатдош шакли род кўрсаткичи билан бирга келиб қуйидагича бўлади: *Je suis allé* (м.р). *Je suis allée*.(ж.р). Феълдаги “е” кўшимчаси шахснинг женский родга тегишли эканлигига ишора қилади. Лекин айрим замонларда ва *Passé composé* (ўтган мураккаб замон) замонининг “avoir” феъли билан тусланганда род кўрсаткичлари қўлланилмайди. Феълларнинг замонларда қўлланувчи шахс-сон кўшимчаларини родга ишора қилиш

белгиларига кўра иккига: род белгиси билан маркерланган ва род белгиси билан маркерланмаган замонларга бўлиш мумкин.

Персоналлик белгиси сон категориал белгиси билан ҳам боғлиқдир. Тил тизимида субъектларининг сон белгиси семантик жиҳатдан бирлик ёки кўпликни чегаралайди. Ўзбек тилида феълнинг семантик субъекти лексик усулдаги кўplik билан ифодаланганда, бирлик шаклидаги от бир неча шахс сифатида англанади. Масалан: *Душманни фақатгина кўплаб солдат қуршаб олиши мумкин*. Персоналликнинг кўplik белгиси 2 турда намоён бўлади: ноаниқ ва аниқ кўplik. Ноаниқ кўplik ҳақида субъектлар сони 2 тадан ортиқ бўлганда айтилади. Аниқ кўplik феълда фақат икки субъект ажратилгандагина гап бориши мумкин (*турмуш қурмоқ, дуэлга чиқмоқ каби*).

Персоналлик белгиси ва у билан боғлиқ бўлган жонлилик ва сон хусусиятлари тилшуносликда интерперсонал муносабатдаги феъллар термини билан ҳам берилади [9:163]. Субъектлари шахслар ва пропозициялар бўлиши мумкин бўлган феъллар карама-қарши қўйилади. Биринчи тур интерперсонал муносабатлар феъли деб номланади. Бу феъллар феъл маъносида акс этган ҳолат қатнашчилар сони ва иштирокчилар ўртасидаги муносабатларнинг йўналганлигига қараб таснифланади. Бир йўналишли, икки йўналишли ва ўзаро муносабатларни ифодаловчи феъллар фарқланади.

Масалан: *севмоқ, қувонтирмоқ, рози бўлмоқ [10:140]*.

Дейксиснинг категориал лексик белгиси шу каби феъллар семантикасида ҳам кузатилади. Бунда феъллар шахсларга қаратилиши фарқланади: *мен+феъл, сен+феъл, у+феъл каби*.

Биринчи шахсга йўналганлик перформатив феъллар, яъни фақат ахборотни узатиб қолмасдан, балки тингловчига жадал таъсир ўтказиш, уларни жавоб ҳаракатига ундаш мақсадлари аниқ намоён бўлади.

Масалан: *Мен мажлисни очиқ деб эълон қиламан*.

Перформатив (қолипланган) феълларга перформатив шаклда қўллана олмайдиган ноперформатив (тасвирловчи) феъллар қарама-қарши қўйилади.

Масалан: *Мен сизни курашга чақираман.*

Мен сиз билан курашаман.

Перформативликнинг конститутив белгиси ҳозирги замон 1-шахсда ҳозирги замон, истак-хоҳиш майлининг ишлатилиши ҳисобланади.

Перформатив феъллар талаффузга ва ким томонидан қўлланилишига кўра ижтимоий мавқе кўрсаткичига ҳам эга. Масалан: *Фақатгина мажлис раиси мажлисни очиб ва тамомлаш ҳуқуқига эга. Ташкилот бошлиғи ишга олиб ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга.*

Бунда феълларнинг перформативлик белгиси мавқе кўрсатиш ҳисобланади, ва келиб чиқадики, дейктик мавқе белгиси фақат олмошлар семантикаси билан эмас, феъллар семантикаси билан ҳам боғлиқдир.
